

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Г.Ғ. Назарова, Н.М. Салихова, Н.М. Мухамеджанова

ХАЛҚАРО МЕНЕЖМЕНТ

(Ўқув қўлланма)

**5341100-“Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар”
таълим йўналиши талабалари учун**

ТОШКЕНТ – 2007

Масъул мухаррир проф. Б.Ю. Ходиев

Тақризчилар: Закирова Н.К. – доц, и.ф.н., Алиева М.Т. - доц, и.ф.н.

Назарова Г.Г., Салихова Н.М., Мухамеджанова Г.А., Ханова И.М., Исмаилова Н.С. Халқаро менежмент: Ўқув қўлланма.-Т.: ТДИУ, 2007.-141 б.

Ўқув қўлланмада халқаро менежментнинг назарий асослари, хорижий фирмаларнинг қабул қилувчи мамлакатда фаолият юритиш шароитларига мослашуви, халқаро компанияларни бошқариш тизими, халқаро компанияларнинг давлат билан муносабатлари, хорижий тадбиркорлик ривожланишига халқаро иқтисодий интеграция таъсири, чет элда менежмент услуги хусусиятлари, халқаро бизнесда кадрлар сиёсати, халқаро бизнес этикаси ва бошқа масалалар кўриб чиқилган.

Ўқув қўлланма тасдиқланган намунавий дастурга асосан ёзилган бўлиб, у халқаро менежмент асослари ва жаҳон хўжалигининг глобаллашуви шароитида унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга бағишиланган.

Ушбу ўқув қўлланма иқтисодий йўналишдаги олий ўқув юртларининг талабалари учун мўлжалланган, ундан аспирантлар, ўқитувчилар, халқаро менежмент соҳасидаги мутахассислар ҳам фойдаланиши мумкин.

Ответственный редактор проф. Б.Ю. Ходиев

Рецензенты: к.э.н., доц. Закирова Н.К., к.э.н., доц. Алиева М.Т.

Назарова Г.Г., Салихова Н.М., Мухамеджанова Г.А., Ханова И.М., Исмаилова Н.С.

Международный менеджмент: Учебное пособие. –Т.: ТГЭУ, 2007.–141с.

В учебном пособии рассмотрены теоретические основы международного менеджмента, адаптация зарубежных фирм к условиям деятельности в принимающей стране, система управления международными фирмами, отношения международных компаний с государством, влияние международной экономической интеграции на развитие зарубежного предпринимательства, особенности стиля менеджмента за рубежом, кадровая политика в международном бизнесе, этика международного бизнеса и другие вопросы.

Учебное пособие написано в соответствии утвержденной типовой программе и посвящено изучению основ международного менеджмента и его специфических особенностей в условиях глобализации мировой экономики.

Данное учебное пособие предназначено для студентов высших учебных заведений экономического направления, а также для аспирантов, преподавателей, специалистов в области международного менеджмента.

Editor in chief prof. Xodiyev B. YU.

Reviewers: p.h.d. Zakirova N.K, p.h.d. Alieva M.T.

Nazarova G.G., Salixova N.M., Muhamedjanova G.A., Xanova I.M., Ismailova N.S. International management: Teaching manual. –T.: TSUE, 2007.-141 p.

In this teaching manual, we found the answers to theoretical bases of international management, accommodations of foreign firms to the working conditions of receiving countries, management systems of international companies, relations of international companies with the government, effects of international economic integration to the development of international business, features of managing styles in foreign countries, personnel policy in international business, ethics of international business and other problems.

This teaching manual is devoted learning bases of international management and features of it in the conditions of world economy globalization.

This teaching manual is recommended for higher educational establishments, students of this establishments, post graduate students, teachers and also for the readers interested in international management.

© -Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2007.

© - Ташкентский государственный экономический университет, 2007.

КИРИШ

Халқаро (глобал) менежментни ўрганиш, ишлаб чиқаришни ва хорижий фирмаларнинг малакали ташкилотчиси бўлиш мақсадини ўз олдига қўйган ўзбек фирмалари раҳбарлари ва таълим олувчилар учун зарур ҳисобланади. «Халқаро (глобал) менежмент» курси миллий фирмаларни бошқариш усули сифатидаги менежментнинг умумий тамойиллари мажмуасидан жиддий фарқ қилувчи муаммоларга бағишиланган. Хусусан, миллий шароитларга йўналтирилган стратегик менежмент фирмаларнинг байналмилаллашуви ва глобаллашуви шароитларида қарорлар қабул қилиш стратегиясини аниқлашга имкон бермайди.

Компания хорижий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жойда халқаро бошқарув вужудга келади. Глобал профессионал менежерлар фирмаларни халқаро бошқариш соҳасида фаолият кўрсатадилар. Бу фирмаларнинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолияти давлат чегаралари орқали амалга оширилади. Ўзбекистонда бундай фирмаларнинг сони тобора кўпаймоқда. Чунки XXI аср бошида табиий ресурсларга эгалик қилишнинг ўзи давлатнинг иқтисодий ўсиши учун етарли эмас. Ваҳоланки, тайёр маҳсулотлар, технологиялар, хизматлар ва капиталларнинг халқаро алмашувида фаол иштироки орқали мамлакатнинг юксалишига эришилади.

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг замонавий босқичида ҳеч бир мамлакат бошқалардан ажралган ҳолда фақат ўз худудидаги ресурслар эвазига яшай олмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов айтганидек: «Биз интеграция жараёнлари ва бозор ислоҳотларини ривожлантиришга, Марказий Осиё минтақасида умумий бозорни шакллантиришга алоҳида аҳамият берамиз»¹. Миллий хўжаликни ривожлантириш учун ҳар бир мамлакат ҳукумати унинг халқаро иқтисодий муносабатларда иштирок этишини кенгайтириш мақсадида чора-тадбирлар ишлаб чиқади. Бу ҳатто энг кам ривожланган давлатларга ҳам таалуқлидир.

Вужудга келган вазиятда бутун дунёда фирмаларни халқаро бошқариш бўйича менежерларга талаб ошиб бормоқда. Агар бир неча йил илгари ташқи иқтисодий фаолият билан фақат йирик компанияларгина шуғулланади, деган фикр мавжуд бўлган бўлса, бугунги кунда жаҳон иқтисодиёти, жадал ривожланиб бораётган халқаро иқтисодий муносабатларнинг глобаллашуви (жаҳон иқтисодиётининг бир бутун ягона ўзаро боғлиқ тизим сифатида амал қилиш жараёни) ва эркинлаштирилиши таъсирига боғлиқ бўлган шароитда, ҳатто кичикроқ фирманинг замонавий раҳбар-менежери учун ҳам унинг миллий кўламдаги фаолияти белгиларини билиш энди етарли эмас. Хўжалик

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. -Т.: Ўзбекистон, 2005, 59-б.

фаолиятининг байналмиллашуви бутун жаҳонда ҳар бир менежернинг касбий тайёргарлигига янги талаблар қўяди.

Ишлаб чиқариш, сотиш ва таъминлаш бозорлари давлат чегараларидан хатлаб ўтмоқда. Истеъмолчи учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи аниқ фирма, у жойлашган мамлакатга қараганда қўпроқ аҳамиятга эга бўлмоқда. Фирманинг самарали фаолият кўрсатиши учун раҳбар ўз фирмасининг бевосита иқтисодий мухитини билиш билан бир қаторда жаҳон бозоридаги ҳолатдан ҳам хабардор бўлиши зарур.

Информатика, ахборот технологиялари ва транспорт воситалари соҳасидаги ютуқлар давлатлар ўртасидаги масофаларни қисқартироқда. Шунинг учун менежер фирманинг ички ва ташқи иқтисодий алоқаларининг замонавий шакллари, уларнинг бирлашуви ҳақидаги билимларга эга бўлиши ва ўз фирмаси фаолиятининг самарадорлигини ошириш учун улардан тўғри фойдалана олиши керак.

Ташқи иқтисодий фаолият соҳаси билан шуғулланаётган фирмалар учун кенг қамровли мутахассислар зарур. Ўзбекистонда хўжалик субъектлари ташқи иқтисодий фаолиятининг кенгайиши ва МДҲ мамлакатлари компаниялари билан қўшма корхоналар ташкил қилишга қизиқишининг кучайиши натижасида кенг қамровли менежер менталитетига эга раҳбарларга қўпроқ эҳтиёж вужудга келмоқда.

Бундай раҳбар фирманинг фаолияти қийинлашганда, халқаро алоқаларни кенгайтириш орқали муаммоларни ҳал қилиш йўлларини излайди ва қуидагиларни мақсадга мувофиқ деб топиши мумкин:

- рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида (маркетинг концепциясидан келиб чиқиб) технологик ва ускуналарни замонавийлаштиришни жадаллаштириш учун хорижий сармоядорларни жалб қилиш;
- истеъмолчилар доирасини кенгайтириш ва жаҳон бозорига ўз маҳсулоти билан чиқиш учун хусусий ва давлат компаниялари билан фирмалараро кооперацияни амалга ошириш;
- минтақавий маъмурият ёрдамида сармоядорлар учун қулай шароит яратиш;
- корхона ишига миллий ва хорижий шериклар билан тўғри шартномалар тузса олувчи ҳуқуқшуносларни жалб қилиш;
- корхона ихтисослашуви соҳасида илмий-техник тараққиёт ҳақидаги ахборотни мунтазам олиш ва ўзининг илмий-техник ва конструкторлик базасини ривожлантириш учун миллий ва хорижий тадқиқот марказлари ва университетларини жалб қилиш;
- қизиқиши билдирган халқаро иқтисодий ва илмий-техник ташкилотлар билан ишбилиармонлик муносабатларини ўрнатиш.

«Халқаро (глобал) менежмент» курсининг вазифаси жаҳон бозорида миллий ва халқаро компаниялар стратегиясини, интеграл (бирикма) халқаро технологияларни қўллаш орқали ишлаб чиқарини байналмиллаштириш

имкониятларини, хорижий анъаналар, маданий хусусиятлар ва қабул қилинган стандартларга мослашиш усулларини ўрганишдан иборат. Натижа сифатида кенг кўламдаги тафаккур, фалсафа ва психология ҳамда хорижда тадбиркорлик фаолияти шароитларига тез мослашиш кўникмаларини эгаллаш қабул қилинади.

1-боб. ХАЛҚАРО МЕНЕЖМЕНТ ФАНИГА КИРИШ

- 1.1. “Халқаро менежмент” курсини глобал менежмент сифатида ўрганиш асослари**
- 1.2. “Халқаро менежмент” категорияси**
- 1.3. Хорижий тадбиркорлик шароитларида юқори қалтислик**
- 1.4. Жаҳон бозорида рақобатбардошликка эришишда халқаро менежментнинг ўрни**

1.1. “Халқаро менежмент” курсини глобал менежмент сифатида ўрганиш асослари

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви жараёни ҳозирги кунда нафакат ишлаб чиқариш, балки бу жараён билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатларни ҳам қамраб олган бўлиб, бунда маркетинг ва менежмент каби иқтисодий категориялар мухим ўрин тутади. Шу сабабли “Халқаро менежмент” категорияси иқтисодчилар тамонидан “глобал менежмент” сифатида таҳлил этилиб, бунда глобал менежмент назариясининг асосий принциплари мутлақ устунликлар, нисбий афзаликлар, маҳсулотнинг халқаро ҳаётий даври ва бевосита хорижий инвестицияларнинг тамойиллари ҳисобланади. “Халқаро (глобал) менежмент” категориясига таъриф бериш учун товарлар ва хизматларнинг турли мамлакатларда ишлаб чиқарилиши ва сотилишига имконият яратувчи тадбиркорлик шакли сифатида халқаро бизнес тушунчасини англаб олиш зарур. Халқаро бизнес – бу турли давлатларда жойлашган хусусий фирмалар ёки уларнинг филиаллари ўртасидаги ўзаро ишбилармонлик муносабатлариdir.

Мутлақ устунликлар тамойили бошқа давлатларга нисбатан меҳнат унумдорлиги юқори ва ишлаб чиқариш харажатлари паст бўлган мамлакатда товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришни ташкил қилишни назарда тутади. Бундай шароитлар мутлақ устунликларга эга мамлакатдан бошқа давлатларга товарлар ва хизматлар экспортини амалга ошириш имкониятини беради. Мутлақ устунликлар, шунингдек нисбий устунликлар ҳам халқаро бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиради.

Нисбий афзаликлар тамойили мамлакатда бир неча хил товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш имкониятларини асослаб беради. Бу ҳолда менежер мутлақ устунликларга эга бўлган маҳсулотни танлаши ва уни ишлаб чиқариш ва экспорт қилишга куч-куватни жамлаши зарур бўлади. Қолган товарлар ва хизматлар эса фақат ички бозор учун мўлжаланиши ва унга бўлган эҳтиёжларнинг бир қисми импорт ҳисобига қондирилиши мумкин. Мутлақ ва нисбий устунликларнинг бирикуви ҳар бир мамлакатга тегишли бўлган ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва давлат сиёсати билан бирга турли мамлакатларнинг фирмаларига рақобат шароитларида юқори нуфузни таъминлайди.

Тажрибанинг кўрсатишича, АҚШ корпорацияларининг пассажир самолетларини (“Боинг” компанияси), қудратли компьютерларни (“ИБМ” компанияси), компьютер дастурлари (“Майкрософт” компанияси), атроф-мухит муҳофазаси учун ускуналарни, ўғитларни ишлаб чиқаришдаги рақобатбардошлиги шубҳасиз. Жаҳон бозорларида Германия фирмалари автомобиллар, кимёвий маҳсулотлар, қишлоқ хўжалиги машиналари, оптика асбоблари, полиграфия ускуналари каби товарлар бўйича юқори рақобатбардошлиги билан машхур. Жаҳон бозорларида углеродли толалар, телекоммуникация ускуналари, денгиз кемалари, автомобиллар, майший электроника ишлаб чиқарувчи япон компаниялари машхурдир. Италия фирмалари чинни ва тўқимачилик маҳсулотларини, спорт пойафзали, қадоқлаш ускуналарини ишлаб чиқарувчилар ҳисобланади.

Маҳсулотнинг халқаро ҳаётий даври тамоилии американлик иқтисодчи Р. Вернан томонидан ишлаб чиқилган маҳсулотнинг ҳаётий даври назариясига асосланади. У ички ва ташқи бозорларга янги маҳсулотлар билан чиқишида тез ўзгарувчан конъюнктура ва ўткир рақобат кураши шароитларида тадбиркорларнинг эътиборини товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлиги муаммоларига қаратиш мақсадида ҳар қандай товарни сотиш жараёнини 4 босқичга ажратади:

1-босқич – янгилик киритиш. Маҳсулотнинг конструктив хусусиятлари ва техник характеристикалари харидорлар томонидан хали тўла ўрганилмаган вақтда талаб қатъий эмас, бозор эгалланмаган, янги товарга талаб ўсиши секинлашган. Бу босқичда харидорлар бозорда янги молга эътибор берадилар ва унинг афзалликларини баҳолаб борадилар, харидлар ҳажми секин ўсади.

2-босқич – товарнинг юқори истеъмол хусусиятларининг харидор томонидан тан олиниши эвазига талабнинг ўсиши билан боғлиқ ҳолда ишлаб чиқариш ва харид ҳажмининг қўпайиши. Бу биринчи бўлиб оммавий маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйган фирмалар учун максимал фойда олиш вақти ҳисобланади.

3-босқич – бозорни тўлдириш. Харидорларнинг асосий қисми товарга бўлган эҳтиёжларини қондиради. Унинг ишлаб чиқарилиши рақобатчилар томонидан ўзлаштирила бошлайди ва рақобат белгилари пайдо бўлади.

4-босқич – камайиш. Маҳсулотнинг ҳаётий даврини узайтириш учун уни ишлаб чиқариш, нисбатан паст ишлаб чиқариш харажатларига эга бўлган, кўпинча ривожланаётган мамлакатларга бевосита инвестициялар йўли билан узатилади. Бу мамлакатларга маҳсулот экспорти, одатда, бу ерда уларни ишлаб чиқаришдан илгари бошланган. Маҳаллий ишлаб чиқаришнинг ривожлантирилиши маҳсулотнинг келиб чиқиш мамлакатидан импорт қилиш қисқаради.

Бевосита хорижий инвестициялар - бевосита сармоядор фирма ва қабул қилувчи фирма ўртасида узоқ муддатли фаолиятга оид муносабатларга мўлжалланган капитал қўйилмалар. Бу муносабатларда бевосита

инвесторнинг мақсади қабул қилувчи мамлакатда корхонани бошқаришни ташкил қилишга жиддий таъсир кўрсатиш ва унинг фаолиятини назорат қилиш хисобланади. Бевосита хорижий инвестициялар турли мамлакатларнинг фирмалари ўртасида дастлабки битимнинг бошланғич босқичи сифатида хизмат қилиб, ўз ичига шунингдек улар ўртасидаги барча кейинги келишувларни олади.

Бу битимлар ва келишувларнинг субъектлари сифатида асосий иштирокчилардан ташқари улар билан боғлиқ фирмалар ҳам фаолият кўрсатиши мумкин. Инвесторнинг бевосита хорижий инвестицияларни киритиш мамлакатини танлашда иқтисодий ўсиш суръатлари, банк фоизи ва кредит шартлари, товар ва хизматлар ишлаб чиқариш харажатлари, ташқи қарздорлик, сиёсий ва макроиктисодий барқарорлик асосий устунликлар хисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»га Қонунининг (30.04.1998 й.) 3-моддасига биноан хорижий инвесторлар асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун хужжатларида таъқиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига кўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, шунингдек чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон Республикаси худудида чет эл инвестициялари деб эътироф этилади.

1.2. “Халқаро менежмент” категорияси

Халқаро менежмент хорижда ташқи иқтисодий алоқаларнинг барча шаклларидағи (экспорт, импорт, технологиялар айирбошлиш, қўшма корхоналар, хорижда хизматларни ишлаб чиқариш ва кўрсатиш, хорижий инвестицияларни амалга ошириш, трансмиллий корпорациялар) жамоа фаолияти шароитларида фирмаларни тўғри бошқариш назарияси ва амалиётидир.

Халқаро (глобал) менежмент компанияларни икки ва ундан ортиқ мамлакатларда фаолият юритишини бошқаришни назарда тутади, кенг қамровли менежер малакасига эга мутахассис эса кенг доирадаги масалалар – экспорт - импорт битимларидан тортиб, хорижда маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган фаолиятни амалга ошириши лозим. Бунда у турли маданиятларга мойил ва глобал менежмент назарияси, фалсафаси ва психологиясини ўзлаштириб олиши керак, ва ҳар қандай шароитда энг аввало мамлакатимиз манфаатларини кўзлаши зарур. Президентимиз: «Бугун мана шу юксак минбардан туриб айтмоқчиман: давлатимиз ташқи сиёсатининг маъно-мазмуни ва мақсади битта – у ҳам бўлса, Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатидир»,² - деб таъкидлайди.

² Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. -Т.: Ўзбекистон, 2005 , 58-б.

Хорижда жамоа фаолияти шароитларида ишлаш ўзбек тадбиркорлари ва давлат хизматчилари орасида тобора кенг тарқалиши бир қатор сабабларга эга. Биринчидан, собиқ Иттифоқ худудида мустақил давлатларнинг ташкил топиши кўп ҳолларда тадбиркорлар учун хорижий фаолиятга ўхшаш шароитларда ҳаракат қилиш заруриятини яратади. Иккинчидан, давлатимиз ташқи иқтисодий алоқаларининг кенгайиши миллий фирмаларнинг нафақат ТМКлар, балки турли халқаро иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишига олиб келмоқдаки, уларнинг ташкилий тузилиши ва стратегиясини ўрганиш зарур.

Халқаро менежментни ўрганиш тингловчиларнинг халқаро тоифадаги раҳбарлар учун зарурий сифатларга: ташаббус, аниқланган қалтисликка тайёрлик, ўз кучларига ишонч, кенг кўламли фикрлаш, хорижий шериклар билан конструктив алоқаларни ўрнатиш принципларини эгаллашга эришишга ёрдам беради. Ушбу курс материалларини ўрганиш тингловчиларга дунёда халқаро менежмент ривожланишининг қуидаги асосий йўналишларини кўрсатиб беради:

- бўйсунувчиларга юқланадиган жавобгарлик улушининг ортиши;
- истеъмолчиларнинг хоҳиш-истакларига эътиборни кучайтириш;
- фирмалар фаолиятида маркетинг ролининг ошиши;
- ишлаб чиқариш технологиясини узлуксиз такомиллаштириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар ассортиментини янгилаш;
- қисқа муддатли натижага ва узоқ муддатли мақсадларга эга тадбирларнинг аниқ ажратилиши;
- миллий манбаатларга риоя қилиш.

1.3. Хорижий тадбиркорлик шароитларида юқори қалтислик

“Тадбиркорлик” атамаси кенг маънода фирмани ташкил қилувчи ёки уни бошқарувчи шахсларнинг қалтисликка тайёрлигининг алоҳида жиҳатлари мажмуи сифатида аниқланади. “Тадбиркорлик” сўзи инглизча “entrepreneurship” ёки французча “entreprendre” сўзидан келиб чиқади ва таржима қилинганда “имкониятларни амалга ошириш, қўллаш ёки новаторлик фаолияти, ёхуд корхона тузиш йўли билан эҳтиёжлар ва истакларни қондириш” маъноларини англатади.

Фирма товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш (ёки сотиш) функцияларига эга хўжалик бирлиги сифатида ўз фаолиятини ривожлантиради ва демак икки йўналишда таваккал қиласи. Улардан бири фирмани жойлаштириш ўрнини танлашни, қўлланиладиган технология, хомашё, ярим тайёр маҳсулотларлар ва тайёр маҳсулотнинг ҳаракатланиш логистикасини назарда тутувчи вертикал йўналиш. Фирма фаолиятининг иккинчи йўналиши - менежмент услуги, маркетинг концепцияси, илмий изланиш ва тажриба конструкторлик ишлари (ИИТКИ) ҳамда молиявий

фаолият асосида ишлаб чиқариш ва сотишнинг ташкил қилинишига эга горизонтал йўналиш.

Фирма ўз фаолиятини давлат чегарасидан ташқарида олиб борса, тадбиркорлик билан боғлиқ маданий тафовутлар (хукуқ, анъаналар, ахлок), товарлар ва хизматларга талабнинг хусусиятлари, кишилар ўртасидаги ишлаб чиқариш ва майший муносабатларнинг фарқланиши, валюта паритетларининг тебраниши, халқаро терроризмнинг ёйилиши каби сабабларга кўра фирманинг хорижда фаолият юритиши шароитларида қалтисликлар бир неча баробар ошиб кетади.

Хорижий тадбиркорлик билан боғлиқ қалтисликларни комплекс баҳолаш учун хорижий бизнес билан шуғулланувчи фирмалар фаолиятига таъсир қилувчи омилларни туркумлаш мақсадга мувофиқ. Ушбу омилларга қуйидагилар киради:

- ижтимоий-маданий - урф-одатлар, тил, демография, ҳаёт тарзи, дин, ажнабийларга муносабат, турмуш даражаси, ижтимоий муассасалар, меъёрлар, саводлилик даражаси. Охирги омил ўз фирмасида меҳнат қилишга маҳаллий аҳолини жалб қилишни кўзлаган менежер учун муҳим;

- иқтисодий - иқтисодий ривожланиш даражаси, аҳоли жон бошига даромад, ЯММ динамикаси ва йўналиши, хукumatнинг молия сиёсати, ишсизлик даражаси (аҳолининг харид қуввати ва қабул қилувчи мамлакатдаги фирмада маҳаллий мутахассисларни ишлашга жалб қилиш имкониятини аниқлашда зарур), валюта алмашинуви, иш ҳақи даражаси, рақобат муҳити, иқтисодий бирлашмалар ва минтақавий интеграция ташкилотларида иштирок этиш. Охирги омил маҳаллий шерикларнинг мустақил қарор қабул қилишини қийинлаштиради, чунки минтақавий интеграция гуруҳларида иштирок этиш қатъий қарорларни интеграция бирлашмасидаги шериклар билан келишишни тақозо этади;

- технологик - технологияларни айирбошлишнинг хукуқий меъёрлари, энергия ташувчиларнинг мавжудлиги ва қиймати, табиий ресурслар, транспорт тармоғи, ишчи кучининг малакаси, патент ҳимояси, инфратузилма, ахборот оқимлари. Замонавий шароитларда ахборотнинг биринчи даражали аҳамиятини ҳисобга олиб, айрим корпорациялар (япон компаниялари) хорижда янги технологиялар, асосий рақобатчилар фаолиятининг аҳволи, қонунчиликдаги ўзгаришлар ва ҳоказолар ҳақидаги ахборотни олиш мақсадида ўз бўлимларини ташкил қиласди;

- сиёсий-хукуқий - давлатни бошқариш шакли, сиёсий мафкура, солиқ қонунчилиги, хукumatнинг барқарорлиги, хукumatнинг хорижий компанияларга муносабати, хорижий мулк ҳақидаги қонунчилик, оппозициянинг таъсири, савдо қонунчилиги, протекционизм даражаси, ташқи сиёsat, террористларнинг фаоллиги, хукуқий тизим. Сиёсий-хукуқий омиллар хорижий фирма учун қабул қилувчи мамлакат хукumatининг ҳаракатлари натижасида ўз активларини, ўз фирмалари назоратини, бозордаги улушини йўқотиш билан боғлиқ.

1.4. Жаҳон бозорида рақобатбардошликка эришишда ҳалқаро менежментнинг ўрни

Глобал менежернинг асосий вазифаларидан бири жаҳон бозорида ҳалқаро компания хорижий филиали маҳсулотининг рақобатбардошлигини илмий ёндашувлар ва усуллардан, маркетинг тамойилидан фойдаланиш ҳамда инсон омилини ҳисобга олиш ёрдамида таъминлашдир. Жаҳон бозорида маҳсулот ва хизматларнинг рақобатбардошлигига эришишга ёндашувда бешта асосий йўналишни ажратиш мумкин:

1. Глобал менежмент тизимининг самарадорлиги ҳалқаро компанияда ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш тузилмасининг оптимал тузилиши, ТМК тизими ички ва ташқи алоқаларининг мазмуни ва ташкил қилиниши билан аниқланади.

2. Ҳалқаро компаниянинг ташқи бозорга янги товарлар ёки хизматлар тури билан чиқишига тайёрлик даражаси бўлиб, у муайян объект бўйича янгилиги, техник характеристикалари ва ишончлилик кўрсаткичларининг оптималлиги, экологик, технологик, патент қобилияти, дизайн, стандартлаштириш ва унификациялаш меъёрларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан ИИТКИ натижаларининг сифати билан аниқланади.

3. Қўлланилаётган ускуналар, технология, хомашё ва материаллар, сифатни бошқариш тизими, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилиш билан таъминланувчи маҳсулотлар ёки хизматларнинг сифати.

4. Асосий истеъмолчиларнинг товарларни харид қилиш ёки хизматлардан фойдаланиш, транспортировка қилиш, эксплуатация қилиш, товар хизматининг кафолат муддати давомида таъмирлаш ва фойдаланишга харажатлари.

5. Қабул қилувчи мамлакатнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда харидорларнинг асосий ва қўшимча эҳтиёжларини қондириш даражаси, истеъмолчилар манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш меъёрларига риоя этиш даражаси, рекламанинг маҳсулотнинг ҳақиқий истеъмол хусусиятларига мос келиши, қадоқлаш сифати, сақлаш, сотиш, етказиб бериш, сотувдан кейинги кафолатли хизмат кўрсатиш шартлари билан аниқланади.

ТМК хорижий филиаллари кўпинча қабул қилувчи мамлакатларнинг бозорларида миллий фирмаларга нисбатан юқори молиявий имкониятлар ва кўплаб реклама тадбирлари ҳисобига юқорироқ рақобатбардошлик даражасига эришади. Бироқ жаҳон бозорида рақобатбардошликка эришишнинг асосий омили бозор конъюнктурасини малакали таҳлил қилиш асосида тўғри танланган товарлар ва хизматларнинг ассортименти (турлари) ҳисобланади.

Бундай таҳлилни ўтказиш учун ҳалқаро компанияларнинг иқтисодчилари кўпинча “Бостон консалтинг груп” Бостон маслаҳат гурухи ишлаб чиқсан ва “Бостон матрицаси” деб ном олган усулни қўллайдилар³(1-

³ Кемпбел Д., Стоунхаус Д., Хьюстон Б. Стратегический менеджмент. -М., 2003, 92-95с.

чизма). Бу усулда миллий бозордан фарқли ўлароқ жаҳон бозорида халқаро компания шундай омилларга боғлиқ бўладики, бу омилларга у бевосита таъсир эта олмайди. Бундай объектив ташқи омилларга мисол сифатида мазкур тармоқда технологиянинг ривожланиши, халқаро ташкилотларнинг атроф-мухит муҳофазаси бўйича конвенциялари, истеъмол талаби ўзгаришлари (масалан, 90-йилларда биомаҳсулотларга бўлган юқори талаб) келтирилиши мумкин.

Бозордаги нисбий улуш

Сотувларнинг ўсиш даражаси	«Юлдузлар»	«?» «Ёввойи мушуклар»
	«Софин сигирлар»	«Иллар»

1- чизма. Бостон матрицаси

Жаҳон бозоридаги рақобат миллий бозорга нисбатан қучлироқ, негаки халқаро компания у ерда қўпроқ ва қудратлироқ рақибларга дуч келади. Жаҳон бозоридаги улуш – у ёки бу товар ёки хизмат муваффақиятининг асосий салоҳияти. Бостон матрицасида халқаро компания жаҳон бозорига олиб чиқаётган товарлар ёки хизматлар бозорда эгаллаган улушкига кўра тўртта квадратда харидларнинг энг юқори ўсиш суръатлари билан характерланувчи товарлар ёки хизматлар (уларни юлдузлар деб атайдилар) туради. Уларнинг сотувдаги улуси асосий рақибницидан юқори ва демак, улар компания учун даромадлироқ ҳисобланади. Улар катта ҳажмда ишлаб чиқарилади, уларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари - ушбу бозордаги энг кам миқдорлардан бири (шу жумладан кўлам самараси ҳисобига ҳам).

Ўсиб бораётган бозорда рақобатчилар экспансиясига йўл қўймаслик учун ишлаб чиқариш ва бозорни ривожлантиришга инвестицияларни амалга ошириш ва олинган даромадларни қайта инвестициялаш зарур. Пастки чап квадратда бозорда паст ўсиш суръатлари билан сотилаётган товарлар ёки хизматлар жойлашади. Уларнинг рақобатбардошлиги ва сотувлардаги улуси ушбу бозорда асосий рақобатчиларницига нисбатан юқори, улар компанияга даромад келтиради ва “соғин сигирлар” деб аталади. Шу билан бирга сотувларнинг ўсиш суръати унчалик юқори эмас ва ишлаб чиқарувчиларга

катта инвестициялар зарур эмас. Демак, бу товарлар ёки хизматлар халқаро компанияга жаҳон бозорида юқори фойда келтиради.

Юқоридаги ўнг квадратда жойлашган товар ёки хизматлар сотув ҳажми ўсишининг бозор ўртача кўрсаткичидан юқорилиги билан характерланади, бироқ уларнинг сотувдаги ҳажми асосий рақобатчиникидан пастроқ. Уларни “савол белгилари” ёки ўзича сайд қилувчи “ёввойи мушуклар” деб номлашади. Бу товарлар ёки хизматлар сотилишининг ўсиш суръатлари анча юқори, лекин рақобатчининг жуда кучлилиги сабабли компания ўз рақобатбардошлиқ даражасини сақлаб қолиши истаса, бу товарлар ёки хизматлар истеъмол хусусиятларини такомиллаштиришга ва сифатини оширишга йирик капитал қўйилмаларни йўналтиришга мажбур бўлади.

Шу вақтнинг ўзида бу товар ёки хизматларнинг умумий сотувлар ҳажмидаги улушкининг нисбатан камлиги сабабли улар катта фойда келтирмайди, лекин пулларни ҳазм қилиб юборади, натижада уларни сотишдан қоладиган соғ фойда юқори эмас. Энг яхши вариант - уларнинг “юлдузлар” тоифасига ўтишига эришиш ҳисобланади.

Пастки ўнг квадратда сотиш ҳажми бозордаги ўртача кўрсаткичдан камроқ ўсуви, сотувдаги улушки эса асосий рақобатчиникидан кўра пастроқ бўлган товар ёки хизматлар жойлашган. Уларни “итлар” деб атайдилар. Уларга 20:80 қоидаси тааллуқли бўлиб, унинг моҳияти фойданинг 20 %ини берувчи ушбу товарлар ёки хизматлар халқаро менежер-ларнинг 80 % вақтини олади. Бу товарлар ёки хизматларнинг ишлаб чиқарилишини сақлаб туриш катта инвестициялар билан боғлиқ, компания эса улардан фақат зарап кўради. Жаҳон бозорига янги товар ёки хизмат билан чиқиш “бостон матрицаси” схемаси бўйича “савол белгисидан” бошланади, чунки тез ривожланаётган бозорлар учун товарлар ёки хизматларнинг ассортиментини тўғри танлаш тақозо этилади.

Қулай бозор конъюнктурасида товар ёки хизматлар асосий истеъмолчиларнинг талабларига жавоб берган вақтдагина, улар рақобатбардош бўлади, уларнинг сотувлар ҳажми ўсади, бозордаги улушки асосий рақибга қараганда юқори ва улар “юлдузлар” квадратига ўтади. Ушбу турдаги товарлар ёки хизматларга талаб етуклик босқичига етганда, сотиш ҳажмининг ўсиш суръатлари қисқаради, бу товарлар ёки хизматлар “соғин сигирлар” квадратига ўтади, компанияга катта фойда келтиради. Харидорлар жаҳон бозорида янги, янада жозибалироқ товарларни учратганда, аввалги товарлар ёки хизматлар “соғин сигирлар” квадратидан “итлар” квадратига ўтади ва халқаро компаниянинг сотиш тизимидан олиб ташланади.

Бостон матрицасининг тузилиши глобал менежерга жорий вазиятни ва қабул қилувчи мамлакатдаги хорижий филиал ишлаб чиқараётган товарлар ёки хизматларни жаҳон бозорида сотиш истиқболларини аниқ кўриш ва баҳолаш имкониятини беради. Матрица менежерга жаҳон бозорида сотиш жараёнида рақобатбардошлигини кўтариш учун зарур бўлган биринчи навбатдаги товарлар ёки хизматларни танлашга қўмаклашади. Бундан

ташқари халқаро менежер Бостон матриаси асосида ТМК тизими фирмаларининг қудратини жаҳон бозорида товарлар ёки хизматларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва халқаро компаниянинг молиявий ресурсларини унинг хорижий филиаллари ўртасида тўғри тақсимлашга йўналтириш вазифасини ҳал қилиши мумкин.

Қатор ҳолатларда халқаро менежерлар жаҳон бозорида рақобатчиларнинг фирмалари билан беллашмасликка, бунинг ўрнига бирдамликни намоён қилиш ва рақобатчилар билан бозорни бўлиб олиш ҳақида келишишни ёки бошқа рақиблар билан рақобат курашида кучларини бирлаштиришни лозим топади. Улар бу билан инновация фаолиятини рағбатлантирувчи ва иқтисодиётни ҳамда пировард натижада аҳоли фаровонлигининг ўсишини таъминловчи рақобат механизмининг ҳаракатини чегаралайди. Давлатнинг маъмурий органлари рақобатнинг бундай чекланишига қарши тегишли иқтисодий сиёsat билан курашадики, бу сиёsatнинг хусусиятларини халқаро менежер ҳисобга олиши лозим. Масалан, Германияда рақобатнинг чекланишига қарши қонун давлатнинг ички ва ташқи тадбиркорликни тартибга солиш бўйича тўртта асосий соҳасини кўзда тутади:

- келишувларни, келишилган хатт-ҳаракатни, рақобатни чеклашга қаратилган бир томонлама тадбирларни таъқиқлаш;
- бозорда хукмронлик қилувчи корхоналарнинг сустеъмоллари эҳтимолини назорат қилиш;
- корхоналар бирлашишини назорат қилиш;
- алоҳида қоидаларнинг ҳаракат соҳалари.

Халқаро менежер хорижий фаолияти муваффақиятининг асосий омилларидан бири қабул қилувчи мамлакат қонунларини билиш ва уларга риоя этиш ҳисобланади. XX асрнинг охирги ўн йилликларида кўпчилик давлатларнинг миллий қонунчилигига ва халқаро ташкилотларнинг конвенцияларида рақобатга муносабат нуқтаи назардан чекловчи ишга доир амалиёт шакллари етказиб берувчилар ва харидорлар ўртасида бозорларни тақсимлаш, баҳоларни ўрнатиш, экспортчиларнинг камситувчи баҳолари ва тижорат шартларидан фойдаланиши, савдо шеригининг ишлаб чиқариш ва рақобатлашаётган товарларни сотишга нисбатан чекловлари қабул қилинишига асосланган товар етказиб бериш, “юклама” билан етказиб бериш ва бошқалар қораланади.

Хуноса

Глобал менежмент назариясининг асосий принциплари мутлақ устунликлар, нисбий афзалликлар, маҳсулотнинг ҳаётий даври ва бевосита инвестицияларнинг тамойиллари ҳисобланади. Халқаро (глобал) менежмент

компаниянинг икки ва ундан ортиқ мамлакатда фаолият юритишини бошқаришни назарда тутади.

Глобал менежер учун зарурий сифатларга ташаббускорлик, меъёрдаги таваккалчиликка тайёрлик, ўз кучига ишонч, кенг кўламда фикрлаш, хорижий шериклар билан конструктив алоқаларни ўрнатиш принципларини билиш, чет тилларни ўрганиш қобилияtlари киради.

Хорижий тадбиркорлик билан боғлиқ қалтисликни комплекс баҳолаш учун хорижда фаолият юритувчи фирмаларнинг бизнесига таъсир этувчи омилларни ижтимоий-маданий, иқтисодий, технологик ва сиёсий-хукукий омилларга турқумлаш мумкин.

Бозор иқтисодиётiga асосланган давлатнинг маъмурий органлари фирманинг рақобат механизмини чекловчи хатти-ҳаракатларига қарши курашади.

Таянч иборалар

Халқаро бизнес, халқаро менежмент, тадбиркорлик, Бостон матрицаси, чекловчи ишга доир амалиёт.

Назорат саволлари

1. Халқаро менежментга таъриф беринг.
2. Глобал менежмент назариясининг асосий принципларини ёритинг.
3. Мамлакатда товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришда мутлақ устунлик нима?
4. Маҳсулотнинг халқаро ҳаётий даври тамойилининг моҳияти нимада?
5. Бевосита хорижий инвестициялар нима?
6. Корхонанинг хориждаги фаолиятига қандай омиллар таъсир этади?
7. Бостон матрицаси бўйича жаҳон бозорига янги товар ёки хизматлар билан чиқиш жараёнини тасвирланг.

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Пивоваров С.Э., Тарасевич Л.С., Майзель А.И. Международный менеджмент. -С-Пб, 2005.
2. Менеджмент организаций: современные технологии. /Под ред. Н.Г.Кузнецова. -Ростов на Дону, 2002.
3. Черенков В.И. Международный маркетинг. -С-Пб, 2003.

2-боб. ҚАБУЛ ҚИЛУВЧИ МАМЛАКАТДА ХОРИЖИЙ ФИРМАЛАРНИНГ ФАОЛИЯТ ЎРИТИШ ШАРОИТИГА МОСЛАШИШИ

2.1. Хўжалик фаолиятини байналмиллаштиришни мотивация- лаш

2.2. Хорижда атроф-мухитга мослашиш омиллари

2.3. Хорижий технологиялар ва ускуналарни қабул қилувчи мамлакатнинг шароитларига мослаштириш бўйича чора-тадбирлар

2.1. Хўжалик фаолиятини байналмиллаштиришни мотивациялаш

Хорижий фаолиятнинг юқори хатари фирма олдида очилаётган хорижда ҳаракатланишнинг кенг имкониятлари билан қопланади. XX аср бошидаёқ “ишлаб чиқариш ҳаражатлари пастроқ бўлган жойда ишлаб чиқариш” қоидасига асосланган ишлаб чиқаришнинг мутлақ ва нисбий ҳаражатлари асосий тамойилларига Америка автомобилсозлиги асосчиси Генри Форд сотиши бозори ҳақидаги “қаерда сотсан, шу ерда ишлаб чиқараман” деган ўз фикрини қўшди. Бу билан у қабул қилувчи мамлакатларда хорижда ишлаб чиқарилган қисмлардан йиғма ишлаб чиқаришга эга ҳалқаро ишлаб чиқариш мажмуалари ташкил қилинишига асос солди. Замонавий шароитларда хорижий тадбиркорликни рафбатлантирувчи омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ички миллий бозордаги фаолиятга нисбатан юқори фойда олиш;
- нисбатан йирик ва қудратли фирманинг таъсири (масалан, унинг субетказиб берувчиси сифатида фаолият юритиши). Бунга АҚШда япон компанияларининг автомобиль корхоналари қурилишини мисол қилиб келтириш мумкин. Бунда асосий япон автомобиль компаниялари ортидан уларнинг кичикроқ фирмалари - субетказиб берувчилари, автомобилларга, бутловчи қисмларни ишлаб чиқарувчи корхоналар АҚШда ўрнаша бошлади;
- ҳукумат ва ҳалқаро ташкилотларнинг ташаббуси. Ривожланган давлатлар ҳукумати ёки ҳалқаро молиявий ташкилотлар – Ҳалқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ), Ҳалқаро валюта фонди (ХВФ), Ҳалқаро тараққиёт ассоциацияси (ХТА) ва бошқаларнинг ривожланаётган давлатларга кредитлари кўпинча ривожланган мамлакатларнинг хусусий сармоядорларига қабул қилувчи давлатларда бевосита хорижий инвестициялар асосида корхоналарни қуриш имкониятини беради;
- компаниялар фаолиятини хорижга кўчиришга мажбур қилувчи миллий бозордаги нокулай шароитлар. Давлатнинг тартибга солиши билан боғлиқ ҳаражатлар (масалан, федерал ва минтақавий солиқлар, атроф-мухит муҳофазаси бўйича миллий меъёрларга мувофиқликка эришиш учун табиатни ҳимоя қилишга сарфлар) мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин. Табиий ресурсларнинг камайиши ёки уларни қазиб олиш шароитларининг

ёмонлашуви оқибатида ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиши, шунингдек миллий бозорда кескинлашаётган рақобат, ички бозорнинг бир турдаги маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш шароитларини қийинлаштиради. Сифимли ўсиб бораётган бозор мавжуд бўлган мамлакатда товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришни ташкил қилишга интилиш харакатчан компаниялар стратегиясининг “маҳаллий бозор учун маҳаллий ишлаб чиқаришни ташкил қилиш” принципига асосланади;

- қабул қилувчи мамлакатда бозор сифими, табиий ресурслар ва малакали арzon ишчи кучи ҳамда “инсон капитали” (юқори малакали мутахассислар, муҳандис ва олимлар)нинг мавжудлиги;

- экспорт учун протекционистик тўсиқлар. Улар қабул қилувчи мамлакатга тайёр маҳсулотлар олиб келишдан кўра, у ерда товар ва хизматларни ишлаб чиқариш учун қулай шароитларни яратади;

- қабул қилувчи мамлакатда қимматли ахборотларнинг мавжудлиги;

- қалтисликларнинг диверсификацияси (масалан, бозорга янги маҳсулот билан чиқиша). Бундай ҳолда қалтисликларни хорижий шерик билан бўлиб олиш мақсадга мувофиқ;

- хорижда янги технология, хорижий капитал ва ишлаб чиқариш ҳамда сотишни ташкил қилиш тажрибасини олиш;

- тез ўзгарувчан бозор конъюнктураси келтириб чиқарган узок муддатли талаб ва кўпгина қалтисликларнинг ноаниклиги сабабли товарларни ишлаб чиқариш ва хизмат қўрсатиш диверсификацияси;

- ташқи иқтисодий фаолият соҳасига чиқиш йўли билан рақобатбардошлик даражасини сақлаб қолиш;

- қабул қилувчи мамлакатда молиявий имкониятлардан (банкнинг паст фоизи, маҳаллий, хорижий ва халқаро ташкилотларнинг фондлари ва кредитларидан) фойдаланиш;


- жаҳон бозорида кучайиб бораётган рақобат шароитларида хорижда экспорт товарларининг рақобатбардошлигини оширишга имкон берувчи имтиёзли солиқка тортиш.

Хорижий тадбиркорликни ривожлантиришга ундовчи сабабларнинг ёритилиши шуни қўрсатадики, динамик компанияларнинг ишлаб чиқаришни хорижга ўтказиши фақат якуний фойдани максималлаштириш мақсадида амалга оширилмай, балки ишлаб чиқариш кучларини такомиллаштириш ва замонавийлаштириш зарурати билан ҳам изоҳланади.

2.2. Хорижда атроф-муҳитта мослашиш омиллари

Хорижий фирма фаолият юритиш жараёнида одатда миллий хусусиятга эга бўлган шароитларга мослашиши керак бўлади. Бунда мослашиш омиллари икки гурухга: субъектив - хорижий фирманинг ташкилий тузилмаси ва стратегиясига боғлиқ омиллар ва объектив - уларга фирма

таъсир кўрсата олмайди ва фақат мослашишга мажбур бўлувчи омилларга бўлинади (2-чизма).



2-чизма. Хорижий фирмани қабул қилувчи мамлакатдаги шароитларга мослашишининг асосий омиллари

Бу омиллар қуйидагилардан ташкил топган:

Хукуқий меъёрлар. Хорижий компаниянинг хорижда самарали фаолият юритишининг сўзсиз шарти қабул қилувчи мамлакат қонунларига риоя қилиш ҳисобланади. Уларга федерал, маҳаллий ва минтақавий қонуний далолатномалар киради. Бунда хукуқий меъёрларнинг миллий хусусиятлари кўзга ташланади. Масалан, Японияда ишбилармонлар шартномаларда қонуний далолатномаларга асосланмаслик ва музокараларга хукуқшуносларни жалб қиласликни маъқул кўрадилар. Бу эса уларнинг шерикка нисбатан ишончини намоён қиласди.

Компания ходимларининг миллий мансублиги. Сайёрамиздаги этник гурӯхлар ўртасидаги маданий, иқтисодий ва сиёсий тафовутлар қабул қилувчи мамлакатда менежмент услугига, ишлаб чиқариш ва сотишнинг мослашишига, маҳаллий ходимлар билан муносабатларга ва пировардида меҳнат унумдорлигига бевосита таъсир этади. Хорижда ўз миллатидаги малакали ишчилар ва хизматчиларни, яъни бош компаниянинг штаб-квартираси жойлашган мамлакат фуқароларини ишлатиш фирманинг хориждаги самарали фаолияти учун ишончлироқ.

Шу билан бирга қабул қилувчи мамлакат мутахассисларини ёллаш бир қатор афзалликларга эга. Уларнинг маҳаллий минтақавий ва федерал ҳукумат муассасалари билан муносабат ўрнатишлари енгилроқ, миллий бозорининг

хусусиятлари, истеъмолчиларнинг дидлари ва талабларини яхши биладилар ва пировардида хорижий компаниянинг қабул қилувчи мамлакат шароитларига тезроқ ва осонроқ мослашишига ёрдам берадилар. 90-йилларда қабул қилувчи мамлакат мутахассислари сонининг ТМК бошқарувининг ҳатто юқори даражаларида кўпайиш йўналиши ана шу сабаблар билан тушунтирилади.

Маҳаллий урф-одатлар. Қабул қилувчи мамлакатларнинг урф-одатлари баъзан саноати тарақкий этган давлатларда қабул қилинган бизнес юритишнинг умумий меъёрлари ишга доир этикадан жиддий фарқ қиласди. Айрим ривожланаётган давлатларда расмий шахсларни рағбатлантирмасдан тадбиркорлик билан шуғулланиш қийин.

Ишлаб чиқариш муносабатлари. Чет элда хорижий тадбиркорлик билан шуғулланиши бошлишдан аввал, қабул қилувчи мамлакатда ўрнатилган ишлаб чиқариш муносабатларининг принциплари, касаба уюшмаларининг фаолияти ва меҳнат қонунчилигини ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Акциядорлар учун қулай томонлар. Қабул қилувчи мамлакатда акциядорларни биринчи навбатда албатта акцияларга белгиланган юқори дивидендлар қизиқтиради. Бундан ташқари компания йиллик ҳисоботларида имкониятли акциядорлар учун компаниянинг технологик ютуқлари ва фаолият қалтислигини қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида маълумотлар чоп этилади. Тармоқнинг биринчи бешлигига кирувчи компанияларнинг акциялари энг катта қизиқишига эга бўлади.

Рақобат. Халқаро тоифали менежер жаҳон бозорига чиқиш миллий бозордаги фаолиятдан кўра рақобатчилар сонининг ўсиши билан боғлиқ қўшимча муаммоларнинг пайдо бўлишини ҳисобга олиши зарур.

Истеъмолчилар. Турли мамлакатларда истеъмолчиларнинг талаби ва дидлари жиддий фарқланади. Халқаро тоифали менежернинг асосий муаммоларига ана шу турли-туман эҳтиёжларни қондириш йўлларини топиш киради. Бу муаммонинг ҳал қилиниши турли давлатларда маҳсулот ва хизматларни сотиш учун ходимларни танлаш, шу жумладан қабул қилувчи мамлакатдаги маҳаллий мутахассисларни ёллашни анча осонлаштиради. Масалан, АҚШ бозорининг 20 %дан ортигини эгаллаган япон автомобилларини сотиш билан АҚШда одатда японлар эмас, балки улар ёллаган юқори малакали америкалик менежерлар шуғулланади.

Технология. Халқаро бозорда ҳаракатланувчи компанияларнинг илмий-техник тараққиёти даражаси жуда юқори. Улар турли давлатлардаги энг етакчи фирмалар билан технологиялар айирбошлиш ҳисобига ускуналарни, технология ва маҳсулот ассортиментини тезроқ амалга оширадилар. Табиийки, халқаро компания менежерига турли давлатларда муаллифлик ҳуқуқлари ва патентларини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунларни мунтазам ўрганиш зарур. Бунда технологиялар алмашуви қўшма корхоналар ёки стратегик альянслар ташкил қилиш шаклида содир бўлишини назарда тутиш лозим. Масалан, йўловчи ташиш самолётсозлигининг етакчиси -

“Боинг” корпорацияси (АҚШ) 260 йўловчилик бортга эга 7000 милгача узлуксиз парвоз қилишга мўлжалланган. Боинг 767 лайнерини яратиш учун ИТКИ ишларини ўтказишида Япониянинг “Кавасаки” ва “Фуджи” компаниялари билан ҳамкорликда ишлаган.

Иқтисодиёт. Хорижда атроф-мухиттга иқтисодий жиҳатдан мослашишнинг асосий қийинчилиги - турли давлатларда халқ хўжалиги ривожланишининг нотекис даражаси ва суръатлари, яъни бир вақтнинг ўзида бир мамлакатда тушкунлик, бошқасида - барқарорлик, учинчисида эса - юксалиш бўлиши мумкин. Жаҳон бозорида муваффақиятга эришиш учун халқаро менежер юқоридаги мослашиш омилларини ҳисобга олган ҳолда янги бозорга чиқишига тайёргарлик бўйича жиддий чора-тадбирларни амалга ошириши зарур. Биринчи навбатда реклама компаниясини ўтказиш лозим.

Халқаро компаниянинг қабул қилувчи мамлакатдаги хорижий филиали маҳсулотининг асосий истеъмолчилари ва шериклари шу мақсадда нашр материаллари ва маҳсулот намуналарини олдиндан олишлари лозим, чунки улар маҳсулотнинг техник-иқтисодий хусусиятларини олдиндан билишни хоҳлайдилар. Уларга халқаро компаниянинг жаҳон бозорида ихтисослашуви, тарихи ва ҳолати ҳақидаги маълумотларни бериш фойдали. Бу материаллар бўйича қабул қилувчи мамлакатдаги шериклар ва асосий потенциал харидорлар халқаро компаниянинг товар ва хизматларининг сотилиш даражаси, шунингдек компаниянинг барқарорлиги ва ишончлилигини дастлабки баҳолаш имкониятига эга бўладилар.

Реклама материаллари юқори сифатли бўлиши керак, чунки маълум даражада айнан уларга қараб потенциал истеъмолчилар ишлаб чиқариш ва сотишига мўлжалланган товарлар ва хизматларга баҳо берадилар. Ахборот материаллари тушунарли бўлиши ва бунинг учун матннинг тўғри тузилиши ҳамда оддийлиги тақозо этилади (уларнинг қабул қилувчи мамлакат тилида баён этилиши мақсадга мувофиқ). Қабул қилувчи мамлакатда потенциал шериклар учун реклама материалларини маҳаллий тилга таржима қилиш қийинчилиги мавжуд бўлган ҳолда ҳеч бўлмаганда инглиз тилида тайёрлаш керак. Улар халқаро компаниянинг жаҳон бозоридаги фаолияти ҳақида умумий маълумотлар ва ишлаб чиқариш ва сотишига мўлжалланган товарлар ва хизматлар ҳақида тўла ахборотни ўз ичига олиши керак.

Маҳаллий тilda материалларнинг мавжудлиги қабул қилувчи мамлакатда потенциал шериклар билан музокаралар олиб борилаётган даврда катта афзаллик ҳисобланади. Материалларни маҳаллий тилга таржима қилишда бош компания мамлакатининг қабул қилувчи мамлакатдаги элчихонасининг тижорат бўлими ёки қабул қилувчи мамлакатнинг савдо палатаси яхши компьютер технологияларига эга малакали таржимонларни тавсия қилиши мумкин.

Музокаралар босқичида халқаро компаниянинг тарихи, унинг маҳсулоти ва ишлаб чиқариш жараёни ҳақида инглиз тилида қисқа

кўргазмали видеофильмни намойиш қилиш мақсадга мувофиқ. Нашрий ахборот материаларининг таркибига одатда қуидагилар киритилади:

- халқаро компаниянинг активлари, бошқарув таркиби, хизмат кўрсатувчи банклар, молиявий ҳолати, компанияни яратиш тарихи ва фаолияти ҳақида аниқ ва қисқа ахборот берувчи фирманинг брошюраси;
- ишлаб чиқариш ва сотишга мўлжалланган товарлар ва хизматлар, шунингдек уларни ишлаб чиқаришнинг етакчи технологиялари ҳақида аниқ ахборот;
- халқаро компаниянинг қабул қилувчи мамлакатдаги хорижий филиалида ишлашга юборилаётган директорлар, менежерлар ва бошқа шахсларнинг қисқа резюмеси.

Бундай материаллар халқаро компаниянинг самимийлиги ва барқарорлигини тасдиқлади, шунингдек қабул қилувчи мамлакатда шериклар ва харидорларга бўлган ҳурматни кўрсатади. Халқаро менежер ва унинг яқин ҳамкасбларининг ташриф қофозлари бир томонда инглиз тилида ва иккинчи томонда маҳаллий тилда ёзилиши ҳамда икки томонда ҳам халқаро компания эмблемаси билан бўлиши керак. Ташриф қофозида исмишарифи, лавозим, манзил ва телефон рақами кўрсатилиши маҳаллий компания вакилларига келажакда ТМК хорижий филиали билан алоқаларни ривожлантиришга ёрдам беради. Ташриф қофозларининг энг тарқалган ҳажми 55 x 90 мм бўлади.

Халқаро менежер шуни назарда тутиши керакки, қабул қилувчи мамлакатда илк фаолият қадамлари товар айланманинг бошланғич кичик ҳажми, паст баҳо даражаси, шунингдек, янги бозорда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш барқарорлашгунга қадар узлуксиз капитал кўйилмаларнинг зарурияти сабабли жуда кам молиявий натижалар келтиради. Амалиётнинг кўрсатишича, янги бозорга янги маҳсулот билан чиққандан сўнг тахминан икки йил мобайнида сотув ҳажми ва баҳоларнинг даражаси кутилаётганидан кўра бирмунча пастроқ бўлади.

Бундан кейин янги маҳсулот ёки хизматларнинг истеъмол хусусиятларини баҳолаган харидорлар томонидан ўсиб борувчи талаб остида баҳоларнинг ўсиши кузатилади. Бозорда ўрнашиб олишга одатда 2-4 йил керак бўлади. Бутун бу даврга янги бозорда ўз улушкини ўзлаштириш учун инвестиция маблағларига эга бўлиш керак. Бунда фирманинг янги бозорда мослашиш стратегияси ва тактикасида хатолар ва уларни енгиб ўтишга уринишлар учун пул ва ишчи кучи ресурсларининг қўшимча харажатлари талаб қилинади.

Янги бозорни ўзлаштириш вақтида одатда халқаро компаниянинг хорижий филиали доимий штатини бош компания мамлакатидан юборилган раҳбарлар ва маҳаллий аҳоли орасидан малакали ва тиришқоқ мутахассислардан шакллантириш амалга оширилади. Бу давр мобайнида маҳаллий бозор талабларига мувофиқ маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш

тизимини эгилувчан мослаштириш зарур. Шу вақтда фирманинг сотувдан олдин реклама ва маслаҳатларни, шунингдек сотилган маҳсулотга кафолатли хизмат кўрсатишни ташкил қилиш қобилиятига караб, у ҳақидаги маълумот шакллантирилади.

Маҳаллий шериклар ва истеъмолчилар билан яхши муносабатларни ўрнатиш ва мустаҳкамлаш бозорни ўзлаштиришни тезлаштиради. Бунда мулоқот муаммолари, маданий ёки тил тўсиқларининг вужудга келиш имкониятини ҳисобга олиш зарур. Бу ҳолда халқаро менежерга нотаниш шаклланаётган муаммоларни енгиб ўтишда оптимизм, тиришқоқлик ва сабртоқат ёрдам беради. Бозор хатоларни кечирмайди - улар ҳақидаги мишишлар жуда тез тарқалади ва фирманинг бозордаги мавқенини тиклаш ҳамда мустаҳкамлаш учун кейинги барча уринишларни қийинлаштириб юбориши мумкин.

2.3. Хорижий технологиялар ва ускуналарни қабул қилувчи мамлакатнинг шароитларига мослаштириш бўйича чора-тадбирлар

Ҳозирги даврда технология ва ускуналарни импорт қилмайдиган мамлакат йўқ, чунки ҳеч бир давлат ўз саноати учун барча турдаги машина, ускуна ва техникани ишлаб чиқаришга қодир эмас. Бу Ўзбекистонга ҳам тааллуқли, бизнинг олдимизда энг янги хорижий технология ва ускуналарни жалб қилиш орқали бутун миллий моддий-техника базасини замонавийлаштириш вазифаси туриди.

Хорижий технология ва ускуналарни қабул қилувчи мамлакат шароитларига мослаштириш муаммоларини ўрганиш билан кўпгина тадқиқот марказлари шуғулланади. Англия Иқтисодиёт институтининг олимлари шундай хulosага келдиларки, импорт технология ва ускуналарни муваффақиятли ва ўз вақтида ўзлаштиришнинг асосий шарти олдиндан зарурий техник-иктисодий тадбирларни ўтказиш ҳисобланади.

Замонавий технология ва ускуналарни импорт қилувчи компанияларнинг тажрибаси шуни қўрсатадики, агрегатлар ва электрон-ҳисоблаш тизимларини етказиб берувчиларга қўйиладиган талаблар максимал меҳнат унумдорлигини, тежамкорликни таъминлашга, экологик меъёрлар ва стандартларга риоя қилишга асосланиши лозим. Хусусан, етказиб бериладиган ускуналарнинг техник характеристикалари куйидагиларни таъминлаши керак:

- давомий эксплуатация (амортизация меъёрларини киритиш кўп давлатларнинг саноат сиёсатларининг таркибий қисмига айланмоқда);
- қайта ишлаш режимларини электрон ҳисоблаш тизимлари ёрдамида оптималлаштириш йўли билан жадал технологик жараёнларни қўллаш орқали меҳнат унумдорлигини ошириш;
- минимал чиқиндиларнинг миқдори;

- сарфланадиган материаллардан кейинчалик фойдаланиш ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан тўла фойдаланувчи технологик жараёнларни кўллаш имконияти;

- маънавий эскирган ускуналарнинг турларига нисбатан маҳсулот бирлигига энергия ва хомашё сарфини қисқартириш;

- ишлаб чиқариш майдонларини қисқартириш лозим.

Бундан ташқари узоқни кўрувчи импортчилар харид қилинаётган технология ва ускуналарга қуидаги талабларни қўяди:

1. Технологик жараёнлар саноати ривожланган мамлакатларнинг заводларида патентланган ва синалган бўлиши керак.

2. Узатилаётган технологиялар маҳаллий шароитлар, хусусан маҳаллий хомашё ресурсларига мослаштиришга қаратилган бўлиши керак. Бундан ташқари импортчи харид қилинган технология ва ускуналарни кейинчалик такомиллаштириш имкониятига эга бўлиши зарур.

3. Ишлаб чиқариш харажатлари минимал, хеч бўлмаганда маънавий эскирган ускуналарнинг турларига нисбатан паст бўлиши керак.

4. Харид қилинаётган технологиялар ва ускуналар, харидорнинг заводида илгари ўрнатилган агрегатларга мос келиши зарур.

5. Ускуна етказиб берувчининг таклифи тез емирилувчи қисмларнинг ишчи чизмаларини (маҳаллий корхоналарда уларни тайёрлаш имкониятига эга бўлиш учун), шунингдек ускунани ўрнатиш ва ундан фойдаланиш учун мос хизматлар ва технологияларнинг рўйхатини келтириши керак.


Тажрибали имортчилар музокараларда нархлар, техник шартлар ва етказиб бериш муддатларини муҳокама қилиш билан бир вақтда молиялаштириш шартларини ҳам келишиб оладилар.

Хорижий технология ва ускуналар муваффақиятли амал қилишининг зарурий шарти сифатида харидор заводида ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва етарли техник маданият даражасига эга малакали мутахассисларнинг мавжудлиги хизмат қиласи. Тажриба қўрсатишича, янги технология маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган ва тажрибали ходимларга эга бўлган узоқ вақт амал қилаётган эски заводларда энг қисқа муддатда ўзлаштирилади.

Кўп ҳолларда импорт технология ва ускуналарни ўзлаштиришдаги жиддий ўзгаришлар етказиб берувчи ва харидор ўртасида ўзаро муносабатларнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги ёки харидорнинг шартнома имзолашдан олдин ўз имкониятларини тўғри ҳисобга олмаганлиги учун ресурслари етарли эмаслиги сабабли вужудга келади. Бундай ҳолда имортчининг бошқарув ходимларининг ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг узоқ муддатли йўналишларини ҳисобга олмасдан, қисқа муддатли масалаларни ҳал қилишга уриниши ва унинг ишлаб чиқаришга умуман янги технологик жараёнларни татбиқ этиш қалтислигига мойил эмаслиги натижасида импорт технология ва ускуналаридан узоқ вақт давомида фойдаланилмайди.

Шу билан бирга янги технологияларни харид қилишда оқланмаган шошма-шошарлик шартнома имзолаш чоғида импортчининг ускуна имкониятларини тўла англамаслигига олиб келиш ҳолатлари ҳам учрайди. Натижада импортчи етарли билимга эга эмаслигини кўрсатади ва ушалмаган умидлар оғушида қолади.

Импорт технология ва ускуналарини қабул қилиш, йиғиш, ўрнатиш ва фойдаланишга тушириш ишларига жалб қилинган ходимларнинг сони кафолатли синовлар яқинлашиши билан қисқаради. Биринчи босқичда шартнома имзолангандан сўнг, сотиб олинган технология ва ускуналарни маҳаллий шароитларга мослаштириш, харидор кадрларни ўқитиш, ускуналарни қабул қилиш, йиғиш ва ўрнатиш учун майдон тайёрлаш ишларига, маҳаллий ва хорижий тадқиқот институтлари ва университетларидан муҳандислар, лойиҳачилар ва технологлар, қурилиш компанияларининг мутахассислари жалб қилинади (3-чизма).



3-чизма. Технология ва ускуналар етказиб бериш шартномасини бажариш билан банд ходимлар сонининг ўзгариш динамикаси

Бу даврда одатда ускуна ишлаб чиқарувчилар харидор ходимларини ўқитишида асосий роль ўйнайди, илмий-тадқиқот институтлари, университетлар, лойиҳа ва қурилиш ташкилотлари эса хорижий ускунани қабул қилишга тайёргарлик куришга хизмат кўрсатадилар. Сўнгги йилларда технологик жараёнлар ва компютерлаштирилган агрегатлар конструкцияларининг мураккаблашуви сабабли тажрибали импортчилар сотиб олинган ускуналардан фойдаланишга мутахассисларни ўқитиш ва уни қабул қилиш ишларини ускуна ишлаб чиқарилган жойда амалга оширишга катта эътибор бермоқдалар.

Ўқитиши агрегатларни ўрнатиш жойида, шунингдек хорижий ишлаб чиқарувчи корхоналарда ҳам ўтказилади. Ўқитиши курсига теротехнология - ускуналарга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тизимини, агрегатларни бошланғич материаллар, энергия, эҳтиёт қисмлар билан узлуксиз таъминлашни ташкил қилишни ўзлаштириш киради. Импорт қилувчининг мутахассислари хавфсизлик техникаси, атроф-мухит муҳофазаси меъёрларини, маҳсулот сифатини назорат қилиш усувларини ўрганадилар. Етказиб бериш ҳажмига сифатни бузмайдиган назорат ускуналари - рентген, изотоп, ультратовуш ўрнатмалари ва спектрал анализ ускуналарини киритиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Буюртмачи корхонага ускуна етказиб беришдан анча олдин агрегатларни эксплуатация қилиш жойида мавжуд инфратузилма, маҳаллий хомашё материаллари, иқлим шароитлари, ходимларнинг техник саводлилигини ҳисобга олган ҳолда хорижий технология жараёнларини маҳаллий шароитларга мослаштириш бўйича илмий-техник изланишлар ўтказилади ва чора-тадбирлар ишлаб чиқилади. Ўтказилган тадқиқотлар ҳамда технология ва ускуналарни етказиб берувчининг асосий агрегатларни етказиб бериш муддатидан илгари тақдим этган техник хужжатлар асосида хомашё материаллари, маҳсулот номенклатураси ва сифатига техник талабларни умумлаштирувчи технология йўриқномалари тузилади.

Шу билан бир вақтда шартнома шартлари асосида ускуна ишлаб чиқарувчи заводларга ускуналарни уларни ишлаб чиқариш жойида қабул қилиш учун буютмачининг назоратчилари юборилади. Шу назоратчиларнинг ускуналарни лойихалаштиришда ҳам иштирок этиши мақсадга мувофиқ, чунки улар сўнгра ўз корхонасида импорт агрегатларни замонавийлаштириш ва такомиллаштиришда қатнашиш имкониятини қўлга киритадилар. Импорт қилувчи ўз назоратчиларини ускуналар ишлаб чиқарувчи заводларга ўз вақтида юбориш ҳакида қайфуриши лозим.

Импорт ускунанинг фойдаланишга тушириш муддати яқинлашган сари жалб қилинган корхоналар ва мутахассислар доираси қискаради. Ишга тушириш вақтида факат ўқитилган ходимлар ва ускуналар етказиб берган хорижий фирманинг кам сонли мутахассислари қолади (4-чизмага қаранг - учбурчак чўққиси - кафолатли синовлар ўтказиш нуқтаси).

Тажриба шуни кўрсатадики, импорт қилувчи корхонасида импорт технологиялар ва ускуналардан фойдаланишни бошлаш даврида етказиб берувчи фирма вакиллари бўлиши керак, чунки кафолатли синовлар арафасида импорт ускунанинг айrim зарурий қисмлари билан бутланмаганлиги ва механизmlар ҳамда электрон тизимларда камчиликларнинг мавжудлиги аён бўлиш ҳоллари кўп учрайди.

Бу кўпинча ёрдамчи агрегатлар, юклаш қурилмалари ва транспорт тизимларига тегишли бўлади. Шу ерда дарҳол етказиб берувчи фирма вакилларига етишмовчиликлар ва камчиликлар тўғрисида эътиrozлар билдириш зарур. Шу билан бирга кафолатли синовлар даврида

ускуналардаги ва технология жараёнларидағи камчиликлар хорижий ускунали объектнинг техник хизмат раҳбарлари, уларни етказиб бериш шартномаларини имзолашда хориждан ва маҳаллий етказиб берувчилардан бутловчиларни етказиб бериш муддатларини келишиб олишга етарли эътибор бермаганлиги, кўзда тутилмаган камчиликлар ва шартнома муддатлари бажармаслигининг олдини олиш мақсадида қисмларнинг кўшимча микдорига буюртма бериш назарда тутилмаганлигидан далолат беради.

Импорт агрегатларини ишга туширишнинг биринчи босқичида одатда техник хизмат қўрсатишнинг камчиликлари, эҳтиёт қисмларнинг етишмаслиги, айrim бўғинлар, шунингдек тизимлар ва механизмларнинг ишдан чиқиши сабабларини аниқлашнинг ёмон ташкил қилинганлиги аниқланади.

Кўпгина ҳолатларда импорт қилувчини хорижда ўқитилган мутахассисларининг бир қисми ускуналарни ишлаб чиқарувчи корхоналарда ишлашга қолади, бошқа қисми юқори иш ҳақига қизиқиб, бошқа миллий корхоналарга ўтиб кетади. Бундай вазиятнинг олдини олиш учун ускунани етказиб бериш шартномасида агрегатларни ишлаб чиқарувчи заводларда ва шундай агрегатларни ишлатувчи корхоналарда ўқитишни, кўзда тутилмаган вазиятларни ҳисобга олган ҳолда мутахассисларни ўқитишни назарда тушиш лозим.

Хорижий технологиялар ва ускуналардан фойдаланишининг биринчи босқичида маҳаллий етказиб берувчилар билан шартномаларда белгиланган муайян сифатли хомашё, бутловчи маҳсулотлар, материаллар, эҳтиёт қисмларни етказиб бериш муддатларига риоя қилиш муҳим.

Хорижий технология ва ускуналарни етказиб берувчи ва харидор ўртасидаги зиддиятли вазиятларни таҳлил қилиш шуни қўрсатадики, ускуналарни етказиб бериш бўйича шартномаларни имзолашда иккала томон вакилларининг йўл қўйган қўйидаги камчиликлар зиддиятларни келтириб чиқаради:

- шартнома матнида етказиб берувчининг ускуналар ва технологияларнинг техник қўрсаткичлари бўйича кафолатларининг ноаниқ ифодаланиши;
- ускунани лойиҳалаштиришда харидор мамлакатида агрегатдан фойдаланишининг маҳаллий шароитлари етказиб берувчи томонидан ҳисобга олмаганлиги;
- ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий харажатлари етказиб берувчининг шартнома имзолаш вақтида кафолатлаган қўрсаткичларидан ошиб кетиши;
- шартномаларда сотувчи заводларида харидорнинг таълим олаётган мутахассислари сони ва уларни ўқитиш сифати мезонлари ҳақидаги ноаниқ шартлар.

Лицензиатлар - лицензия харид қилувчиларнинг технология ва ускуналар импортига шартномалар имзолашда хатолари микдорини

камайтириш учун халқаро ташкилотлар (ЮНИДО, ЮНКТАД) ишлаб чиқариш воситаларини импорт қилувчи ривожланаётган давлатлар учун қатор тавсияномалар тайёрладилар.

Хусусан, технологияларга лицензияларни импорт қилувчилар лицензиявий шартномаларда лицензиар (лицензия етказиб берувчи)дан турли материаллар ва компонентларни мажбурий харид қилиш; ишлаб чиқаришнинг ҳажмини, маҳсулотларнинг сотиш ҳажмини, баҳоларнинг даражасини, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ассортиментини чеклаш; лицензиар билан келишмай туриб, бошқа технология жараёнларини қўллаш ёки мавжудларини такомиллаштиришни таъкилаш; фақат лицензиарнинг сотиш тармоғи орқали мажбурий маҳсулот экспорти каби шартлардан воз кечишлари зарур.

ЮНИДО эксперtlари заиф иқтисодиётли давлатларнинг хукуматлари илтимосларига кўра у ёки бу мамлакатнинг импорт технологияларни ўзлаштиришдаги имкониятлари таҳлили билан хорижда технология ва ускуналарни харид қилишнинг техник-иктисодий асосларини тайёрлайдилар; импорт технология ва ускуналар комплектини ўзлаштириш учун зарур техник ва молиявий маблағларнинг ҳажмини ҳисоблайдилар; импорт технология ва ускуналарнинг негизида объектларни қуриш, ускуналарни ўрнатиш ва ишга туширишнинг кенг дастурларини тайёрлайдилар; миллий мутахассисларни ўқитишига кўмаклашадилар; турли давлатларнинг манфаатдор корхоналари ўртасида кооперация ва бевосита илмий ишлаб чиқариш алоқаларини йўлга қўядилар.

Жаҳон технологиялар ва ускуналар бозорининг иштирокчилари тажрибасининг кўрсатишича, экспорт қилувчилар ва импорт қилувчилар ўртасидаги келишмовчиликлар кўпинча ускуналарни бутлаш, кафолат синовларини ўтказиш услуби, етказиб берилган ускуналардаги нуқсонлар учун жавобгарлик, маҳаллий хомашё материалларининг сотиб олинган технологиянинг техник талабларига номувофиқлиги масалалари юзасидан вужудга келади.

Кўп ҳолларда томонлар орасидаги зиддиятларни, шартномада иккала томоннинг бир-бирига ҳар қандай технологик янгиликлар киритиш тўғрисида ахборот бериш мажбурияти ҳақидаги шарт кўрсатилиши билан олдини олиш мумкин. Импорт қилувчилар бу ҳолда етказиб берувчиларнинг технология жараёнларининг такомиллаштирилишидан унумли фойдаланиш имкониятига, ускуналар ва технологияларни етказиб берувчилар эса харидорларнинг уларга хабар бермасдан ҳеч қандай техник янгиликлар киритмаслиги кафолатига эга бўладилар. Ускуна ва технологияни импорт қилувчилар учун асосий қоида: ҳар қандай келишмовчиликлар ва зиддиятлардан сўнг ҳам етказиб берувчилар билан дўстона хайрлашиш зарур, чунки келажакда уларга маслаҳатлар, эҳтиёт қисмлар, техник ёрдамлар бўйича мурожаат этиш зарурияти туғилиши мумкин.

Хулоса

Тажрибали импорт қилувчилар сотиб олинадиган ускуналар ва технологияларга қуйидаги талабларни қўяди: технологик жараёнлар, саноати ривожланган давлатлар заводларида синалган ва патентланган бўлиши керак, узатилувчи технологиялар харидор шароитларига (хусусан маҳаллий хомашё ресурсларига) мослашишга мўлжалланган бўлиши керак; харид қилинаётган технологиялар ва ускуналар харидор корхонасида илгари ўрнатилган агрегатларга мос келиши керак, ускуна етказиб берувчининг таклифи тез емирилувчи қисмларни маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқариш имкониятини берувчи ишчи чизмаларни ўз ичига олиши керак.

Импорт қилувчилар етказиб берувчилар билан музокараларда баҳолар, техник шартлар, ускуна ва техник хужжатларни етказиб бериш муддатлари билан бирга баъзи ҳолларда импорт қилувчилар учун муҳимроқ саналган битимларни молиялаштириш шартларини келишиб олиши зарур.

Экспорт қилувчилар ва импорт қилувчилар ўртасидаги келишмовчиликлар кўпинча ускуналарни бутлаш, кафолат синовларини ўтказиш услуби, етказиб берилган ускуналардаги нуқсонлар учун жавобгарлик, маҳаллий хомашё ресурсларининг сотиб олинган технологиянинг техник талабларига мос келмаслиги каби сабаблардан келиб чиқади. Ҳар қандай келишмовчиликлар ва зиддиятлар етказиб берувчи билан дўстона хайрлашишга халақит бермаслиги лозим, чунки келажакда маслаҳат, эҳтиёт қисмлар, техник ёрдамлар ва бошқалар бўйича унга мурожаат қилиш зарурияти вужудга келиши мумкин.

Таянч иборалар

Инсон капитали, қабул қилувчи мамлакатнинг молиявий имкониятлари, мослашишнинг субъектив ва объектив омиллари, лицензиат, лицензиат.

Назорат саволлари

1. Хорижий тадбиркорликнинг қизиқтирувчи сабабларини айтиб беринг.
2. Хорижий фирманинг қабул қилувчи мамлакатнинг шароитларига мослашишнинг объектив ва субъектив омилларига нима киради?
3. Хорижий технология ва ускуналарни самарали ва ўз вақтида ўзлаштиришнинг асосий шарти нимадан иборат?
4. Импорт қилувчилар харид қилинаётган ускуналар ва технологияларга қандай талаблар қўяди?
5. Импорт қилувчилар ва экспорт қилувчилар ўртасидаги зиддиятларнинг вужудга келишига асосан нима сабаб бўлади?

6. Нима учун хорижий тадбиркорлик юқори таваккалчиликлар билан боғлиқ?

7. Хорижий тадбиркорлик деганда нимани тушунасиз?

8. Хориж технологияларини мамлакатнинг шароитларига мослаштириш учун қандай чора-тадбирлар ўтказиш зарур?

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Пивоваров С.Э., Тарасевич Л.С., Майзель А.И. Международный менеджмент. -С-Пб, 2005.

2. Менеджмент организации: современные технологии. /Под ред. Н.Г.Кузнецова. -Ростов на Дону, 2002.

3. Йўлдошев Н.Қ., Қозоқов О.С. Менежмент. -Т.: Фан, 2004.

3-боб. ХАЛҚАРО ВА ТРАНСМИЛЛИЙ КОМПАНИЯЛАР ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ

3.1. Миллий компаниянинг халқаро компания даражасига ўтиш эволюцияси

3.2. ТМК – халқаро тадбиркорликнинг энг самарали шакли

3.3. ТМКнинг миллатини аниқлаш

3.1. Миллий компаниянинг халқаро компания даражасига ўтиш эволюцияси

Халқаро компаниялар миллий капитални бошқа давлатларга тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида олиб чиқувчи ташкилотлардир. Замонавий халқаро компанияларнинг кўпчилик қисми трансмиллий корпорацияларни, ташкилий шакли бўйича эса концернларни ифода этади. Улар илгариги турли давлатлар капиталининг оддий бирлашуви ва иштирокчилари ўз капиталларининг мулкдори бўлиб қолган картеллар, синдикатлар, трестлардан маълум даражада фарқланади. Уларга тескари ҳолда XX асрнинг типик концерни одатда турли тармоқлар ва худудлар бўйича диверсификацияланган капиталнинг ягона мулкдоридир.

Замонавий халқаро компаниялар трансмиллий, яъни ўз миллатига эга бўлган ёки кўпмиллатли бўлиши мумкин. Трансмиллий корпорациялар бош компания (одатда у компания миллатини аниқлади) ва унинг хорижий филиалларини ўз ичига оловчи субъектлар тизимини ифодалайди. Бош компания бошқа давлатлардаги хорижий филиаллари активини назорат қиласди ва одатда уларнинг капиталида ўз улушкига эга бўлади.

Кўп миллатли компанияларда турли миллатлар капиталларининг бирлашуви вужудга келади. Биринчи кўп миллатли компания “Юнилевер” 1929 йили “Маргарин Юни” (Дания) ва “Левер Бразерз” (Буюк Британия) фирмаларининг бирлашиши натижасида вужудга келди. Шу даврдан бошлаб у деярли 60 та давлатда 500дан ортиқ хорижий филиаллари бўлган энг йирик халқаро компаниялардан бири даражасигача ўсиб етди. “Юнилевер” компанияси иккита штаб-квартирага эга - бири Лондонда, иккинчиси - Роттердамда жойлашган.

Миллий компанияларнинг халқаро компаниялар даражасига ўтишни рағбатлантирувчи уч асосий омилни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Товар айирбошлишнинг ва шу билан бирга даромаднинг ўсиши. Бунда компания ишлаб чиқариш қувватларини кучайтириш ва масштаб самарасидан фойдаланиш имкониятига эга. Бундан ташқари у қалтисликни камайтириш учун хорижий ҳамкорлар билан бўлган алоқалардан фойдаланиши мумкин.

2. Қабул қилаётган давлатда хомашё ва ишчи қучининг нисбатан арzonлиги ҳисобига ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг камайиши.

Бундан ташқари, маҳаллий фирмалар билан қўшма корхоналар тузиш йўли билан савдо-сотиқ бозори ва янги самарали технологияларга эришиш имкониятларини кенгайтириш.

3. Қабул қилаётган мамлакатнинг саноати, молия-кредит тизими, савдо каналлари ва инфратузилмасидан фойдаланиш.

Кўпчилик ҳалқаро компаниялар учун миллий фирмалардан трансмиллий корпорацияларга ўтиш йўлида уларнинг ташқи иқтисодий фаолиятининг муайян кетма-кетлиги одатий ҳол бўлиб қолади (4-чизма).



4-чизма. Миллий компаниянинг ҳалқаро компания даражасига ўтиш эволюцияси

Биринчи босқич – бир марталик экспорт-импорт битимларида акс этувчи, турли давлатлардан бўлган ҳамкорлар орасидаги шартнома муносабатлари. Бу босқичда ҳамкорлар хали етарли даражада бир-бирларининг молиявий имкониятлари, илмий-саноат потенциали ва ишбилармонлик услубини билмайдилар.

Иккинчи босқич – бунда турли давлатлардан бўлган ҳамкорлар орасидаги муносабатларнинг навбатдаги кенгайиши ва такомиллашуви кўрсаткичи бўлиб икки йил ва ундан ортиқ муддатга мўлжалланган узок муддатли шартномалар хизмат қилиши мумкин. Бир қатор ҳолларда бундай шартномалар капиталнинг кредит шаклида олиб чиқилиши, асбоб-

ускуналарнинг етказиб берилиши, технологияларни ўтказилиши, шунингдек илмий-техникавий ҳамкорликни кўзда тутади.

Узоқ муддатли шартномалар сифати сотиб олувчига аён бўлган товарлар ва хизматларнинг савдо бозорлари барқарорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан экспортчи учун жалб этувчанлигидир. Бундан ташқари экспортчилар транспорт компаниялари билан узоқ муддатли доимий келишувлар тузиш йўли билан транспорт харажатларини қисқартириш ҳисобига ўз маблағларини тежайдилар. Буларнинг ҳаммаси реклама, харидорларни излаш, кўп сонли бир марталик шартномаларни тайёрлаш харажатларисиз тижорат харажатларини пасайтириш имконини беради.

Импорт қилувчилар учун узоқ муддатли шартномалар яхши маълум бўлган ва ўзини яхши томондан тавсия килган товарлар ва хизматлар етказиб берилиши барқарорлигини таъминлайди. Ривожланаётган мамлакатлардан хомашё товарлари импорт қилинган ҳолатда импортчилар экспортчиларга капитални ссудага бериш, сўнгра эса маълум даражадаги фоизлар билан узоқ муддат мобайнида ёқилғи, хомашё материалларига бўлган талабларини барқарор таъминлаш учун, уни маҳсулот шаклида қайтариш имкониятига эга.

Ҳамкорликнинг кейинги босқичи - тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, лицензияли келишувлар, консорциумлар (маълум мақсадларни амалга ошириш, кўпинча ташқи бозорга биргаликда кириш учун ўзаро конфиденциал келишувлар билан боғланган ҳамкор-иштирокчиларнинг вақтинчалик бирлашуви)дир. Бу босқичда ҳар хил мамлакатлардан бўлган ҳамкорлар бир-бирларига баҳо беришган, бир-бирларининг ишончлилигига ва иш юзасидан шартномаларни тузишни давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлигига ишонч ҳосил қилишган.

Ўзбекистонда Вазирлар Маҳкамасининг 12.12.2000 й. 473-сонли «Халқаро шартномалар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар бўйича мажбуриятларини бажариш тартиби тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ халқаро шартномалар лойиҳаларини эксперталар даражасида ишлаб чиқиш ва халқаро шартномалар бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш қўйидаги Ўзбекистон Республикасининг вазирларининг зиммасига юкланди:

- ташқи иқтисодий фаолият, шу жумладан савдо-иктисодий ҳамкорлик, инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш ҳамда техник ёрдам кўрсатиш масалалари бўйича – Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигига;

- инвестиция ва валюта-молия ҳамкорлиги масалалари бўйича - Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Марказий Банк, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасига;

- соликқа тортиш ва солиқ қонунчилигига риоя қилишдаги ҳамкорлик масалалари бўйича - Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига;

- давлат мулкини бегоналаштириш ва улардан фойдаланиш, хукуқларни эътироф этиш ва мулкий муносабатларни тартибга солиш масалалари бўйича - Давлат мулк қўмитаси, Адлия вазирлигига;

- илмий-техникавий ҳамкорлик, шунингдек хукуқий муҳофаза ва интеллектуал мулк обьектларидан фойдаланиш шартлари масалалари бўйича

- Фан ва техника давлат қўмитаси, Фанлар академияси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Адлия вазирлигига.

Лицензияли битимларнинг имзоланиши, технологиялар билан алмашинув, халқаро илмий-техник кооперацияларнинг саноат, тижорат, тадқиқот салоҳиятларидан тўлиқроқ фойдаланиш имконини беради. Бунда лицензияли битимлар технологиялар билан алмашиниши, бартер ва компенсация битимлари учун восита сифатида кенг ишлатилади.

Учинчи давлатлар бозорларида консорциум таркибида биргаликда ўз товар ва хизматлари билан иштирок этиш, ҳамкорларга турли буюмлар ва комплект ускуналарнинг бирмунча кенг ассортиментини таклиф этиш, қалтисликларни ўзаро тақсимлаш, янги бозорларни ўзлаштириш бўйича, технологиялар ва ноу-хаулар билан ўзаро алмашув бўйича имкониятларни кенгайтириш, шунингдек молиявий ресурсларни бирлаштириш ҳисобига ўз фаолияти учун зарурӣ молиялаштиришни таъминлаш имконини беради.

Кўпинча консорциумларга якка ўзи ташқи бозорга чиқиши имкониятига эга бўлмаган ёки экспорт саноати учун зарур ускуналар билан жиҳозланмаган, катта бўлмаган компаниялар бирлашади. Бу муаммоларни улар биргаликда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун мамлакат ички бозорида ўзига ўхшаш компанияларнинг ўз кучи ва ресурсларини бирлаштириш йўли билан ҳал этадилар. Баъзан ўз товарларининг сотилиши учун бирлашган маркетинг гурухини тузадилар. Мева, гўшт, сут маҳсулотлари савдоси бўйича аграр сектор корхоналари уюшмалари кенг тарқалган.

Учинчи босқич - қўшма корхоналар бўлиб, улар турли давлатлардан бўлган ҳамкорларни амал қилаётган саноат ёки тижорат фирмаларига эга бўлган ҳамкор мамлакатида зарур бўлган биноларни қуриш ва уларда ускуналарни ўрнатишларсиз, тезда биргаликдаги фаолиятини бошлиши мумкинлиги билан жалб этади. Лекин, қўшма халқаро тадбиркорликнинг кўпчилик устунликлари ва очилаётган имкониятларига қарамасдан, ҳамкорлар ўз мустақиллигининг бир қисмини йўқотади ва барча хатти-харакатларини бир-бирлари билан келишиб амалга оширишларига тўғри келади. Бу эса қарор қабул қилиш жараёнини қийинлаштиради ва чўзиб юборади.

Бундан ташқари қўшма корхона халқаро ҳамкорликнинг вақтинчалик шакли. Қўшма тадбиркорлик соҳасида иш юритувчи маслаҳат берувчи фирмаларнинг изланишлари қўшма корхона фаолиятининг ўртача муддати тўрт йил эканлигини қўрсатади. Қўшма корхоналар фаолияти жараёнида одатда бир ҳамкор нисбатан кучлироқ бўлиб, кучсизини ютиб боради. Лекин

расмий хужжатларда “ютиб юбориш” эмас, балки “ фирмалар қўшилиши” таърифи қўлланилади, чунки бундай ибора кучсиз фирмаларнинг ғурурини камситиши мумкин. Бир қатор маслаҳат берувчи фирмаларнинг фикрига кўра компанияларнинг бирлашувини саноатдан эмас, балки инжиниринг, маркетинг ва тижорат муомалаларидан бошлаш мақсадга мувофиқ. Натижада бу соҳалар қўшилишининг самарадорлиги саноат қувватлари қўшилиши самарадорлигига нисбатан икки баробар ошиши мумкин.

Фирмалар қўшилиши ҳақидаги қарор ойлаб давом этадиган пухта ҳисоб-китоблар ва музокаралардан сўнг қабул қилинади. Бирлашишни ўзаро келишиб олиш қўйидаги кетма-кетликда амалга ошади:

- ҳаракатларнинг стратегик режасини аниқлаш;
- раҳбариятдаги ўринларнинг мувозанатли тақсимотини, штаб-квартира ва ИТТКИ марказларининг қаерда жойлашишини аниқлаш билан бошқарув тизимини ўзаро келишиб олиш;
- ягона компанияга бирлашаётган ҳамкорларнинг активларини баҳолаш;
- бирлашаётган компаниялар штати билан қўшилишни келишиб олиш.

Фирмалар қўшилишининг муваффақиятли кўрсаткичи ишлаб чиқариш ва тижорат операциялари ҳажмининг 10-20 %га ўсиши, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг 10-20 %га камайиши ҳисобланади.

Хар хил давлатлардан бўлган ҳамкорларнинг ягона компанияга бирлашиш натижаси ТМКнинг шаклланишидир. Компаниянинг трансмиллийлаштириш даражаси трансмиллийлаштириш индекси билан характерланади.

$$I = (XA/UA + XC/UC + XW/UW) : 3 ,$$

бу ерда, I- трансмиллийлаштириш индекси;

XA – хорижий активлар;

UA – умумий активлар;

XC – хорижий филиалларининг товар ва хизматлар савдоси ҳажми;

UC – умумий товар ва хизматлар савдоси ҳажми;

XW – хорижий штат;

UW – умумий штат;

3.2. ТМК – халқаро тадбиркорликнинг энг самарали шакли

Ҳозирги вактда ТМКнинг дунёга тарқалиши ва уларнинг жаҳон иқтисодиётига таъсири жуда юқори. XXI асрнинг бошига келиб, 500 мингга яқин хорижий филиалларини бошқараётган 60 мингдан зиёд компаниялар рўйхатдан ўтган. ТМКнинг қўл остида хусусий ишлаб чиқариш фондларининг тахминан 30 %, халқаро савдонинг 50 %га яқини мужассамланган. Трансмиллий корпорациялар томонидан жаҳон бозорларидаги деярли

бутун хомашё савдоси, шу жумладан бүгдой, кофе, жўхори, ўрмон материаллари, тамаки, темир рудаси жаҳон савдосининг 90 %, мис ва бокситнинг 85 %и, чой ва қалайнинг 80 %и, банан, табиий каучук ва хом нефтнинг 75 %и назорат қилинади. Улар ҳиссасига илм-фан ва техника соҳаларида патентланган ва татбиқ этилган барча янгиликларнинг 80 %и тўғри келади.

ТМКнинг умумий валюта захираси жаҳоннинг барча марказий банкларининг биргаликдаги захирасидан бир неча баробар кўп. Хусусий секторда бўлган пул миқдорининг 1-2 %га силжиши исталган иккита миллий валютанинг ўзаро паритетини ўзгартиришга кодир. Xalқaro компаниялар бутун дунёни ягона бозор деб қарайди, кўпгина мамлакатларда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширади, хорижий сармоялар локомотиви бўлиб қатнашади ва миллий чегаралардан қатъий назар стратегик қарорлар қабул қиласди.

90-йилларнинг охирида ТМКлар орасида хорижий активларнинг қиймати бўйича биринчи ўринда “Ройял Датч Шелл” инглиз-голланд концерни турар эди. Йирик ТМКнинг биринчи ўнлигига 5та Америка компаниялари, 2та Япония, 1та ГФР, 1та Швейцария компанияси кирав эди. 1995 йилда дунёning нисбатан қудратли 100та ТМКлари рўйхатида илк маротаба ривожланаётган мамлакатлардан чикувчи “Деу Корпорейшн” (Жанубий Корея) ва “Петролеус де Венесуела”лар юзага келди.

Йирик ТМКлар кўпинча ўз фаолиятини илмий-техник тараққиётини белгиловчи тез ривожланаётган саноат тармоқларига қаратади. Улар 90-йилларнинг охирида компаниянинг 100та йирик ТМКлар рўйхатига кирган компаниялар хорижий активларининг 15 %дан юқоририғи тўғри келадиган электроника саноатига жуда фаол қизиқмоқда. Бу рўйхатларда кимё, қазиб олиш ва автомобил саноати корпорациялари юқори ўринларни эгаллайди. ТМКлар катта ҳажмдаги халқаро иқтисодий битимларни амалга ошира туриб, уларда савдогарлар (тижоратчилар), тўғри ва портфель сармоядорлар, самарали технологияларни тарқатувчилар, халқаро меҳнат миграциясининг рағбатлантирувчи сифатида иштирок этади.

ТМКлар миллий бозорлар орасида алоқаларни мустаҳкамлаган ҳолда, умумий бошқарув остида бутун дунё бўйича корхоналарни жойлаштириб, саноатни интернационаллаштириш жараёнларини вужудга келтиради. Улар турли давлатларда жойлашган корхоналарнинг технологик даврини бирлаштиради, фирма ичидаги меҳнат тақсимотини амалга оширади.

ТМКга кирган ҳар бир корхона келишилган сиёsat ва ягона умумий стратегия чегарасида фаолият юритади. Турли ТМКларда бир ёки ундан кўп қарор қабул қилувчи марказлар мавжуд. ТМК активлари умумий хусусий мулк билан боғлиқ. Ҳар бир ТМКдан бир-бирига боғлиқ корхоналар орасида ИТТКИ натижалари, ресурслар ва жавобгарликларнинг тақсимланиши келишиб олинган. ТМК фаолияти унумдорлиги Зта манбага асосланган:

1. Турли мамлакатларда табиий ресурсларга, йирик капиталга ва фантехникада янгилик киритиш бўйича мутлақ кўпчилик патентларга эгалик қилиши.

2. Бутун дунё бўйича табиий ресурслар, унумдор ерлар, қулай иқлим ва арzon ишчи кучининг қулай комбинацияси билан фирмаларнинг жойлашиш устунликларидан фойдаланиш.

3. Интернационал ишлаб чиқаришни ташкил этишда, халқаро маркетинг тамойилидан фойдаланиш билан бутун дунёда катта талабга эга янги товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришда халқаро менежмент тажрибасидан фойдаланиш.

Молиявий жиҳатдан ТМК турли мамлакатлардаги филиалларининг тармоғи билан миллий компанияларга нисбатан қулай ҳолатда, чунки:

- улар ўзининг халқаро капитал тизимиға эга ва уларни энг кўп фойда келтирувчи мамлакатга кўчирадилар;

- шарқдан ғарбга йўналиши бўйича суткасига 24 соат жаҳон молия бозорларининг ҳолати ҳақида маълумотга эга. Масалан, куннинг сўнггида Нью-Йоркдаги бош компания электрон алоқа орқали жаҳон молия бозоридаги ҳолатни Гонконгдаги корхонасига юборади. Кейинги кун эрталаб бош компания Гонконгдан ўтган 12 соат учун бозордаги воқеалар ва вазиятнинг таҳлили ҳақида маълумот олади. Шундай қилиб, бир ТМК миқёсида тўхтовсиз тартибда ИТТКИнинг ишлаб туриши, дастурлаштириш ва бошқалар ташкил этилади;

- қабул қилувчи мамлакатларда валюта паритетининг тебраниши ва инвестиция иқлимини либераллаштириш даражасидан келиб чиқкан ҳолда инвестиция қалтисликларини филиаллари орасида тақсимлайди. Шундай қилиб, қабул қилувчи мамлакатда валюта паритетининг пасайиши ТМКнинг бу мамлакатда кўчмас мулк сотиб олиши учун қулай шароитлар яратади. Хусусийлаштириш шароитларида либераллаштириш ҳам қабул қилаётган мамлакатга ТМК капиталларини жалб этади;

- хорижий филиаллари жойлашган мамлакатлардаги миллий ва халқаро молиявий институтлардан қарзга олинган маблағлардан нисбатан манфаатли шартларда фойдаланади.

ТМК хорижий филиалларининг миллий фирмалар олдидаги асосий рақобат устунликларидан бири бош компаниянинг изланиш маркази томонидан ўтказиладиган ИТТКИ натижаларидан фойдаланиш ҳисобланади. Дунёдаги патент ва лицензиялардан фойдаланганлик учун тўловларнинг 70 %га яқини ТМК доирасида бош компаниялар ва уларнинг хорижий филиаллари орасида амалга оширилади. Бунда охирги йилларда ТМКлар ИТТКИ ўтказиш харажатларини камайтириш мақсадида ўз изланиш марказларини кўпроқ қабул қилаётган мамлакатларга кўчиришмоқда.

Агар аввал изланиш ишлари ва конструкторлик тадқиқотлари одатда, бош компания жойлашган мамлакатда амалга оширилган бўлса, XX асрнинг охирига келиб, халқаро технологиялар айирбошлиш ҳажмининг кенгайиши

били ТМК изланиш марказлари илмий-тадқиқот ишлари ва конструкторлик тадқиқотларини минимал харажатлар билан ўтказиш учун ресурс ва илмий салоҳиятга эга бўлган мамлакатларда ўрнатилмоқда.

ИТТКИ ўтказиш учун ТМКлар ишлаб чиқариш инфратузилмасига эга бўлган, университетлар ва миллий тадқиқот марказлари фаолият кўрсатаётган, олимларнинг маоши унчалик катта бўлмаган ва коммуникация воситалари етарли даражада ривожланган қабул қилувчи мамлакатларни танлайди. Бундан ташқари, ТМК тадқиқот марказларининг жойлашиши учун жалб этувчи омил илмий муассасалар ва саноат корхоналари орасида алоқаларнинг яхши ўрнатилганлиги, қабул қилаётган мамлакатнинг хукумати томонидан миллий ИТТКИларнинг қўллаб-кувватланиши ва интеллектуал мулкни қўриқлашнинг мустаҳкам ҳукуқий асоси ҳисобланади.

90-йилларда нафақат ривожланган, балки ривожланаётган мамлакатларда ҳам, ТМКлар тадқиқот марказларини жойлаштираётган илмий ва технологик парклар кенг тарқалди. Бундай паркларнинг мувафақиятли фаолияти учун у ерда олимларнинг ишлаши ва яшashi учун қулай шароитларга эга асосий илмий ва ўқув марказининг жойлашиши, шунингдек у ерда илмий изланишларни кенгайтириш ва такомиллаштириш учун етарли имкониятлар мавжуд бўлиши зарур.

ТМК корхонаси самарали фаолият юритишининг асосий манбаларидан бирига, ресурс ва бозорлар жойлашишининг қулай комбинациясини қўллаган ҳолда, бош компания уюштирадиган интернационал ишлаб чиқаришни киритиш лозим. Бу ҳолатда халқаро компаниянинг ишлаб чиқариш қуввати ТМКнинг умумий стратегиясига мувофиқ турли мамлакатларда жойлашади. Жаҳон бозори эҳтиёжларини қондириш учун халқаро компаниялар фирмалар ичидаги ва улар орасидаги ҳамкорлик алоқаларидан фойдаланади. Бунда халқаро иқтисодий муносабатларнинг ҳар хил шакллари биргаликда қўлланилади. Кўпинча, ташқи саводдан тўғри хорижий инвестициялар билан биргаликда фойдаланилади ва ТМК хорижий филиаллари маҳсулотларини олиб чиқиши ҳисобига экспорт амалга оширилади.

Интеграциялашган халқаро ишлаб чиқариш капитал, технологик жараёнлар, малакали ходимларнинг миграцияси ва савдо тармоғини давлат чегаралари орқали ягона тизимга бирлаштирувчи бош компания назорати остида хорижда маҳсулот чиқаришни ўзида ифода этади. Интеграциялашган халқаро ишлаб чиқаришнинг бошқарув қуроли (инструменти) миллий компанияларнига нисбатан паст ишлаб чиқариш харажатларига, нисбатан юқори бўлган сифат ва хилма-хил ассортиментга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминловчи глобал менежмент ҳисобланади. Бунда савдо бозорларини кенгайтиришда ТМК корхоналарининг рақобатбардошлик устунлиги намоён бўлади.

Халқаро компанияларнинг иш тажрибаси ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг 3 хил тузилмаси мавжудлигини кўрсатади (5-чизма):

1. Горизонтал.

2. Вертикал.

3. Диверсификацияли.

Горизонтал интеграция сотиш бозори ҳажмини кўпайтириш, саноат кўламини кенгайтириш ва қувватлардан унумли фойдаланиш сингари устунликка эга. Бир қабул қилаётган мамлакатда маҳсулотга бўлган талаб қисқарганда халқаро компания бу маҳсулотга бўлган талаб сақланган ёки кенгайган бошқа мамлакатдаги корхонасига ресурсларни ўтказади. Халқаро горизонтал интеграция даражаси тахминан ТМК филиалларининг бошқа ундан мустакил фирмаларга экспорт ҳажми сифатида аниқланиши мумкин.

ТМК миқёсида саноатнинг вертикал интеграцияси турли мамлакатларда ишлаб чиқариш жараёнини: бир мамлакатда хомашё қазиб олиш, бошқа мамлакатда унга ишлов бериш ва ярим тайёр маҳсулот ёки бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш, учинчи мамлакатда тайёр маҳсулот йиғишини ягона технологик занжирга бирлашишини ифода этади.


Халқаро ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг бундай тузилмаси етказиб берувчиларга қарамликни қисқартириш, асосий истеъмолчилар, шу жумладан хомашё ва ярим тайёр маҳсулотлар харидорларининг эҳтиёжларини қондиришга бутун эътиборни қаратиш, бутун технологик жараён учун умумий режа бўйича турли мамлакатлардаги ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, бош компаниянинг истагига биноан алоҳида ишлаб чиқариш муомалаларида техник даражани ошириш имконини кўзда тутади.

1. Ишлаб чиқаришнинг горизонтал интеграцияси




A, B, C – X маҳсулот ишлаб чиқариш ташкил этилган қабул қилувчи мамлакатлар

2. Ишлаб чиқаришнинг вертикал интеграцияси



A,B,C – қабул қилувчи мамлакатлар, бу ерда А – тайёр маҳсулотларни йиғиш, В - ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш, С – хомашё материалынни ишлаб чиқариш

3. Халқаро ишлаб чиқариш диверсификацияси



A, B, C, D – қабул қилувчи мамлакатлар, бу ерда А мамлакатда X тайёр маҳсулот, В мамлакатда Y тайёр маҳсулотлар, С мамлакатда Z тайёр маҳсулот, D мамлакатда Q тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилади

5-чизма. Халқаро ишлаб чиқаришни ташкил этишининг асосий тузилмалари

Тайёр маҳсулот йиғишнинг таркибий қисмлар ишлаб чиқариш ва ИТТКИдан худудий ажратилиши вертикал интеграция бўйича халқаро ишлаб чиқаришда етказиб беришларни (таъминотни) ва логистика хизматини ташкил қилишга, яъни ишлаб чиқаришни дастлабки материаллар ва комплектловчи қисмлар билан таъминлаш тизимида алоқалар ва боғланишларни йўлга қўйиш ва такомиллаштиришга, ишлаб чиқаришнинг ўзини оптималлаштириш ва тайёр маҳсулот сотиш тизимини рационаллаштиришга маълум жиҳатдан боғлаб қўяди. Ишлаб чиқаришнинг халқаро вертикал интеграция даражаси бир ТМК филиалларининг мана шу компаниянинг бошқа мамлакатлардаги филиалларига экспорти ҳажмини ҳисоблаш йўли билан аниқланиши мумкин.

Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш турли қабул қилувчи мамлакатларда турли-туман маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан иборат. Маҳсулотни у ёки бу мамлакатда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва шу товарни экспорт қилишдан кўра мақсадга мувофиқлиги, қабул қилувчи мамлакатда бу маҳсулот учун импорт божи миқдори билан аниқланади. Юқори импорт божи ва ўсаётган талаб вазиятида халқаро компания шу маҳсулот экспорти ўрнига уни импорт қилувчи мамлакатда ишлаб чиқариш хақида қарор қабул қилиши мумкин.

Бундан ташқари бир турдаги маҳсулотни шу мамлакатда, бошқа турдагисини бошқа мамлакатда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш халқаро компанияга ўзини бошқа мамлакатларда бошқа маҳсулот мустаҳкам талабга эгалиги ва янги бозорда ўрнашиш бўйича муваффақиятсизлиги ҳолатида, компания ўз йўқотишларини турли мамлакатлардаги бошқа товарларни чиқариш ва сотишни ошириш ҳисобига қоплаши мумкинлиги билан сұғурталаган ҳолда янги бозорларга кириш имконини беради.

3.3. ТМКнинг миллатини аниқлаш

ТМК миллатининг кўрсаткичлари бўлиб қуидагилар хизмат қиласди:

- рўйхатга олинган жойи;
- штаб-квартиранинг жойлашуви;
- акцияларнинг бошқарув пакетига эга бўлган акциядорлар миллати.

Компаниянинг миллатини ҳукumat томонидан бериладиган имтиёзлар, субсидиялар, солик имтиёзлари ва бошқалар аниқлайди. Хорижий фирмаларга эса фаолият юритиш учун қабул қилувчи давлат иқтисодиётнинг алоҳида секторларини қолдирган ҳолда чеклайди. Шундай қилиб, кўпчилик мамлакатларда хорижий фирмаларга темир йўл транспорти соҳасида, Австралия ва Японияда нефть-газ саноати соҳасида, Италия, Греция, Финляндияда телекоммуникация соҳасида ва бошқаларда фаолият юритиш таъкиқланган. Лекин, сўнгги йилларда хорижий фирмалар учун таъкиқланган тадбиркорлик соҳаларини қисқартириш ва миллий қонунчиликни либераллаштириш тенденцияси кузатилмоқда.

Одатда турли мамлакатлар қонунчилigi миллий ва хорижий фирмаларни эмас, балки резидент-фирмалар ва норезидент-фирмаларни фарқлади. Резидентларга ушбу давлат ҳудудида жойлашган ва ўша ернинг ўзида рўйхатдан ўтган компаниялар киради. Хорижий капитал иштироки билан хорижда тузилган норезидент-фирмалар иқтисодий адабиётларда одатда бош компаниянинг хорижий филиаллари (foreign affiliates) деб номланади. Бу филиаллар бўлим (branch) шаклида, шуъба фирмалар (subsidiary) ёки уюшган (associated) компаниялар шаклида фаолият юритиши мумкин.

Бўлим қабул қилаётган мамлакатда рўйхатдан ўтади, аммо ўз балансига эга бўлган мустақил компания бўлмайди, у тўлалигича (100 %) бош компанияницидир ва у юридик шахс сифатида амал қила олмайди. Улар:

- а) бош компаниянинг хориждаги ваколатхонаси;
- б) бош компаниянинг қўшма корхона бўйича ҳамкори, у ерга бошқа фирмалар ҳамиши мумкин;
- в) бош компаниянинг хориждаги кўчмас мулки;
- г) бош компаниянинг камида бир йил давомида хорижда фаолият юритувчи мосламалари (кемалар, самолётлар, нефть қазиб чиқарувчи платформалар) бўлиши мумкин.

Шуъба компаниялар қабул қилаётган мамлакатда ўз балансига эга мустақил фирма сифатида (яъни юридик шахс ҳисобланаб) рўйхатдан ўтган, лекин унинг устидан назоратни акцияларнинг контрол пакетига ёки шуъба компаниянинг бутун капиталига эгалик қилувчи ва бу корхона раҳбарларини тайинловчи бош компания амалга оширадиган ТМК тизимиға киравчи корхоналар ҳисобланади.

Уюшган компания бош компания акцияларининг 10-50 %га эгалик қилувчи ТМК тизимиға кирган қабул қилувчи мамлакатдаги корхона ҳисобланади. Бу корхона бош компаниянинг назоратида эмас, балки таъсири остида бўлади. Баъзан бўлим, шуъба ва уюшган компаниялар миллий фирма фаолиятининг байнамилаллашуви йўлидаги босқичлардан бири ҳисобланади. Бу ҳолатда интернационаллаштиришнинг биринчи босқичи одатда, компания маҳсулотларининг экспорти ҳисобланади. Сўнгра ташки савдо битимлари, кейинги босқич – хорижий ҳамкорлар билан технологиялар (лицензияли битимлар) айирбошлаш ҳисобига кенгаяди.

Товар айланишининг кўпайиши, қабул қилувчи мамлакат фирмалари билан илмий-техник алоқаларининг кенгайиши экспортчи компаниянинг бу мамлакатда ўз ваколатхонасини очиш заруратига олиб келади. Муомалалар ҳажмининг ўсиши натижасида ваколатхона босқичма-босқич шуъба компанияси, кейинчалик уюшган компания даражасига кўтарилади. Хорижий тадбиркорликнинг кейинги ривожи кенг миқёсли бизнесга эга халқаро корхонанинг шаклланишига олиб келади.

Юқорида айтиб ўтилган миллий компаниянинг ТМК сари йўлини кўпчилик халқаро компаниялар учун одатий бўлган ташкилий қайта

шаклланиш занжири сифатида қуйидагича тасаввур қилиш мүмкін, яғни экспорт – технологиялар билан алмашинув – қабул қилувчи мамлакатдаги ваколатхона – шуъба компанияси – уюшган компания – кенг миқёсли бизнесга эга халқаро компания.

Компания миллати ҳақидағи масалалар банкротлик, солиққа тортиш, антимонопол қонунчилікни құллаш ва бир қатор бошқа ҳолатларда ҳам юзага келади. Күпчилик солиққа тортиш ҳуқуқий тизимиға күра ҳар бир компания қардош фирмалар билан алоқаларидан қатый назар алоҳида солиққа тортилади. Бунда икки маротаба солиққа тортмаслик учун бош компания қардош корхона билан уларга технологияларни, ноу-хауларни бериш, патентлардан, конструкторлық ишланмаларидан, савдо маркаларидан, ИТТКИ натижаларидан (агар ИТТКИ тијорат даромади келтирса, улар солиққа тортилади) фойдаланиш соҳасида келишиб олишлари зарур.

Қабул қилувчи мамлакат солиқ органларининг бош компания ва унинг хорижий филиаллари орасидаги муносабатлардан хабардор бўлиши қабул қилаётган мамлакатнинг солиқ декларациясида ТМК филиаллари томонидан кўрсатилаётган даромадлар хажмининг тўғрилигини назорат қилиш имконини беради.

90-йилларда йирик ТМКлар томонидан қабул қилувчи мамлакат солиқ қонунчилигининг қўпол бузилғанлиги кузатилган. Масалан, 90-йиллар ўрталарида Япония солиқ органлари “Кока-кола” компанияси филиалига бош компания ҳисобига ҳаддан ташқари қўп лицензияланган пулларни ўтказгани, шунга кўра солиқ декларациясида филиал фойдаси паст кўрсатилгани учун 15 млрд. иена миқдорида жарима солган. Шу вақтнинг ўзида “Ниссан” Япония машинасозлик компанияси АҚШ солиқ бошқармасига 17 млрд. иена миқдорида жарима тўлаган, чунки у ўз фойдасининг бир қисмини Япониядаги бош компания ҳисобига ўтказиб юбориш эвазига Америка солигини четлаб ўтишга муваффақ бўлганди.

Антимонопол қонунчилік қўлланилган ҳолатларда кўп мамлакатлар суди бирлашмаган бозор құдратини аниклашда корхоналарнинг иқтисодий бирлигини (қардошлиги) кўзда тутади. Бу ерда кўпгина ТМКларнинг ҳуқуқий маслаҳатлар, ИТТКИ, молия, бухгалтерия, бир ёки бир нечта халқаро марказларда дастурлаштириш каби ТМКнинг бутун тизимиға хизмат кўрсатадиган вазифаларни марказлаштириши эътиборга олинади. Компания миллати суд ёки арбитражда бош компаниянинг экологик жиҳатдан заарли технологиялар ёки нуқсонли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга жалб қилингандиги даражаси кўриб чиқилаётганда катта аҳамиятга эга бўлиши мүмкін. Бундай ҳолатларда суд ҳукмiga ҳуқуқий томондан ташқари маънавий масала ҳам таъсир этиши мүмкін. Масалан, ҳаммага маълум бўлган Бхопал (Ҳиндистон)даги кимё заводида инсонларнинг оммавий заҳарланишига “Юнион карбайт” компаниясининг технологиясидан фойдаланилиши сабаб бўлган ва у судда Ҳиндистон томони олдида маънавий жавобгарлигини тан олиб, зарар кўрган оиласалар харажатларини қоплаш

мажбуриятларини ўз бўйнига олган. ТМК миллатини ва унинг хорижий филиаллари билан алоқасини аниқлашдаги қийинчиликлар бу алоқаларнинг кўп босқичлилиги билан тушунтирилади. Масалан, ўйинчоқлар тайёрлайдиган йирик “Маттель” (АҚШ) корпорацияси бутун дунё бўйича 39 қардош компаниясига эга, булардан 26 таси бош компаниянинг бевосита мулки ва 13 таси эса “Маттель” корпорациясининг хорижий филиалларига тегишли (1- жадвал).

1-жадвал

ТМК алоқаларининг кўп босқичлилиги

Даража	Фирма номи	Хорижий филиаллар сони
I	“Маттель” (АҚШ)	26, шу жумладан “Маттель ГмбХ” (ГФР)
II	“Маттель ГмбХ” (ГФР)	11, шу жумладан “Маттель АГ” (Швейцария)
III	“Маттель АГ” Швейцария)	2
Жами		39

Сўнгги йилларда шаклланиш ва ўз мавқенини мустаҳкамлаш босқичида турган Россия ТМКлари жаҳон товар ва хизмат кўрсатиш бозорида фаолиятини ривожлантирумокда. Замонавий ТМКларга ўхшаш бир қатор Россия халқаро компаниялари собиқ Иттифок давридаёқ шаклланган эди. Уларга “Ингосстрах”, “Аэрофлот” ва кўплаб ташқи иқтисодий бирлашмалар киради. Масалан, “Газпром” РАЖ табиий газни қазиб чиқариш ва экспорт бўйича 100 %ли монополист бўлиб, у дунё бўйича топилган табиий газ захираларининг 34 %ини назорат қиласиди ва ғарбий Европанинг 20 % талабини тъминлайди. Россия газ гигантининг жаҳон бозоридаги мувафақиятли фаолияти қудратли корпорацияларини бозор иқтисодиётида сезиларли ютуқларга эришишлари мумкинлигини кўрсатмоқда. Масалан, нефть саноати етакчиларига мансуб Россия “ЛУКОЙЛ” компаниясининг турли мамлакатлардаги филиалларида ишлаб чиқаришнинг вертикал интеграцияси қабул қилинган, яъни нефть қазилмасининг бир қисми бензин, дизель ёқилғиси, мазут, машина мойи ва авиация керосинига қайта ишланади.

1998 йилда “ЛУКОЙЛ” ва Американинг “Конако” ТМКси Россиянинг Тимано-Печорск нефть-газ районида янги нефть конларини ўзлаштириш бўйича меморандум имзолади. Ҳозирги вақтда ушбу компания Ўзбекистон худудида ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Халқаро хўжалик алоқаларининг ТМК каби самарали шакли имкониятлари МДҲ мамлакатлари компанияларининг молиявий, техник ва илмий ресурсларини бирлаштириш учун кенг қўлланилмоқда. Бу каби ТМКларни тузиш учун молиявий саноат гуруҳлари (МСГ) асос бўлмоқда. МДҲ мамлакатларига тегишли юридик шахсларни бирлаштирувчи бу

гурухлар трансмиллий МСГ – ТМСГ сифатида рўйхатга олинади. Улар ягона техник тузилма, маркетинг, молиявий сиёsat ўтказиш мақсадида ташкил этилади. Ҳукуматлараро келишувлар асосида ТМСГ ташкил этилганда уларга давлатлараро молиявий саноат гурухлари – ДМСГ мақоми берилади. МДҲ мамлакатларининг ТМКлари миллати улар рўйхатдан ўтган жойига қараб аниқланади.

Хулоса

Замонавий халқаро компанияларнинг аксарият қисми трансмиллий корпорацияларни намоён этади. Ташкилий шакли бўйича улар умумий мулкчилик билан боғланган активларга эгалик қилувчи концернлардир. Улар олдинги ўтмишдошлари-картель, синдикат, трестлардан жиддий фарқ қиласи, чунки уларнинг аъзолари ўз капиталларининг эгаси бўлиб қолар эди.

Миллий компанияни халқаро компания мақомини олишга ундовчи асосий сабаблар: товар айланмаси ўсиши билан сотиш бозорини ва демак фойдани кўпайтириш, ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини қабул қилувчи мамлакатдаги арzon хомашё ва ишчи кучи ҳисобига қисқартириш, қабул қилувчи мамлакат саноатидан, кредит-молия тизими, сотиш каналлари ва инфратузилмасидан фойдаланиш ҳисобланади.

Узоқ муддатли шартномалар экспортчилар каби импортчиларни ҳам ўзига жалб этади. Узоқ муддатли шартномалар экспортчиларни реклама, харидорларни излаш, кўп сонли бир марталик шартномаларни тайёрлаш харажатларини ва шунингдек транспорт компаниялари билан узоқ муддатли мунтазам келишувлар ҳисобига транспорт харажатларини қисқартириш орқали сотиш бозори барқарорлигини таъминлайди.

Уюшмаларни ташкил этиш компанияларга (шу жумладан катта бўлмаган ва ўрта компанияларга ҳам) экспорт ишлаб чиқариш учун зарур ускуналар билан таъминлаш ва ташки бозорга чиқиш учун молиявий ва бошқа ресурсларни бирлаштириш имкониятини яратади.

Таянч иборалар

Халқаро компания, кўп миллатли компания, консорциум, трансмиллий корпорация, трансмиллийлаштириш индекси, интеграциялашган халқаро ишлаб чиқариш, горизонтал интеграция, вертикал интеграция, лицензиялаш, халқаро ишлаб чиқаришнинг диверсификацияси, трансмиллий молиявий-саноат гурухлари (ТМСГ).

Назорат учун саволлар

1. Халқаро компанияни, кўп миллатли компанияни, трансмиллий компанияни таърифланг.
2. Консорциумлар нима учун тузилади?

3. Транмиллийлаштириш индекси формуласини айтинг.
4. ТМК миллатини қандай қўрсаткичлар аниқлайди?
5. Миллий компаниянинг халқаро компанияга айланишидаги асосий босқичларни айтиб беринг.
6. Лицензияли битимлар деганда нимани тушунасиз?
7. Халқаро компанияларда ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг нечта асосий тури мавжуд?
8. ТМК алоқаларининг кўп босқичлилиги қандай тушунтирилади?

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Кузьмина Т.И. Международный менеджмент. Управление в международных компаниях. -М., 2004.
2. Черенков В.И. Международный маркетинг. -С-Пб., 2003.
3. Фомишин С.В. Международные экономические отношения. -М., 2004.

4-боб. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ СОҲАСИГА ЧИҚИШ ШАРОИТЛАРИНИ ТАНЛАШ УСЛУБИЯТИ

4.1. Ташқи бозорда фаолият соҳасини танлаш

4.2. Қабул қилувчи мамлакатни танлаш

4.3. Хорижий шерикни танлаш

4.1. Ташқи бозорда фаолият соҳасини танлаш

Ташқи бозорда фаолият юритиш нуқтаи назаридан иқтисодиётнинг барча тармоқларини 2 гурухга ажратиш мумкин: 1) алоҳида миллий бозорларга хизмат кўрсатувчи кўп миллатли тармоқлар, бунда ҳар бир тармоқ (озик-овқат саноати, чакана савдо, сугурта) қабул қилувчи мамлакатга қараб ўз хусусиятига эга бўлади. 2) бутун жаҳон бозорини хисобга олган истеъмолчи-давлатларда талаб хусусиятларини минимал акс эттирувчи глобал тармоқлар (фуқаро авиацияси, телевидение, ярим ўтказувчилар ишлаб чиқариш) нинг мавжудлиги.

Иқтисодиётнинг глобал тармоқларига ихтисослашган хорижий филиалларни бошқариш учун халқаро компаниялар дунё қўламида рақобатбардошлиқ даражасини тутиб туриш мақсадида глобал стратегияни кўллайди. Бундай компаниялар хорижий филиалларнинг бутунжаҳон тармоғига эга, сайёрамизнинг турли қитъаларида ресурсларга эга, энг паст ишлаб чиқариш харажатларига эга давлатларда корхоналар ташкил қиласди ва миқёс самарасини кенг кўллайди. Улар ўз тадқиқот марказларини бош компания жойлашган давлатларда эмас, балки кўпинча яхши сотиш бозорлари мавжуд бўлган мамлакатларда жойлаштиради.

Маҳаллий ва хорижий рақобатчилар амал қилаётган қабул қилувчи мамлакатда шаклланган бозорда рақобатбардошлиқ афзалликларига эга бўлиш анча қийин, жиддий тайёргарликсиз эса деярли мумкин эмас. Халқаро компаниянинг қабул қилувчи мамлакатларда энг самарали фаолият соҳасини аниқлаш учун ТМК изланувчи-иқтисодчилари ва маркетологлари янги хорижий бозорга чиқиш ҳақидаги қарор лойиҳасини тайёрлаш жараёнида товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш ва жаҳон бозорига етказиб беришда халқаро компания имкониятларини танқидий баҳолайдилар ва хорижда тадбиркорлик фаолияти шароитларини қуидаги бир неча аспектларда кўриб чиқадилар:

1. Рақобатчи корхоналар фирма тузилиши ва стратегияси аспекти. Бу аспектда биринчи навбатда танлаб олинган фаолият соҳасида миллий корхоналар ва фаолият кўрсатаётган хорижий фирмаларга нисбатан халқаро компаниянинг рақобатбардошлиқ даражасини баҳолаш зарур. Бундан ташқари қабул қилувчи мамлакатда ишлаб чиқаришни бошқариш ва ташкил қилиш услиби ТМК хорижий филиали эга бўлган шароитларга жавоб беришини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Бунда маҳаллий рақобатчи- фирмалар қандай стратегия танлашини, рақобатли курашда улардан ўзиш имконияти даражасини, халқаро компаниянинг мўлжалланаётган фаолият соҳаси қабул қилувчи мамлакат миллати психологиясига жавоб беришини аниқлаб олиш зарур.

2. Хизматларни ишлаб чиқариш ва кўрсатиш шароитлари аспекти. Бу йўналишдаги таҳлил предмети бўлиб қуйидаги омиллар хизмат қиласи: иқтисодиётнинг қайси тармоқларида қабул қилувчи мамлакатнинг нисбий афзаликлари яққолроқ намоён бўлади, халқаро компанияни қизиқтирувчи иқтисодиёт соҳаларида ИТТКИ учун асос мавжудлиги ва ниҳоят, қабул қилувчи мамлакат халқ хўжалигидаги заиф томонларнинг (капитал етишмаслиги, илмий-техник соҳада орқада қолиш ва б.) хорижий сармоядорлар фаолияти билан тўлдирилиши мумкинлиги.

3. Сотиш шароитлари. Улар миллий истеъмолчилар томонидан талабларнинг мураккаблик даражаси ва хусусиятлари, шунингдек қабул қилувчи мамлакатда сотиш каналларининг жаҳон бозорида қабул қилинган каналлардан фарқланиши билан аниқланади. Ички талабнинг ривожланиш тенденциялари ТМК хорижий филиали маҳсулот ассортиментини шакллантириш йўналишларини белгилайди.

4. Қардош тармоқлар ва етказиб берувчилар. Бу ҳолатда халқаро компанияни қабул қилувчи мамлакатда маҳсулотининг йирик истеъмолчилари мавжудлиги ҳақидаги ахборот қизиқтиради. Ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш учун у ерда лойихалаштирилаётган корхонани хомашё ва материаллар билан таъминловчи тармоқларни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. ТМК хорижий филиали фаолият соҳасини танлашда кейинги муҳим омил бўлиб маҳаллий фирмалар – потенциал етказиб берувчиларнинг техник даражаси (сифатли бутловчи қисмларни етказиб бериш имкониятига эгалиги) ҳисобланади.

90-йилларда жаҳон бозорларида амал қилган компаниялар қўллаган халқаро иқтисодий муносабатларнинг асосий шакллари ва турлари ўз устунликлари ва камчиликларига эга. Уларнинг америкалий иқтисодчилар томонидан таклиф қилинган туркумланиши 2-жадвалда берилган.

2-жадвал

Компаниялар ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий шакл ва турларининг афзалик ва камчиликлари

Корхоналар ташқи иқтисодий фаолияти тури	Афзаликлар	Камчиликлар
Ташқи савдо	Сотиш бозорини кенгайтириш, миллий ишлаб чиқаришни рағбатлантириш	Божхона тўсиқлари сабабли сотиш харажатларини ошириш, валюта паритетларига боғлиқлик
Лицензиялар айирбошлиш, франчайзинг, етказиб беришлар	Кам сармоялар сабабли қалтисликларнинг қисқариши, муайян турдаги фаолиятга тор ихтисос-	Лицензиялар ва субетказиб берувчилар фаолияти устидан назорат учун кам имко-

	лашув	ниятлар
Хориж корхоналарининг қурилиши, фирмаларнинг кўшилиши	Сармоядор томонидан тўла назорат, корхона жойлашув ўрнида аниқлик	Катта капитал қўйилмалар эвазига қалтислик ва қабул қилувчи мамлакатда нотижорат қалтисликлари
Стратегик альянслар	ИТТКИда кооперация технологиялар айирбошлишни кенгайтиришда ва қўшма корхоналар ташкил қилишда кенг имкониятлар	Қўшма дастурларни ўтказиши назорат қилиш қийинчиликлари, қарорлар қабул қилиш муддатларини узайтириш, ноёб маҳсулотга монополияни йўқотиш хавфи
Бевосита хорижий инвестициялар	Сотиш бозорларини кенгайтириш ва ахборот олиш имкониятларини кенгайтириш	Хорижий активларни йўқотиш хавфи

4.2. Қабул қилувчи мамлакатни танлаш

Бош компания хорижий тадбиркорлик учун мамлакат танлашга энг катта эътибор беради. Бирор мамлакатда хорижий филиални ташкил қилиш ҳақида қарор қабул қилишдан аввал потенциал қабул қилувчи мамлакатларнинг шароитларини тўртта асосий аспектда: бозор, иқтисодий, маҳаллий шароитларнинг хусусиятлари ва рақобатбардошлик аспектларида ўрганиб чиқлади.

Бозор аспектида қулай омилларга бозор ҳажми, ишлаб чиқаришга мўлжалланаётган маҳсулотларга ёки маҳаллий бозорда тақдим қилинишга мўлжалланаётган хизматларга талаб ўсишининг юқори суръатлари, йирик истеъмолчиларнинг мавжудлиги, хорижий сармоядорни қизиқтираётган товарлар ва хизматлар ҳаётий даврининг узунлиги, рекламасининг маҳаллий истеъмолчилар томонидан яхши қабул қилиниши, сотиш тармоғини байналмиллаштириш имконияти каби омиллар киради.

Бозор аспектида халқаро менежернинг қабул қилувчи мамлакатда ишлаб чиқариш ва сотишга мўлжалланаётган товарлар ва хизматлар истеъмолчиларининг турмуш тарзи, интилишлари, истаклари хусусиятларига қараб гурухларга тақсимланишини билиши фойдали. Харидорлик талабининг мавсумий тебранишлари ва сармоялар йўналишларидаги тенденциялар ҳақидаги маълумотлар ҳам катта аҳамиятга эга. Халқаро менежер изланишларининг предмети қабул қилувчи мамлакатда сотиш каналларининг тузилиши, улгуржи ва чакана савдо хусусиятлари ҳисобланади.

Иқтисодий жиҳатдан у ёки бу мамлакатни қабул қилувчи сифатида танлаш ҳақидаги қарор қабул қилишга халқаро кўламда тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш натижасида ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини қисқартириш, манбаларнинг кенг доирасидан илмий-техник ва тижорат ахборотларини олиш имконияти, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот

бирлигига ИТТКИ сарфларини қисқартириш каби омиллар ижобий таъсир кўрсатади.

Тадбиркорлик фаолиятининг маҳаллий шароитларига қабул қилувчи мамлакатнинг анъаналари: божхона тарифини, импорт ва экспорт квоталарини, товарлар ва хизматларнинг импорти билан боғлиқ маҳаллий меъёрлар ва стандартлар, тадбирлар, товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини патентлаш шароитларини ўз ичига олган қонунчилик киради. Халқаро менежер учун қабул қилувчи мамлакатда, айниқса, унинг худудида ишлаб чиқаришга ва сотишга мўлжалланган товарлар ва хизматларга нисбатан тадбиркорлик фаолиятининг ўрнатилган тартиби ҳақидаги ахборот муҳим.

Қабул қилувчи мамлакат савдо палатаси ва тижорат ассоциацияларининг халқаро менежерни қизиқтирувчи товарлар ва хизматлар бозорини эркинлаштиришга қаратилган тадбирлари ҳақидаги ахборотни олиш фойдали. Бош компания мамлакатининг қабул қилувчи мамлакатдаги элчинонаси ёки савдо ваколатхонасининг маҳсулот реализациясига кўмаклашиш мақсадида амалга ошираётган хатти-харакатлари тўғрисида хабардор бўлиши муҳим ўрин тутади. Халқаро компания учун қуидагилар алоҳида аҳамиятга эга:

- валютани мувофиқлаштириш тизими;
- мулкчилик хуқуқи кафолатлари (хорижий компаниялар мулки экспроприация қилинганда компенсация тўловининг миқдори ва уни тўлаш шакли ҳақидаги масалани ўз ичига олган ҳолда);
- қабул қилувчи мамлакат фирмалари билан келишмовчиликларни халқаро арбитражда ҳал қилиш имконияти;
- бевосита хорижий инвестициялар учун очиқ тадбиркорлик фаолияти категориялари ва уларнинг қайсилари учун алоҳида имтиёзлар берилиши ҳақидаги аниқ қонунчилик.

Қабул қилувчи мамлакатнинг инвестиция иқлими қўп даражада молиявий тизим ҳолатини аниқлайди. Халқаро компания хорижий активларининг қисмати қабул қилувчи мамлакатда хукумат берқарорлиги, солиқ тизимининг яхши йўлга қўйилмаганлиги, инфляцияни ушлаб турувчи ёки йўқотувчи қатъий иқтисодий сиёsat юритилмаслиги билан боғлиқ инфляция жараёнлари эвазига йўқотилиши мумкин. Халқаро компания хорижий филиали инфляция шароитларида иш хақининг баҳолар ўсишига нисбатан юқорироқ ўсиши ва солиқ тизимининг ёмон ташкил қилиниши сабабли ҳам зарар кўради. Шунинг учун одатда хорижий фирмани ташкил қилиш ҳақида қарор қабул қилишдан аввал бош компания келажакда қабул қилувчи мамлакатда инфляция даражасини ҳисобга олади.

Ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари нуқтаи назаридан хорижий инвестор учун транспорт ва алоқа воситаларининг мавжудлиги ва фойдаланиш қиймати қабул қилувчи мамлакат шароитларига қўлланувчи технологияларни мослаштириш имконияти биринчи даражали аҳамиятга эга.

Бунда бош компания раҳбарияти потенциал рақиблар – қабул қилувчи мамлакатда миллий фирмаларнинг маҳаллий харидорлар эҳтиёжлари ва маҳаллий бозорнинг ўзига хос хусусиятларини яхшироқ билиши каби устунликларига эгалигини эътиборга олади. Бундан ташқари миллий фирмаларни маҳаллий хукумат қўллаб-қувватлайди ва истеъмолчиларнинг ватанпарварлик сифатлари улар томонида бўлади.

У ёки бу мамлакатда тадбиркорлик фаолияти ҳақидаги қарор қабул қилишдан аввал бош компаниянинг маҳаллий шароитлар аспектидаги ҳаракатлари кетма-кетлиги одатда қўйидаги тадбирлар занжиридан иборат бўлади:

- қабул қилувчи мамлакат бозорининг катталиги ва чегараларини баҳолаш;
- ишлаб чиқаришга мўлжалланган товарлар ва хизматларнинг сифатини рақобатчилар тақдим қилаётган шундай товарлар ва хизматларнинг сифат кўрсаткичлари билан таққослаш;
- ўрганилаётган бозорда ва қабул қилувчи мамлакат минтақасида сотишни ташкил қилиш имкониятларини ўрганиш;
- қабул қилувчи давлат харидорлари эҳтиёжлари, қонунлари ва анъаналарининг хусусиятларини ўрганиш;
- шу бозорда хорижий рақобатчиларнинг фаолият тажрибаси билан танишиш;
- қабул қилувчи мамлакатда ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг бу мамлакатга экспортга нисбатан устунликларини баҳолаш.

Бош компаниянинг ишлаш шароитлари маълум бўлган мамлакатларга, масалан ушбу мамлакатда бош компаниянинг сотиш бўйича филиали амал қилаётган бўлса кўпроқ эътибор беради.

Қабул қилувчи мамлакатда тадбиркорлик фаолияти шароитлари ҳақидаги ахборотнинг асосий манбаларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

1. Қабул қилувчи мамлакатнинг савдоға кўмаклашиш бўйича давлат ташкилотлари (кўпинча бу корхоналарнинг фаолияти экспортни ривожлантиришга кўмаклашишга қаратилган) нинг роли.

2. Бош компания жойлашган мамлакатда қабул қилувчи мамлакатнинг импорт қилувчи фирмаларининг ваколатхоналари бўлиб, улар талабга эга товарлар ва хизматлар ҳақида маълумотлар бериши мумкин (қабул қилувчи мамлакатда бозорни ўзлаштиргунга қадар улар билан ҳеч қандай шартномалар имзоламаслик афзал).

3. Бош компания давлатида қабул қилувчи мамлакат элчинонаси ёки савдо ваколатхонаси, банклар бўлимларининг ахборотлари.

4. Қабул қилувчи мамлакатда бош компания давлати элчинонасининг тижорат бўлими ёки савдо ваколатхонасининг мавжудлиги. Улар одатда экспортни ривожлантиришдан манфаатдор, ишлаб чиқилган маълумотлар базасига эга ва шунинг учун қабул қилувчи мамлакат бозори ҳақидаги

ахборотни тез бериши ва ҳатто потенциал харидорлар ва импорт қилувчилар билан ҳам таништириши мумкин.

5. Бош компания жойлашган давлат ва қабул қилувчи мамлакат савдо палаталарининг ахборотлари.

Қабул қилувчи мамлакатда рақобатбардошлиқ омилини ўрганишда халқаро компания раҳбариюти керакли рақобатбардошлиқ даражасига қабул қилувчи мамлакат бозорида ноёб товарлар ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) ҳисобига эришиш мумкинлигини тушунади. Рақобатли курашда, шунингдек, рақобатчилар сифатидан устун бўлган анъанавий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш билан ҳам омадга эришиш мумкин. Нихоят, рақобат даражаси антиқа янги технологиялар қўлланишига асосланган кам ишлаб чиқариш харажатлари эвазига паст баҳолар билан ушлаб турилиши мумкин.

Қабул қилувчи мамлакатда ишлаб чиқариш ва сотишга мўлжалланаётган товарлар ва хизматларнинг рақобатбардошлигини баҳолашда ўхшаш товарлар ва хизматлар бозоридаги асосий рақобатчилар, бу бозор секторларининг асосий рақобатчилар ўртасида тақсимланиши, рақобатчиларнинг кучли ва заиф томонлари, уларнинг стратегияси хусусиятлари, шунингдек қабул қилувчи мамлакатда халқаро компания хорижий филиали ихтисослашган товарлар ва хизматларга талаб ўсишининг кутилаётган суръатлари ҳақидаги маълумотлар ёрдам беради.

Янги товар ёки хизматлар қабул қилувчи мамлакатнинг бозорида ўз ўрнини топиши ёки улар янги хусусиятлари билан ажralиб туриши керакки, истеъмолчилар уларни кўрмагунча уларнинг зарурати ҳақида билмаслиги мумкин. Бу дегани халқаро менежернинг қабул қилувчи мамлакатда янги ёки такомиллаштирилган тамойилга асосланган талабни яратишига тўғри келади. Хусусан у ўз товарларининг ажойиб истеъмол хусусиятларини реклама қилиши мумкин.

Товар ёки хизматларнинг сотилишини кенгайтириш учун халқаро менежер қабул қилувчи мамлакатнинг оммавий ахборот воситаларида бу товарлар ёки хизматларни унинг компаниясида ихтиро қилиниши ва яратилишининг кўп йиллик тарихини баён қилиши, уларнинг ишлаб чиқаришида қўлланилаётган етакчи технологияларни таъкидлаши, ўз товарлари ёки хизматларининг кўпгина бошқа товарлардан фойдали фарқларини асослаши мумкин.

Бунда халқаро менежер бошқараётган хорижий филиалнинг имкониятлари ва эгилувчанигини баҳолаши лозим. У асосий истеъмолчилар буюртмасини унинг фирмаси қандай муддатларда бажара олишини ва қабул қилувчи мамлакат шароитларида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг қандай ҳажми реал бўлишини яхши билиши керак. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатига ва унинг шартномада кўрсатилган техник-иктисодий характеристикаларга мувофиқлигига биринчи даражали эътибор берилиши лозим. Қабул қилувчи мамлакатларда истеъмолчилар одатда бозордаги

хориждан келтирилган янги товарлар ёки хизматларга шубҳа билан қарайдилар ва бу товарларда уларнинг истеъмол хусусиятлари учун жуда кичик ва аҳамиятсиз бўлган камчилик ва номувофиқликларни ҳам кечирмайдилар. Истеъмолчиларни, шунингдек товарларни шартномаларда кўрсатилган муддатларда ва келишилган миқдорларда олишлари қизиқтиради.

Халқаро компаниялар учун қабул қилувчи мамлакат жозибадорлигининг асосий омилларига бу давлат ҳукуматининг хорижий инвестицияларга нисбатан аниқ шакллантирилган муносабатини киритиш керак. Бунда шуни назарда тутиш лозимки, қабул қилувчи мамлакат ҳукуматининг хорижий инвестицияларга нисбатан сиёсати хорижий инвесторлар учун керакли макроиқтисодий иқлим яратилиб, улар учун муайян фойда олиш имконияти ва фойданинг бир қисмини репатриация қилиш ҳуқуқи берилган тақдирдагина жозибали бўлади.


Қабул қилувчи мамлакатга хорижий инвесторларни жалб қилишда миллий режим принципи – очиқ ҳуқуқий тизим айниқса кучли рағбат ҳисобланади. Унинг доирасида хорижий инвесторлар қабул қилувчи мамлакат фуқароларининг муайян тадбиркорлик фаолиятига тааллуқли қоида ва низомларга риоя қилса, қонунчилик томонидан таъқиқланмаган шундай тадбиркорлик фаолияти рухсат этилади.

Қабул қилувчи мамлакатнинг хорижий инвесторлар учун жозибадорлигининг асосий омилларидан бири қарзни тўлаш, фойдани хорижга ўтказиш ва капитални репатриация қилиш учун уларнинг эркин алмашинадиган валютага эга бўлиши ҳисобланади. Бунда солиқ имтиёzlари шубҳасиз хорижий инвесторларни жалб қиласи, бироқ хорижий инвестициялар ортидан қувишда солиқ имтиёzlарига берилувчанлик айрим ривожланаётган давлатларнинг тажрибаси кўрсатишича, қабул қилувчи давлат иқтисодиётида номутаносибликларга олиб келиши мумкин. Бундай вазиятларнинг олдини олиш учун қабул қилувчи мамлакатларнинг ҳукуматларига БМТ экспертлари “Миллий хўжаликда номутаносибликларга олиб келувчи ортиқча имтиёzlардан кўра, юқори бўлмаган солиқлар афзал” принципи бўйича келишилган солиқ механизмларини киритишни тавсия қиласидилар.

Охирги вақтда ривожланган давлатларда инвесторларни ТМК билан қўшма ИТКИ ўтказишга илмий салхиятга эга давлатлар жалб қиласи. Бундай ҳолларда қабул қилувчи давлат ҳукуматлари зарурый ресурслар ва технологияларга эга миллий тадқиқот марказларининг ТМК хорижий филиаллари билан қўшма илмий-техник ҳамкорлиги учун қулай шароитлар яратиб берувчи сиёсат ўтказадилар.

Бундай ҳамкорлик чизма кўринишида учбурчак шаклида тасвирланган (6-чизма).

Қабул қилувчи мамлакат
хукумати



6-чизма. Илмий-техник ҳамкорлик

Қатор потенциал қабул қилувчи мамлакатлар имкониятларини батафсил таҳлил қилиш натижасида халқаро компанияларнинг иқтисодчилари бу мамлакатлар бўйича маълумотларни ҳар бир мамлакатнинг афзаликларини балларда баҳолаб жадвалларга киритадилар. Энг қўп баллга эга бўлган давлат танланади (3-жадвал).

3-жадвал

Қабул қилувчи давлат ролига дарьогар мамлакат афзаликларини баҳолаш (намуна)

Мезонлар	Мезон баҳоси (1 дан 10 баллгача)	Мезоннинг муҳимлик даражаси (1 дан 10 баллгача)	Балларнинг микдори
1. Сиёсий баркарорлик			
2. ЯММ			
3. Жон бошига ЯММ			
4. Иқтисодий ўсиш истиқ- боллари			
5. Бозор ҳажми			
6. Ҳукуматнинг хорижий инвестицияларга муносабати			
7. Фойдалар репатриацияси			
8. Божхона тарифлари			
9. Хусусий мулкни чеклаш			
10. Солиқ тизими			
11. Валюта баркарорлиги			
12. Инфляция суръатлари			
13. Ишчи кучи қиймати			
14. Ҳомашё ва материал- ларнинг мавжудлиги ва қиймати			
Жами			

4.3. Хорижий шерикни танлаш

Хорижда тадбиркорлик фаолияти тажрибасининг кўрсатишича, қабул қилувчи мамлакатда бир-икки йил ичидаги ишга оид алоқаларни олиб бормаган шерикни танлаш керак эмас. Халқаро компаниялар одатда бу масалада шошилмайди, чунки бунда йўл қўйилган хатолар қимматга тушади ва қийин бартараф қилинади. Бунда хорижда ишга оид шерикни танлашда объектив стандартларни қўллаш тавсия қилинади.

Потенциал шерик ҳақидаги маълумотларни қуидаги тартибда гурухлаштириш тавсия қилинади:

- олдинги ихтисослашуви;
- сотиш динамикаси, стратегияни ўз ичига олган ҳолда компания тўғрисидаги маълумотлар;
- рақобатбардошлик даражаси (бозордаги улуши, талаб, баҳолар, талабнинг истиқболлари);
- компания ресурслари – молиявий ҳолати, ишлатилаётган технологияси, инсон капитали, активлар, нуфузи (имиджи).

Потенциал шерикларни баҳолаб, халқаро компания бизнес стратегиясини энг яхши тарзда тушуна олувчи, ишлаб чиқариш ва сотиш режаларига рози бўлувчи, қабул қилувчи мамлакат бозорида алоқаларни таъминловчи ва сотиш ҳамда тақсимлашнинг мос каналларини тақдим қилувчи шериклар танланади. Сўнгра ҳамкорлик ҳақидаги музоқаралар бошланади, унинг шериклари сифатида товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарувчилари, йирик савдо фирмалари, кичик ихтисослашган савдо компаниялари ва агентлик фирмалари қатнашиши мумкин.

Потенциал шерик олдига унинг имкониятларига мос келувчи аниқ ҳамкорлик мақсадлари қўйилиши керак. Уни қўйилган масалаларнинг реал эканлигига ишонтириш, қабул қилувчи мамлакатнинг бозорида уларни ҳал қилиш йўлларини билишни ва узоқ муддатли асосда керакли меҳнат ва молиявий ресурсларни жалб қилиш истагини кўрсатиш муҳим.

Маҳаллий ишлаб чиқариш компанияси халқаро корпорация маҳсулоти билан маҳаллий компания ассортиментини тўлдирганда ёки маҳаллий ишлаб чиқариш компанияси ўз фаолият доирасини бойитмокчи бўлганида ТМК билан ҳамкорлик қилишга қизиқади. Бу ҳолда ТМК хорижий филиал менежери маҳаллий компаниянинг сотиш тизимига, унинг ТМК хорижий филиали маҳсулотини сотишдан манфаатдорлигига эътибор қаратиши лозим. Шу билан бирга ТМК хорижий филиали менежери эътиборидан маҳаллий фирма маҳсулоти ва ТМК филиали маҳсулоти ўртасида уларнинг биргаликдаги фаолиятининг маълум босқичида рақобат вужудга келиши имконияти четда қолмаслиги керак.

Маҳаллий компаниянинг ТМК хорижий филиали билан ҳамкорликка қизиқишини сақлаб қолиш учун филиалнинг технологик жиҳатдан доим устунликка эга бўлиши мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга шундай

ходисалар ҳам маълумки, бунда маҳаллий шерик ТМК хорижий филиалига қабул қилувчи мамлакат шароитларига мослаштирилган технологияси ва ускуналарини бериб, шу билан маҳаллий бозорда ТМК хорижий филиали нуфузининг ошиши ва унинг техник даражаси кўтарилишига ёрдам беради.

Бундан ташқари, маҳаллий ишлаб чиқариш компанияси ТМК хорижий филиали маҳсулоти истеъмолчиларига сотувдан кейинги малакали хизмат кўрсатиш, шунингдек қабул қилувчи мамлакатда харидорларнинг эҳтиёжлари хусусиятларидан хабардор тажрибали сотувчилар билан ёрдам бериши мумкин.

Йирик савдо фирмалари қабул қилувчи мамлакатда ТМК хорижий филиали шериги сифатида маълум афзалликларга эга. Улар қўпроқ кенг турланувчи товарлар ва хизматлар ассортименти – хомашё ва материаллар, нефть маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, шунингдек машина ва ускуналарни сотиш билан шуғулланади. Қабул қилувчи мамлакатда маҳаллий йирик савдо фирмалари билан ҳамкорлик қалтислигига, аввало, уларнинг ТМК хорижий филиал маҳсулотига қизиқиши даражаси ва хорижий корпорация маҳсулотига талаб сусайган ҳолда, уларнинг ҳамкорлик қилишдан кутилмаган воз кечиши имконияти киради.

Бундай кутилмаган хавфнинг олдини олиш учун шерик сифатида тор ихтисослашган, истеъмолчилар билан воситачиларсиз тўғридан-тўғри боғланган савдо фирмасини танлаш керак. Энг қўп ихтисослашган савдо компаниялари, шунингдек ташқи бозорда ҳам анча фаол ҳаракат қиласди. Улар турли товарларнинг майда партиялари ёки чекланган номенклатурадаги маҳсулотларнинг йирик партияларини сотиш билан шуғулланишини афзал кўради. Бу фирмалар одатда бозорнинг аниқ секторига ихтисослашади ва шу сабабли маҳсус товарлар сотиш учун керакли билимлар ва кенг алоқаларга эга бўлади.

Бундай компаниялар билан қўшма фаолият қалтисликларига ҳамкорликнинг маълум босқичида уларнинг ТМК хорижий филиали маҳсулоти билан рақобатлашаётган товарни афзал қўриши имконияти, ТМК хорижий филиали маҳсулотини сотиш учун уларда малакали ходимларнинг етишмаслиги ва ҳамкорликка интилиши уларнинг реал имкониятларига мос келмаслиги киради. Бир неча компанияларни таништирувчи маҳаллий агентлар билан биргаликда ишлаш ТМК хорижий филиали маҳсулотининг шу агент хизматидан фойдаланувчи бошқа фирмалар товарлари ва хизматлари билан шу компаниялар доирасида яширин рақобат қилиши хавфини ўз ичига олади. Бирор-бир агентни хорижий шерик сифатида танлашдан олдин унинг соф виждонлиги, умумий билими, ҳаракатчанлиги ва муайян товарлар ва хизматлар ассортименти билан ишлаш тажрибасининг мавжудлигига ишонч ҳосил қилиш лозим.

Потенциал шерикларни тўғри баҳолаш учун уларнинг маҳаллий маъмурият ва ҳукумат доираларининг кўмаги ва ҳурматига эгалиги, шунингдек халқаро компаниянинг қабул қилувчи мамлакатдаги

стратегиясини тушуна олиши, қабул қилувчи мамлакат бозорига халқаро компания чиқараётган товар ва хизматлар ассортиментига рози бўла олиши, халқаро компания хорижий филиалига маҳаллий бозорда ишончли ишга доир алоқаларни таъминлай олиши, ўз сотиш тизимини таклиф қила олиши каби масалаларни аниқлаб олиш зарур.

Мулоқотга яхши киришувчан шерик билан ҳамкорлик қилиш мақсадга мувоғик, бу янги бозорни ўзлаштириш билан боғлиқ кескинликларни юмшатади. Бироқ мулоқотга киришувчанлик асосий эмас. Баъзан кўпроқ расмий мулоқот қилувчи маҳаллий компания маҳаллий бозор билан мустаҳкам алоқаларга эга бўлиши, самаралироқ ва малакали иш юритиши ҳамда халқаро компания талабларига кўпроқ мос келиши мумкин.

Қабул қилувчи мамлакатдаги шериклар одатда халқаро компания билан кўшма фаолиятини эҳтиёткорлик билан, яъни маҳаллий бозорга биринчи икки йил давомида пастроқ баҳоларда кам турдаги маҳсулотни чиқариш билан бошлишни маъқул топади. Бу давр мобайнида шундай муаммолар вужудга келиши мумкинки, уларнинг таъсири натижасида халқаро компания билан ҳамкорлик амалга ошмаслиги мумкин.

Шу билан бирга халқаро компания маҳаллий бозорни яхши биладиган шерикларнинг таклифларига эътибор билан қарashi керак. Хусусан, маҳаллий шерик қабул қилувчи мамлакат бозорига чиқарилаётган товарлар ассортиментини ўзгартиришни ёки қадоқлашни безаш ва ўрамда товарлар бирлиги микдорини маҳаллий истеъмолчилар дидига мос ҳолда ўзгартиришни асослаган ҳолда таклиф қилиши мумкин.

Халқаро компания раҳбарияти ўтиш давридаги мамлакатларда бозор хўжалиги тизими шароитларида фаолият юритища катта тажрибага эга бўлмаган шерикларни танлаш хусусиятларини ўрганишга алоҳида эътибор беради. Шерикларни (хусусан, МДҲ мамлакатларида) танлаш бўйича чоп этилган тавсияномаларнинг шарҳи собиқ Иттифоқ республикаларида шерик танлаётган халқаро компанияларнинг “9 қоида”сини ажратиш имконини беради:

1. Шерик ҳақидаги тасаввурга асосланмасдан уни текшириш ва бизнес-режасини ўрганиш.
2. Собиқ Иттифоқ корхоналари ходимларининг психологияси ва маҳаллий анъаналарини ҳурмат қилиш.
3. Ҳамкорликни минимал ҳажмли битимлардан бошлиш.
4. Келишувни имзолашдан аввал, шерик билан ишончли телекоммуникация алоқаси ўрнатилганлигини аниқлаш.
5. Шерик фирмалар жавобгар ходимларининг исми-шарифи ва реал ваколатларини аниқ билиш.
6. МДҲ мамлакатларида ташқи савдо ва хорижий инвестициялар ҳақидаги қонунчиликни чукур ўрганиш.
7. Ички баҳолар қандай шаклланиши ва уларни бошқа мамлакатлардан рақобатчи фирмалар берган таклифлар билан қиёслашни билиш.

8. Махсулот сифатини аниқловчи стандартларнинг меъёрларини билиш, чунки МДХ мамлакатлари фирмаларининг ходимлари шу меъёрларни маъқул кўради.

9. Вақтдаги фарқланишларни ҳисобга олиш.

Хулоса

Қабул қилувчи мамлакатдаги шериклар одатда халқаро компания билан кўшма фаолиятини эҳтиёткорлик билан, яъни маҳаллий бозорга биринчи икки йил давомида пастроқ баҳоларда кам турдаги махсулотни чиқариш билан бошлишни маъқул топади. Бу давр мобайнида шундай муаммолар вужудга келиши мумкинки, уларнинг таъсири натижасида халқаро компания билан ҳамкорлик амалга ошмаслиги мумкин.

Шу билан бирга халқаро компания маҳаллий бозорни яхши биладиган шерикларнинг таклифларига эътибор билан қарashi керак. Хусусан, маҳаллий шерик қабул қилувчи мамлакат бозорига чиқарилаётган товарлар ассортиментини ўзгартиришни ёки қадоқлашни безаш ва ўрамда товарлар бирлиги миқдорини маҳаллий истеъмолчилар дидига мос ҳолда ўзгартиришни асослаган ҳолда таклиф қилиши мумкин.

Халқаро компания раҳбарияти ўтиш давридаги мамлакатларда бозор хўжалиги тизими шароитларида фаолият юритишда катта тажрибага эга бўлмаган шерикларни танлаш хусусиятларини ўрганишга алоҳида эътибор беради.

Таянч иборалар

Кўп миллатли тармоқлар, глобал тармоқлар, рақобатбардошлиқ даражаси, маҳаллий шароитлар.

Назорат саволлари

1. Халқаро компания янги бозорга чиқиши учун қандай изланишлар олиб боради?

2. Қабул қилувчи мамлакатда рақобатбардошилик даражасини ушлаб туриш омиллари нималардан иборат?

3. Хорижий шерикни танлаш хусусиятлари нимада?

4. Кўп миллатли ва глобал тармоқлар деганда нимани тушунасиз?

5. Хорижда тадбиркорлик фаолияти шароитларини асосан қайси аспектларда кўриб чиқиш зарур?

6. Корхоналар ТИФ асосий шаклларининг афзалликлари ва камчиликлари нималардан иборат?

7. Қабул қилувчи мамлакатни танлашда қандай асосий қўрсаткичлар баҳоланади?

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Йўлдошев Н.Қ. ва б. Стратегик менежмент: Ўқув қўлланма. -Т., 2003.
2. Кўчкоров А. ва б. Менежмент стратегияси: Ўқув қўлланма. -Т., 2003.
3. Кузьмина Т.И. Международный менеджмент. Управление в международных компаниях. -М., 2004.

5-боб. ХАЛҚАРО КОМПАНИЯЛАРНИНГ ДАВЛАТ БИЛАН МУНОСАБАТИ

5.1. Давлатнинг халқаро компаниялар фаолиятига ёндашиши принциплари

5.2. Халқаро компаниялар фаолиятининг давлат томонидан тартибга солиниши

5.3. Миллий капитал экспортини рағбатлантириш

5.1. Давлатнинг халқаро компаниялар фаолиятига ёндашиши принциплари

Давлат хорижий халқаро компаниялар билан ўз муносабатларини ваколатга эга давлат муассасалари ва жамоат ташкилотларининг халқаро компаниялар фаолиятини барқарорлаштиришга қаратилган қонунчилик, ижро ва назорат хусусиятидаги тадбирлар тизими ёрдамида ташкил қиласди.

90-йиллар охирларида кўпгина давлатлар миллий хукуматларининг эътибори халқаро молиявий оқимлар ҳажмининг кескин кўпайиши ва динамикасининг ўзгаришига қаратилган бўлиб, уларга қисқа муддатли молиявий мажбуриятлар, инвестиция оқимлари ва спекулятив капитал ҳаракати киради. Халқаро компаниялар томонидан амалга ошириувчи молиявий оқимлар қабул қилувчи мамлакатлар иқтисодиётига бевосита таъсир этади. Осиёдаги қатор ривожланаётган давлатларнинг тажрибаси кўрсатишича, уларнинг давлат томонидан номувофиқ тартибга солиниши давлатдаги ва дунёдаги макроиктисодий вазиятни издан чиқариши мумкин.

Халқаро компаниялар инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг энг кенг тарқалган воситаларига миллий фирмалар ҳиссадорлик капиталида хорижий инвестор улушини чеклаш, ишлаб чиқаришни бошқаришдаги чеклашлар, фойдани тақсимлашда максимал улушни аниқлаш, лицензиялар, патентлар бериш шартлари, бухгалтерлик ҳисботини текшириш киради. Бундан ташқари, хориж компанияларининг саноатнинг айрим тармоқлари, хизмат соҳаларига (телеқоммуникация, транспорт, алоқа, телевидение) кириши таъқиқланади. Россияда, масалан, конверсия, нодир металларни қазиб олиш ва ишлов бериш, коммуникациялар каби халқ хўжалигининг стратегик тармоқлари билан боғлиқ лойиҳаларда хорижий фирмаларнинг иштироки чекланган.

Қабул қилувчи мамлакатда халқаро компанияларнинг хорижий филиалларини ташкил этиш мақсадларини беш тоифага ажратиш мумкин:

1. *Сотии бозорларини кенгайтириши.* Бош компания қабул қилувчи мамлакатда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ёки турли хизматлар кўрсатишни ташкил этади. Бунда чет эл корпорацияси ишлаб чиқариш учун ўз маҳсулотини ишлаб чиқариш технологиясини, бошқариш тажрибасини ва ўз товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини беради.

2. Экспорт ҳажмини кўпайтириши. Халқаро компаниялар экспортининг тобора кўп қисми уларнинг хорижий филиалларига тўғри келмоқда. Корпорациялар хорижий ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида арzon ишчи кучи ва табиий ресурсларга бой қабул қилувчи мамлакатларга капитал киритади. Хорижий филиал самарали фаолият кўрсатишининг зарурий шарти сифатида маҳаллий ва минтақавий сифимли сотиш бозорларининг мавжудлиги ҳисобланади.

3. *Хомашё ва материаллар билан таъминлаши*. Халқаро компаниялар хорижий филиалларининг аксари қисми ТМК тизими фирмалари, шу жумладан, бош компанияни табиий ресурслар билан таъминлаш мақсадида амал қиласди.

4. *Ноёб технологияларни харид қилиши*. Шу мақсадда халқаро компаниялар юқори илмий салоҳиятга эга, яъни тадқиқот марказлари, университетлар, технологик парклар, интеллектуал “инсон капитали” мавжуд бўлган мамлакатларда (АҚШ, Япония, ЕИ давлатлари) ўз хорижий корхоналарини ташкил қиласди.

5. *Фаолият самарадорлигини ошириши*. Халқаро компанияларнинг хорижий корхоналари фаолиятида миқёс самараси устунликлари, верикал ва горизонтал халқаро ишлаб чиқариш интеграцияси қўлланилади.

Қабул қилувчи мамлакат давлати ТМКнинг қуидагиларга ёрдам бершига интилади:

- улар амал қилаётган мамлакат ички ва ташқи хавфсизлигини сақлаш;
- аҳолининг қулай реал даромад олишига шарт-шароит яратиш ва бандлик даражасини оширишни таъминлаш;
- аҳоли саломатлигини сақлаш ва атроф-муҳит муҳофазаси;
- маданият, техника, фан, маориф даражасини кўтариш.

Турли давлатларнинг ўз иқтисодиётига хорижий инвесторларни жалб қилиш дастурларида умумий белгиларни қўриш мумкин. Биринчидан, барча давлатлар реклама материалларини тарқатиш, маҳсус семинарлар, учрашувлар, мажлисларни асосан давлат даражасида ўтказиш йўли билан хорижий капитал жалб қилаётган мамлакат “обрў” сини оширишга интилади. Иккинчидан, бу дастурлар хорижий сармоядорларни қайд қилишда бюрократик тадбирларни енгиллаштириш ва соддалаштиришни назарда тутади. Ниҳоят дастурларда хорижий инвесторларга молиявий имтиёзлар бериш (бу ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти давридаги мамлакатлар учун характерли) кўзда тутилади.

Қабул қилувчи мамлакатнинг ўз иқтисодиётига халқаро компанияларни жалб қилиш бўйича тадбирларни қуидаги гурухларга ажратиш мумкин:

1) Тартибли тадбирлар – қабул қилувчи мамлакат ҳудудида халқаро компаниялар филиаллари фаолиятига рухсат бериш тартибини соддалаштириш бўйича маъмурий ва қонуний меъёрларни киритиш.

2) Солиқ имтиёзлари – хорижий фирмаларни солиқдан озод қилиш ёки камайтириш. Бу имтиёзлар фойдага солиқ солишга тегишли, шунингдек

“солиқ таътиллари”ни киритиш (халқаро компания хорижий филиал корхонасини ишга тушириш давригача фойдага солиқ солищдан озод қилиш), ижтимоий суғуртага тўловлардан ажратмалар миқдорини камайтириш, капитал репатриацияси ва фойдани хорижга чиқаришда солиқлардан озод қилишда намоён бўлади.

90-йилларда халқаро компаниялар сармояларини жалб қилувчи мамлакатлар ўртасида солиқ рақобати кескинлашди, чунки айнан солиқса тортиш халқаро компаниялар жойлашиш ўрнини тобора кўпроқ аниқламоқда. Бундай рақобат қабул қилувчи мамлакатларнинг иқтисодиётига умуман салбий таъсир кўрсатади, яъни давлат даромадлари ва чет эл инвестициялари қисқаришига олиб келади. 90-йиллар охирида айрим халқаро ташкилотлар (масалан, ОЭСР, ЕИ) миллий ва халқаро компаниялар учун солиқ ставкалари ўртасидаги фарқларни назорат қилишни ўрнатиш мақсадида бу ташкилотларга аъзо мамлакатлар солиқ режимини ўрганиш учун эксперталар ишчи гурухини ташкил этди.

3) Имтиёзли шартларда субсидиялар ва қарзлар. Буларга маҳаллий молиявий ташкилотларнинг имтиёзли шартлар билан хорижий инвесторларга берган кредитлари, қонуний хужжатлар билан расмийлаштирилган амортизация фондига (фирманинг нормал фаолият кўрсатишини таъминловчи капитал қўйилмаларни такрор ишлаб чиқаришни молиялаштиришга хизмат қилувчи маҳсус фонд) тўловларнинг қисқартирилган муддатлари киради. Амортизация фондига тўловларга солиқ солинмайди. Бундан ташқари, айрим давлатлар хорижий инвесторларга энергия ташувчилар учун ҳақ тўлашга субсидиялар ва фирма ходимлари иш хақига субсидиялар ажратади.

4) Савдо имтиёzlари импорт божларини камайтириш ёки улардан озод қилишни ифодалайди. Экспортга нисбатан савдо имтиёzлари экспортни молиялаш, экспорт кафолатларини бериш ва экспорт божларидан озод қилишдан иборат.

5) Хорижий фирмалар тадбиркорлик фаолиятига кўмаклашиш. У эркин тадбиркорлик худудларини (хорижий келиб чиқувчи товарлар одатдаги божхона тўловларисиз ишлаб чиқарилиши, қадоқланиши, сақланиши, сотилиши, харид қилиниши мумкин бўлган қабул қилувчи мамлакат худудининг бир қисми) ташкил қилиш; қабул қилувчи мамлакат иқтисодиёти устувор тармоқлари ривожланишини рағбатлантириш; концессияларни (давлат томонидан хорижий фирмага ўз мамлакати худудида фаолият юритиш: фойдали қазилмалар қазиб олиш, саноат корхоналарини қуриш ва ишга тушириш ва бошқа хукуқларнинг берилиши) молиялаштириш, капиталлар бозорида давлат преференциялари, ИТТКИни кўллаб-куватлаш; рақобатлашаётган товарлар ва хизматлар импортини таъқиқлаш; миллий валютани девальвациядан сақлаш чоралари; қарз кафолатлари, қолоқ минтақалар худудида тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш; хусусийлаштиришда иштирок этишда намоён бўлади.

5.2. Халқаро компаниялар фаолиятининг давлат томонидан тартибга солиниши

Қабул қилувчи мамлакатда халқаро компаниялар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солища миллий-хуқуқий ва халқаро ҳуқуқий усуллардан фойдаланилади.

Миллий-хуқуқий тартибга солиш миллий ҳуқуқ тизими меъёрлари ва институтларини (маъмурий, фуқаролик ва б.) қўллашдан иборат. Кўп давлатларда хорижий фирмалар фаолиятига тааллукли инвестиция қонунлари ва кодекслар кўринишида маҳсус қонунчилик шаклланган. Қабул қилувчи мамлакатда хорижий инвестицияларнинг қоидалари, шартлари ва ҳуқуқий кафолатлари уларнинг асоси саналади.

Қабул қилувчи мамлакатда хорижий фирмалар фаолиятига тегишли миллий қонунчиликка қўргина мамлакатларда хорижий инвесторга қабул қилувчи мамлакат миллий режимини, яъни хорижий инвестор ҳуқуқларини миллий корхоналар ҳуқуқларига тенглаштирувчи шароитларини тақдим этувчи низом киритилади. Бундан ташқари, хорижий инвесторнинг қўшимча таваккалчилигини қоплаш учун қабул қилувчи мамлакатнинг миллий қонунчилиги хорижий инвестор учун қўшимча имтиёзлар ва устунликларни кўзда тутилади.

Қўргина давлатлар қонунчилигида хорижий инвесторларга нотижорат таваккалчиликлари (хорижий хусусий мулкни миллийлаштириш, терроризм, фойда репатриациясига таъкиқ, ташқи тўловларга мораторий) бўйича кафолатлар мавжуд. Бунда инвестиция баҳсларини халқаро арбитраж институтларида уларнинг тартиб қоидаларини қўллаш билан ҳал қилиш кўзда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.05.2003й. 205-сонли «Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори билан "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ва республикага тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун янада қулай шарт-шароитларни таъминлаш, хорижий инвестицияларни ишончли ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалий механизмини барпо этиш, мана шу асосда мамлакатдаги инвестиция муҳитини янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлаш вазифаси юклатилган ва қўйидаги ҳуқуқлар берилган:

- хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни жавобгарликка тортишни асословчи зарур ҳужжатлар, шу жумладан, жиноий, фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ишлар материаллари билан танишиш орқали ўрганиб чиқиш;

- вазирликлар, идоралар ва назорат органлари, шунингдек маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарларига қонун ҳужжатларининг аниқланган бузилишлари, қонун бузилишини ва унга олиб келувчи шартшароитларнинг сабабларини бартараф қилиш тўғрисида белгиланган муддатларда бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

- мансабдор шахслар томонидан хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳоллари аниқланган ҳолларда, шунингдек адлия органларининг қонуний талаблари мансабдор шахслар томонидан бажарилмаган тақдирда айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалаларни тегишли органлар олдига қўйиш;

- хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқларини бузаётган назорат қилувчи ҳамда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳаракати ёки қарорларини тўхтатиб қўйиш;

- жиноий, фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ишлар бўйича хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузувчи суд ҳужжатларини давлат божи тўламасдан қайта кўриб чиқиш тўғрисида суд инстанцияларига таклифлар билан мурожаат қилиш;

- хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги мурожаатларини текшириш учун тегишли мутахассисларни жалб этиш.

Халқаро ҳуқуқий тартибга солиш давлатларапо келишувлардан иборат. У икки томонлама ва кўп томонлама асосда амалга оширилади. Хорижий инвестицияларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш ҳақидаги икки томонлама халқаро шартномалар хорижий инвестициялар нуфузини аниқлайди ва бирбирининг сармоялари учун қабул қилувчи мамлакатнинг миллий режимини ўзаро тақдим қиласди. Бу шартномалар инвестицияларни сиёсий таваккалчиликлардан ҳимоялаш тўғрисидаги низомлар ва баҳсларни ҳал қилиш тартибини ўз ичига олади. Кўпгина капитал экспорт қилувчи давлатлар халқаро икки томонлама келишувларга қўшимча равища капитал чиқаришни рағбатлантириш учун ўз фуқаролари ва ҳуқуқий шахслар хорижий инвестицияларини суғурталашнинг давлат тизимларини ташкил этишди.

Кўп томонлама халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш кўп томонлама универсал шартнома-келишувлар асосида амалга оширилади. Унда БМТ тизими муассасалари ва интеграция бирлашмалари (ЕИ, НАФТА, АСЕАН ва б.) иштирок этади. Хорижий тадбиркорлик масалалари бўйича энг машҳур кўп томонлама универсал конвенцияларга 1965 йил “Қабул қилувчи мамлакатлар ва хорижий хусусий сармоядорлар ўртасида инвестиция баҳсларини ҳал қилиш ҳақида”ги Вашингтон конвенцияси киради.

Бу конвенцияга биноан унга қўшилган давлатлар ва инвесторлар баҳсларни ҳал қилиш учун Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ) қошида инвестиция баҳсларини мувофиқлаштириш бўйича Халқаро марказга мурожаат қилиши мумкин. Кўрсатилган муассасага мурожаат этишнинг шарти уларнинг баҳсни келиштирувчи тадбир ёки арбитраж суди ёрдамида ҳал қилишга ёзма розилиги ҳисобланади.

1985 йил Сеул конвенцияси асосида ХТТБ қошида хорижий хусусий инвестицияларни суғурталаш бўйича Халқаро агентлик (ХХИСХА) ташкил этилган. Бу тизим бўйича суғуртачи – ХХИСХА суғурталанувчи – хорижий инвестор билан имзоланган шартномага мувофиқ сиёсий хавфлар вужудга келган тақдирда суғурталанувчи суғурта шартномасида кўрсатилган миқдорни тўлаш мажбуриятини олади. Суғурталанувчи ўз навбатида суғуртачига хар йили суғурта тўловини тўлаш мажбуриятини олади.

90-йиллар охирида Бутунжаҳон савдо ташкилоти (БСТ) доирасида савдо билан боғлиқ хорижий инвестицияларни тартибга солувчи тизим – ТРИМС (Trade Related Investment Matters) шаклида хорижий инвестицияларни кўп томонлама халқаро-хукуқий тартибга солиш кенг тарқалди. ТРИМС доирасида миллий ҳукуматлар фаолиятининг муҳим жиҳатлари қаторида қўйидагиларни мувофиқлаштириш амалга оширилади:

- хорижий инвесторлар билан қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларда миллий корхоналар маҳсулоти улуши (бу ушбу маҳсулотларни божхона тўловларидан озод қилиш шарти сифатида қаралади);

- хорижий инвестор корхонасининг у билан қўшма миллий корхона учун маҳсулотида импорт компонентлар улуши кўрсатилган корхона маҳсулотининг экспорт ҳажмига тенг бўлиши ҳақидаги талаб;

- хорижий инвестор ташкил қилган корхоналарда экспорт ҳажмини чеклаш.

БСТ доирасида халқаро компаниялар ва миллий ҳукуматлар сармоя фаолиятини тартибга солишининг яна бир йўналиши Хизматлар бўйича бош келишув (ГАТС) ҳисобланади. Бундай маҳсус келишувни қўллаш зарурати тез ўсиб борувчи хизматлар соҳаси ва ишлаб чиқариш экспорти кўпинча телекоммуникация ва алоқа соҳасида бухгалтерлик ва аудиторлик фаолияти турларида, ахборот маълумотларини қайта ишлаш ва дастур таъминоти соҳаларида халқаро компанияларнинг хорижда маҳсус ишлаб чиқариш филиалларини ташкил қилишни кўзда тутиши сабабли вужудга келди.

5.3. Миллий капитал экспортини рағбатлантириш

Иқтисодиётда миллий капитал ортиқчалиги сезилаётган давлатлар унинг хорижга чиқарилишини рағбатлантиради. Давлат халқаро компаниялар экспорт-инвестиция фаолиятини қўллаб-қувватлашининг асосий шакллари имтиёзли молиялаштириш; фойдага солиқ камайтирилиши билан боғлиқ

йўқотишиларни қопловчи маҳсус кредитлаш тизими; потенциал заарларни сугурталашнинг кенгайтирилган доираси ҳисобланади. Охирги шакл рақобат эркинлиги тамойилини бузмаганлиги ва шу тарзда халқаро келишувлар таъкиқлаш меъёрларига тушмаслиги сабабли кенг тарқалди. Бундан ташқари, турли мамлакатларнинг давлат органлари ўз экспортчиларига кенг ахборот доирасини тақдим этади.

Хорижий тадбиркорлик (шу жумладан, капитал) билан шуғулланувчи компаниялар ўз давлатлари кўмагини олиши учун уч асосий шарт бажарилган бўлиши керак:

1. Халқаро компанияларнинг хорижий филиаллари фойда келтириши, яъни уларнинг технологияси ишончли, ишлаб чиқаришни ташкил қилиши самарали бўлиши керак.

2. Халқаро компаниялар хорижий филиаллари қабул қилувчи мамлакат иқтисодий ривожланишига кўмаклашиши зарур. Уларнинг технологияси қабул қилувчи мамлакат маҳаллий ресурсларидан фойдаланишга мўлжалланган меҳнат сифимли бўлиши керак.

3. Халқаро корпорациялар хорижий тадбиркорлиги бош компания жойлашган мамлакат иқтисодиётига – ишлаб чиқариш, бандлик ва ҳ.к.га зарар етказмаслиги керак. Масалан, Жанубий Корея молия ва иқтисодиёт вазирлиги капитал чиқиб кетишини тўхтатиш учун ички капитал кўйилмаларни хорижга инвестициялар шарти деб айтди ва 100 млн. долл.дан ортиқ хорижий лойиҳаларни молиялаштираётган миллий компаниялар ички капитал қўйилмалар ҳажмини 20 % га кўпайтиришни таъминлаши керак.

Сармоядор мамлакатлар ҳукуматлари хорижий тадбиркорликни рафбатлантириб, ўз миллий фирмаларига нисбий афзалликларни амалга оширишга кўмаклашади. Масалан, ЕИда инвестицияларга кўмаклашиш дастури (European Community Investment Partners Program) амалга оширилади. 90-йилларда унинг асосида ЕИга аъзо мамлакатлар компанияларини уларнинг Ўрта ер денгизи, Осиё ва Лотин Америкаси давлатларидаги фаолиятида қўллаб-куватлаш амалга оширилди.

ЕИга аъзо мамлакатларнинг 1000 дан ортиқ компаниялари қабул қилувчи мамлакатлар фирмалари билан қўшма корхоналар фаолиятида ва узоқ муддатли лицензияли келишувларда ушбу дастур кўмагида фойдаланди. Дастур қабул қилувчи мамлакатларда ЕИ аъзо мамлакатлари компаниялари лойиҳаларининг барча босқичларини молиялаштиришга ёрдам беради, унга техник-иктисодий асосларни тайёрлашга грантлар, қабул қилувчи мамлакатда қўшма корхоналар ташкил қилиш шароитларини олдиндан ўрганишга, персонални ўқитишга ва ИТТКИга фоизсиз қарзлар киради.

АҚШда америкалик инвесторларнинг хорижда хусусий хорижий капитал қўйилмаларини молиялаштириш бўйича давлат корпорацияси – ОПИК молиялаштиради. У Америка компанияларининг бевосита хорижий инвестицияларини сиёсий таваккалчиликдан сугурталайди ва уларнинг самарали хорижий фаолияти учун қатор хизматлар кўрсатади. Лотин

Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатлари иқтисодий ўсишини таъминлаш учун махсус ривожланиш дастурлари алоҳида ажралиб туради.

ОПИК ёрдами қуидаги шартларга риоя қилингандан берилади:

а) Америка компанияларининг бевосита хорижий инвестициялари АҚШда бандлик даражасига ижобий таъсир кўрсатиши керак;

б) улар молиявий жиҳатдан оқланган бўлиши ва юқори фойда келтириши керак;

в) улар қабул қилувчи мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига муносиб ҳисса қўшиши лозим.

Япония Экспорт-импорт банки япон фирмаларининг бевосита хорижий инвестицияларини молиялаштиради ва япон фирмалари билан қўшма корхоналар ташкил қилиш учун хорижий давлатлар ҳукуматлари ва хусусий компанияларга қарзлар беради. Бу банк шунингдек хорижда ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини сармояловчи япон фирмаларига кафолатлар беради. Бундан ташкири, Японияда ривожланаётган давлатларни инвестициялашга бюджетга солик ажратмаларини камайтириш кўринишидаги имтиёзлар мавжуд.

ТМК одатда бош компаниялар жойлашган мамлакатлар ва қабул қилувчи мамлакатлар ҳокимият тузилмаларида ўз манфаатларини ҳимоялашни ташкил этади. Бунда иқтисодиётни мувофиқлаштириш давлат органлари халқаро компаниялар истакларини ҳар доим ҳам ва дархол бажармайди. Бу истаклар баъзан миллий фирмалар, ишчи ва ходимлар манфаатларига, муайян миңтақа экологияси ва бюджет имкониятларига зид келади.

Шу билан бирга давлат иқтисодиёт тармоқлари ва минтақаларни инқироздан чиқариш мақсадида устувор ривожлантиришдан, жадал илмий-техник тараққиёт шароитларини яратишдан, тармоқлар ва минтақалар ички ва бутун халқ хўжалигида прогрессив таркибий ўзгаришлар учун шароитлар яратишдан манфаатдор бўлганда, у халқаро компанияларга молиявий ёрдам ва давлат капитал қўйилмалари йўли билан рағбатлантирувчи таъсир этади. 90-йилларда кўпгина давлатлар сиёсатида ички бозорлар ҳажми кенгайиши, иқтисодиётни тартибга солишда давлат ролини чеклаш, корхоналарни хусусийлаштириш, эркин савдо зоналарини ташкил қилиш каби халқаро компаниялар учун кулай тенденциялар намоён бўлди.

Глобал менежер халқаро компания хорижий филиали ташабbusларига қабул қилувчи мамлакат маъмурий органларининг муносабатини олдиндан кўра олиши муҳим. Турли вазиятларда халқаро ташкилотларнинг қабул қилувчи давлатлар ҳукуматлари билан кўп йиллик муносабатлари тажрибаси халқаро иқтисодий ҳамкорликнинг уч асосий компонентини (товарлар ва хизматлар, технологиялар, бевосита хорижий инвестициялар) мамлакатга киритиш ва чиқаришга қараб, қабул қилувчи мамлакат сиёсатидаги йўналишларни туркумлаш имкониятини беради (4-жадвал).

1. Мамлакатдан олиб чиқишида:

а) товарлар ва хизматлар олиб чиқиши ҳажмини кенгайтиришга ёрдам берувчи ва давлат учун муҳим бўлган технологик сирлар очилиш хавфини туғдирмайдиган тайёр маҳсулотлар, технологиялар экспорти, шунингдек миллий компаниялар сотиш бозорларини кенгайтирувчи капитал олиб чиқилиши одатда давлат томонидан рағбатлантирилади;

б) машина ва ускуналар, комплектловчи маҳсулотлар ва ярим тайёр маҳсулотларлар экспорти мамлакат иқтисодиётига фойда ёки заарар келтиришига қараб давлат томонидан рағбатлантирилади ёки чекланади. Бу ерда барча нарса бу маҳсулотлар ва ярим тайёр маҳсулотларлар миллий корхоналарга етарлилигига ва уларнинг хорижга чиқарилиши миллий корхоналар рақобатчиларини жаҳон бозорида мустаҳкамланишига олиб келмаслигига боғлиқ.

Жаҳон бозорида миллий корхоналар аҳволини ёмонлаштирувчи технологиялар экспорти давлат томонидан чекланади. Шу билан бирга миллий корхоналарни ёқилғи-хомашё ресурслари билан таъминловчи капитал чиқарилишини давлат рағбатлантиради.

в) қабул қилувчи мамлакатда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва ишлаб чиқариш харажатларини пасайтиришга кўмаклашувчи капитал чиқарилиши инвестор давлати иқтисодиётига маълум фойда келтирса, ушбу давлат томонидан рағбатлантирилади. Агар капитал чиқарилиши миллий корхоналар рақобатчиларини жаҳон бозоридаги аҳволини яхшиласа, инвестор мамлакатида ишчи жойлари сонини қисқартиrsa, давлат қапитал чиқарилишини чеклайди.

2. Мамлакатга олиб киришида:

а) мураккаб бўлмаган стандарт тайёр маҳсулотлар, уларни тайёрлаш учун технологиялар ҳамда уларни хорижий компаниялар фирма белгиси билан ишлаб чиқариш ва сотиш ҳуқуки импорти инвестор сотиш бозорини кенгайтиришга мўлжалланган капитал олиб кириш каби давлат томонидан рағбатлантирилмайди;

б) маҳаллий хомашё ресурсларини ишлаб чиқиши ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ машина ва ускуналар, бутловчи маҳсулотлар, ярим тайёр маҳсулотларлар, уларни ишлаб чиқариш технологиялари, капитал импорти давлат томонидан рағбатлантирилади;

в) хорижий фирма филиалларида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширувчи ва унинг харажатларини камайтирувчи бевосита хорижий инвестициялар бу фирмалар маҳсулоти миллий корхоналар рақобатбардошлиги даражасини пасайтиrmagan ҳолда давлат томонидан рағбатлантирилади. Акс ҳолда давлат бундай йўналишдаги БХИларни чеклайди.

4-жадвал

Халқаро иқтисодий муносабатлар шаклига боғлиқ қабул қилувчи мамлакат сиёсатидаги йўналишлар

Ташқи савдо	Технологияларни айирбошлаш	Бевосита хорижий инвестициялар (БХИ)
1. Мамлакатдан олиб чиқиши		
а) тайёр маҳсулотлар экспорти	Товар ва хизматлар экспортини кенгайтиришга ёрдам берувчи технологиялар экспорти	Миллий товар ва хизматлар сотиш бозорларини кенгайтирувчи БХИ
б) бутловчи қисмлар ва ярим тайёр маҳсулотларлар экспорти	Технологиялар экспорти	Миллий корхоналарни хомашё билан таъминловчи
в) машина ва ускуналар экспорти	—	Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширувчи
2. Мамлакатга олиб кириши		
а) тайёр маҳсулотлар импорти	Хорижий инвестор бозорини кенгайтирувчи технологиялар импорти	Хорижий инвестор бозорини кенгайтирувчи
б) компонентлар ва ярим тайёр маҳсулотларлар	Миллий ишлаб чиқарувчилар учун технологиялар импорти	Табиий ресурсларни қайта ишлаш ва фойдаланиш билан боғлиқ
в) машина ва ускуналар импорти	—	Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширувчи

Хулоса

Давлат хорижий халқаро компаниялар билан ўз муносабатлари ваколатга эга давлат муассасалари ва жамоат ташкилотларининг халқаро компаниялар фаолиятини барқарорлаштиришга қаратилган қонунчилик, ижроия ва назорат характеридаги тадбирлар тизими ёрдамида ташкил қиласди.

Халқаро компаниялар инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишининг кенг тарқалган воситаларига миллий фирмалар хиссадорлик капиталида хорижий инвестор улушини чеклаш; ишлаб чиқаришни бошқаришдаги чеклашлар фойдани тақсимлашда максимал улушни аниқлаш; лицензиялар патентлар бериш шартлари; бухгалтерлик хисоботини текшириш киради.

Халқаро компанияларнинг қабул қилувчи мамлакатда хорижий филиалларини ташкил этиш мақсадлари:

- сотиш бозорларини кенгайтириш;
- экспорт ҳажмини кўпайтириш;
- хомашё материаллари билан таъминлаш;
- антиқа технологияларни харид қилиш;
- фаолият самарадорлигини ошириш.

Қабул қилувчи мамлакат халқаро компанияларни қуидаги тадбирлар ёрдамида ўз иқтисодиётига жалб қиласы: тартибли тадбирлар, солиқ имтиёzlари, имтиёzли шартларда субсидиялар ва қарзлар бериш, савдо имтиёzlари, хорижий фирмалар тадбиркорлик фаолиятига күмаклашиш.

Қабул қилувчи мамлакатда халқаро компаниялар фаолияти миллий-хуқуқий ва халқаро-хуқуқий усуллар ёрдамида тартибга солинади.

Таянч иборалар

Амортизация фонди, эркин тадбиркорлик ҳудуди, концессия, миллий-хуқуқий тартибга солиш, Халқаро хуқуқий тартибга солиш, ТРИМС, ГАТС.

Назорат саволлари

1. Халқаро компаниялар инвестиция фаолияти давлат томонидан қандай асосий воситалар ёрдамида тартибга солинади?
2. Давлат ТМК билан муносабатларида нимага интилади?
3. Давлат халқаро компанияларни миллий иқтисодиётта жалб қилиш бўйича қандай асосий тадбирлар амалга оширилади?
4. Халқаро компаниялар фаолиятини миллий-хуқуқий тартибга солиш нимадан иборат?
5. Халқаро компаниялар ўз давлатларидан ёрдам олиш учун қандай шартлар бажарилган бўлиши керак?
6. Халқаро компанияларнинг хорижий филиалларини ташкил этиш мақсадларини неча турга ажратиш мумкин?
7. Халқаро компаниялар фаолиятини хуқуқий тартибга солишнинг нечта асосий усули мавжуд?
8. Давлат ташқи сиёсатининг ТИФ бўйича асосий йўналишлари қандай тушунтирилади?

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Пивоваров С.Э., Тарасевич Л.С., Майзель А.И. Международный менеджмент. -С-Пб, 2005.
2. Внешнеэкономическая деятельность. /Под ред. Б.М.Смитиенко, В.К.Поспелова. -М., 2002.
3. Внешнеэкономическая деятельность: Учебник. -М., 2001.

6-боб. ХОРИЖИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖЛАНИШИГА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯНИНГ ТАЪСИРИ

6.1. Халқаро иқтисодий интеграция ёрдамида ТМК имкониятларини кенгайтириш

6.2. Европа Иттифоқи шароитларида халқаро компанияларнинг имкониятлари

6.3. НАФТАда халқаро компанияларнинг имкониятлари

6.4. АСЕАН да халқаро компанияларнинг имкониятлари

6.5. МЕРКОСУРда халқаро компанияларнинг имкониятлари

6.1. Халқаро иқтисодий интеграция ёрдамида ТМК имкониятларини кенгайтириш

Халқаро иқтисодий интеграция давлатлараро иқтисодий келишувлар шаклини олувчи давлатларнинг хўжалик-сиёсий бирлашиши жараёнидир. Халқаро иқтисодий интеграцияни амалга оширишда давлатлараро келишувлар билан расмийлаштирувчи турли давлатларнинг компаниялари даражасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга интилиш муҳим туртки бўлди. XXI аср бошида жаҳонда 100 дан ортиқ давлатларни қамраб олувчи 30 га яқин интеграция гурухлари фаолият кўрсатмоқда.

Халқаро иқтисодий интеграциянинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб пировардида миллий ва халқаро тадбиркорлик тузилмалари хизмат қиласи, уларнинг манфаатлари қуидаги омилларга қаратилган:

- хорижий компаниялар билан қўшма тадбиркорлик тузилмаларини ташкил қилиш йўли билан корхоналарнинг географик фаолият доирасини кенгайтириш;

- сотиш ва транспорт сарфларини қисқартириш билан товарлар, хизматлар, капиталлар, ишчи кучи халқаро айирбошлиш йўлида тўсиқларни бартараф қилиш асосида минтақавий бозорларни қамраш, тариф ва нотариф тўсиқларни йўқотиш, товарлар ва хизматлар етказиб бериш ҳажмини, шунингдек ассортиментини кенгайтириш ҳисобига минтақавий бозордаги ўрнини мустаҳкамлаш;

- минтақа миқёсида ва миқёс самараси устунликларини амалга оширишда халқаро меҳнат тақсимотидан фойдаланиш ёрдамида ишлаб чиқаришни таркибий қайта қуриш ва рационаллаштиришга қизиқиш;

- минтақавий гурухнинг барча аъзо мамлакатлари учун давлат буюртмалари миллий бозорининг очилиши;

- давлатлар ўртасида технологиялар алмашиш бўйича битимлар ва янгиликлар киритиш оқимининг ўсиши;

- интеграция гурухига аъзо давлатлар компаниялари рақобатбардошлигини ИТТКИ харажатларини қўпайтириш ҳисобига мустаҳкамлаш;

- интеграция гурухига аъзо давлатларнинг мувофиқлаштирилган ташқи иқтисодий сиёсати эвазига ноаниқлик таваккалчилигини қисқартириш;
- миллий компанияларнинг хорижий тадбиркорликни ривожлантиришга ва халқаро корпорацияларни ташкил қилишга қизиқиши;
- бевосита хўжалик алоқалари, кооперациялаш ва ҳамкорликнинг бошқа шаклларини ривожлантириш учун имкониятлар яратиш;
- стандартларни унификациялаш, соликқа тортиш тартибини соддалаштириш, халқаро савдо-иқтисодий музокаралар сонини камайтириш ҳисобига ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини қисқартириш;
- халқаро ишлаб чиқариш, савдо ва инвестиция оқимларини кенгайтириш йўли билан бандлик даражасини ошириш;
- корхоналар ташқи иқтисодий фаолиятининг самарадорлигини ошириш.

Евropa Иттифоқи (ЕИ)⁴; эркин савдо ҳақида Шимолий Америка келишуви (НАФТА – АҚШ, Канада, Мексика); Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ассоциацияси (АСЕАН – Бруней, Индонезия, Лаос, Малайзия, Мьянма, Бирма, Филиппин, Сингапур, Таиланд, Вьетнам); МЕРКОСУР (Бразилия, Аргентина, Парагвай, Уругвай) каби йирик интеграция бирлашмаларининг фаолият юритиш натижалари миллий ва халқаро компаниялар манфаатига кўра интеграция жараёнларининг муайян кетмакетлиги шаклланганлигидан далолат беради. Биринчи навбатда инвестициялар ёрдамида (миллий режимни киритиш муаммолари, халқаро шартномаларга кафолатланган мувофиқликни таъминлаш, инвестицияларни миллийлаштиришдан ишончли кафолатни таъминлаш) хизматлар соҳаси, савдо масалалари ҳал қилинарди.

Халқаро савдонинг жонланиши, сотиш бозорларининг кенгайиши, инвестиция оқимларини қўпайтириш ишлаб чиқаришни қайта ташкил қилишни рағбатлантириди. Бунда интеграция жараёнлари хорижий инвестицияларнинг уч афзаллиги – мулкни харид қилиш, ишлаб чиқаришни байнаминаллаштириш ва интеграция бирлашмалари худудида корхоналарнинг қулай жойлашишини амалга оширишга ёрдам беради.

Интеграция гурухида иқтисодий алоқаларнинг ривожланиш интенсивлигини халқаро менежер қўлидаги статистик маълумотларга қараб бир неча усувлар билан кузатиши мумкин.

Интеграция жараёни динамикасининг асосий кўрсаткичларига куйидагилар киради:

- мамлакатлараро товар айирбошлишнинг жами ЯММдаги улуши;
- интеграция гурухига аъзо мамлакатларнинг умумий товар айланмаси ҳажмида уларнинг мамлакатлараро айирбошлишининг улуши. Масалан, 1980 йилда ЕИ аъзо мамлакатлари ўртасида ташқи савдо айланишининг йиллик ўсиш суръати 9 % ни, 90-йиллар охирида 20 % ни ташкил этди.

⁴ (ЕИга Германия, Франция, Буюк Британия, Италия, Бельгия, Нидерландлар, Ирландия, Испания, Португалия, Финляндия, Швеция, Австрия, Греция киради, 2004 йил 1 майда 10та мамлакат қўшилган)

- интеграция гурухига аъзо мамлакатларнинг ўзаро БХИ ҳажмини уларнинг бошқа дунё мамлакатларига БХИ ҳажми билан солиштириш. Хусусан, 1980 йилда ЕИ аъзо мамлакатлар ўзаро БХИ ЕИ худудида умумий сармоялар оқимининг 25 % ини, 90-йиллар охирида 50 % га яқинни ташкил этди.

- интеграция гурухи ичидаги компаниялар бирлашмалари сонини бошқа давлатлар фирмалари билан қўшма корхоналар ташкил қилиш ва қўшилишлар сони билан таққослаш.

Иқтисодий интеграция доирасида фирмаларнинг бирлашишига кўмаклашувчи асосий омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ишлаб чиқариш кўлами самараси;
- технологияларни ўзаро айирбошлиш;
- корхоналар жойлашган ўрни устунликларидан фойдаланиш (Шимолий ва Марказий Европада мураккаб қисмларни ишлаб чиқариш, Жанубда эса арzon ишчи кучи томонидан йиғиш йўлга қўйилган);
- маҳаллий истеъмолчиларнинг талабини янада тўлароқ қондириш учун маҳсулот ассортиментини кенгайтириш;
- ИТТКИ харажатларини кўпайтириш имкониятлари;
- трансферт баҳоларни қўллаш (биринчи навбатда, турли давлатларда молия шароитлари ва соликлар фарқланувчи тармоқларда);
- давлат буюртмаларини олиш;
- ИТТ имкониятлари ўсиши;
- юк ташишларни фирма ичидаги тақсимлаш ҳисобига транспорт харатжатларини қисқартириш.

6.2. Европа Иттифоқи шароитларида халқаро компанияларнинг имкониятлари

Европа Иттифоқи (ЕИ)да интеграция жараёнларининг ривожланиши билан халқаро компанияларга Европа фирмалари билан ҳамкорлик учун тобора кенг имкониятлар очилмоқда. Бунда ҳамкорлик шароитлари ўз хусусиятига эга. Масалан, 90-йиллар охирида ЕИ қуйидаги савдо-сиёсий куроллар мажмуасига эга бўлди: ягона бож тарифи, қишлоқ хўжалиги товарлари экспорти ва импортининг ягона режими, демпингга қарши тадбирлар, импорт устидан назорат ва олиб киришни бир томонлама тартибга солиш; ЕИ да экспортни (асосан текстил ва қора металларни) “ихтиёрий” чеклаш ҳақидаги келишувлар.

Ейда амал қилаётган қоидаларга кўра ҳеч бир аъзо мамлакат мустақил равища (бошқа аъзо мамлакатлар билан маслаҳатлашмасдан) учинчи мамлакатлар билан савдо музокаралари олиб бора олмайди ва савдо келишувларини имзолай олмайди. Охирги йилларда ЕИ номидан тузилувчи келишувларга тобора қўпроқ савдо сиёсати чегарасидан ташқарига чиқувчи саноат ва илмий-техник ҳамкорлик масалалари киритилмоқда.

ЕИ мамлакатлари жамоавий савдо сиёсати воситалари билан бир қаторда миллий характердаги турли чораларни қўлламоқдалар. Масалан, экспорт кредитларини бериш миллий ҳукуматлар ихтиёрида қолган. Техник меъёрлар ва стандартларни, санитар назоратини, маъмурий қоидаларни унификациялаш давомида протекционистик мақсадларда қўллаш мумкин бўлган қўшимча жамоа воситалари ишлаб чиқилди.

Ягона бож тарифи ЕИнинг учинчи мамлакатлар билан савдо муносабатларида импортни тартибга солишдан фойдаланилади. Конкрет товарларга бож тарифларининг ставка микдори хомашёни қайта ишлаш даражасига қараб белгиланган. Агар ЕИда ишлаб чиқарилмайдиган ёки етишмайдиган хомашёнинг ўзи божсиз ёки кам божлар билан олиб кирилса, яrim тайёр маҳсулотларларга (айниқса, тайёр маҳсулотларга) бож тўловлари анча юқори бўлади. 90-йилларда ягона бож тарифининг бошланғич тўловлари пахта хомашёсига – 0 %, калава ипга – 10 %, ип газламага – 17 %; ишлов берилмаган терига – 0 %, ишлов берилган терига – 7 %, пойафзал терисига – 16 % ва х.к. қилиб белгиланган.

Преференция (имтиёз)ларнинг умумий тизими (ПУТ) кўпроқ ривожланаётган мамлакатлар билан муносабатларда қўлланилади. У ЮНКТАД қарорига биноан бир томонлама тартибда қабул қилинган. 1993 йилда Евроиттифоқ преференциялар умумий тизимини Россия ва бошқа МДҲ мамлакатларига ҳам жорий этди. Энди кўпгина саноат товарлари Россиядан ЕИга божсиз киритилиши мумкин. Тариф преференциялари фақат тўқимачилик, балиқ маҳсулотларига, шунингдек ЕКПБ (1951 йилда ФРГ, Франция, Италия, Бельгия, Нидерланд, Люксембург томонидан қора металлургия корхоналари маҳсулоти ҳажми ва ассортименти устидан назорат қилиш, марказлаштириш ва режалаштириш мақсадида ташкил қилинган Европа кўмир ва пўлат бирлашмаси) номенклатуруси товарларига тариф преференциялари қўлланилмайди.

PUT ЕИ Кенгаши тасдиқлайдиган ҳар йили қайта қўриб чиқиладиган схемалар асосида амал қиласи. PUT ҳаракат қилишининг асосий мақсади фақат преференциал режим тақдим қилинган мамлакатлардан фақат шу режим қўлланиувчи товарларни имтиёзли шароитларда олиб кирилишини таъминлашдан иборат. Товарнинг келиб чиқиш мамлакатини ўрнатиш қоидалари бўйича маълум мамлакатларда бутунлай ёки импорт материалларига жиддий ишлов бериш ёрдамида ишлаб чиқарилган товар шу мамлакатдан келиб чиқсан ҳисобланади. Экспорт қилувчи мамлакат фақат божхона идоралари томонидан бериладиган маҳсус ҳужжат-сертификатни тақдим этиш билан ўз товарининг келиб чиқиш далилини тасдиқлайди.

Контингентирлаш ва импорт устидан назорат ЕИга аъзо-мамлакатларнинг маҳсулоти билан рақобатлашаётган товарларнинг олиб кирилишини чеклаш ва тўхтатиш мақсадида қўлланилади. Айрим савдо соҳаларида (масалан, қора ва рангли металлар) контингентирлаш роли намоён бўлади. Евроиттифоқ худудида бундай товарларнинг муомалага

киритилиши учун импортга рухсатнома ёки тегишли аъзо мамлакатларнинг маҳсус органлари томонидан ўрнатилган квоталар чегарасида берилган шунга ўхшаш хужжат талаб қилинади.

Хусусан, Евроиттифоқ собиқ Иттифоқ мамлакатларидан алюминий олиб киришга чекловлар киритди. Евроиттифоқ Комиссияси буни корхоналаримизнинг сунъий пасайтирилган энергия ҳаки ва нисбатан енгилроқ экология меъёрлари кўринишида катта устунликларга эгалиги билан асослайди.

Экспортни “ихтиёрий” чеклаш ҳақидаги келишувлар импортчи ва экспортчи ўртасидаги келишув натижаси бўлиб, ҳақиқатда улар экспортчига қатъиyroқ чекловчи чораларни қўллаш хавфи остида ўtkазилади. ЕИнинг тўқимачилик маҳсулотлари ва қора металларнинг асосий етказиб берувчилари билан қатор келишувлар экспортни “ихтиёрий” чеклашга яққол мисол бўла олади.

Демпингга қарши тадбирлар Евроиттифоқ томонидан учинчи мамлакатлардан импортни чеклаб туриш учун фаол қўлланиладиган нотариф тўсиқлар қаторига киради. ЕИнинг демпингга қарши сиёсатини амалга оширувчи ЕИ Комиссияси экспортчи мамлакатда ҳақиқий экспорт ва ички баҳоларни таққослайди, демпинг миқдори эса ушбу товар ички баҳосининг экспорт баҳосидан ортиқ миқдори билан аниқланади.

ЕИнинг демпингга қарши қонунчилиги ЕИнинг барча аъзо мамлакатлари худудида бир вақтда ҳимоя чоралари киритилишини белгилайди.

Техник тўсиқлар нотариф характеристига эга чораларга киради. Бу гуруҳ ичida муомалада бўлган ва ташқаридан олиб кирилаётган саноат маҳсулотларига меъёрлар ва стандартлар – сифат характеристикалари, компонентлар дозировкаси ва бошқалар киради. Миллий меъёрларни уйғунлаштириш ва барча ЕИ аъзо мамлакатлари учун саноат маҳсулотларига ягона стандартларни ишлаб чиқиш жараёни билан бирга 1985 йилдан бери Евроиттифоқда соддалаштирилган тартиб: айрим товарлар учун эмас, балки йирик товар гуруҳларига (автомобиллар, электротехник ускуналар) ва атроф-мухит муҳофазаси, истеъмолчилар манфаатлари ҳимояси ва бошқа жиҳатдан аҳамиятга эга бўлган факат асосий кўрсаткичлар бўйича ягона меъёрлар ўрнатилади.

Экспортни тартибга солиш – экспорт назорати ва олиб чиқишни чеклаш – аъзо мамлакатларнинг миллий ҳавфсизлиги, миллий бойликларни сақлаш, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш, аҳоли ҳаёти ва саломатлиги, атроф-мухит муҳофазаси мақсадларида камроқ товар гуруҳларига қўлланилади.

Евроиттифоқда аъзо мамлакатлар ташқи иқтисодий экспансиянинг кўпгина муҳим воситалари – экспортга давлат субсидиялари, экспорт кредитлари, экспортчиларга турли солик, маъмурий ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатиш усусларини қўллашда мустақиллиги сақланган.

Хозирги вақтда ЕИда саноат маҳсулоти экспортини тартибга солиш асосан аъзо мамлакатлар сиёсатини мувофиқлаштириш механизми ёрдамида амалга оширилади. Экспорт кредитларини тақдим қилиш шароитларини келишишга алоҳида эътибор берилади. Шу мақсадда маҳсус орган – суғурталаш, кафолатлар ва молиявий кредитлар соҳасида сиёсатни мувофиқлаштириш бўйича гуруҳ тузилган, унга ЕИ барча аъзо мамлакатлари ва ЕИ Кенгashi вакиллари киради.

Экспортни тартибга солишининг бошқа воситалари кўпроқ: микдорий чеклашлар (нефть ва уни ҳайдашдан олинадиган маҳсулотлар), экспортни бевосита таъқиқлаш ва лицензиялаш (кимё маҳсулотлари, радиоактив моддалар) каби маъмурий чоралар ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини олиб чиқиши тартибга солиш хусусиятларига экспортни субсидиялаш киради: ЕИ қишлоқ хўжалиги фонди (ЕИ ягона бюджетининг таркибий қисми) харажатларининг умумий микдори ягона аграр сиёсатни ўтказиш учун барча сарфларнинг 20-40 % ини ташкил қиласиди. Кўп ҳолларда субсидиялар маълум товарлар (ғалла, сут маҳсулотлари) бўйича жаҳон баҳоларидан анча юқори. Субсидия даражаси ҳар бир конкрет ҳолда ЕИ Комиссияси томонидан аниқланади.

6.3. НАФТАда халқаро компанияларнинг имкониятлари

НАФТА миқёсида Шимолий Америка интеграцияси ривожланишида ҳал қилувчи рол АҚШ ТМКларига тааллуқли. АҚШ ишбилармонлик доиралари НАФТАга катта умид боғлайдилар. Яқин йилларда Америка экспортининг жиддий кенгайиши ва шу билан боғлиқ иш жойларнинг кўпайиши кутилмоқда. Мехнат сифимли, материал сифимли ва экологик қиммат ишлаб чиқаришларни АҚШдан Мексикага кўчириш давомида ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва Американинг айрим саноат тармоқларининг рақобатбардошлиқ даражасини ошириш имконияти туғилса ажаб эмас. Масалан, Хермосиллода (Мексика) Форд заводи 3/4 қисми Америкада ишлаб чиқарилган бутловчи қисмлардан автомобиллар тайёрлайди.

Сифат жиҳатидан улар АҚШ, Канада ёки Японияда йиғилган машиналардан кам эмас. Американинг уч автогиганти - “Форд”, “Крайслер”, “Дженерал моторз” яқин йилларда шундай йўл билан ишлаб чиқариш ва сотишини кенгайтириши ва 4-10 % га ўз фойдаларини ошириши таҳмин қилинмоқда.

Канада ТМКлари НАФТА ёрдамида ривожланишини бошлаётган технологик тармоқларни (ўлчов асбоблари, компьютерлар, алоқа воситалари ва бошқа ишлаб чиқариш) ноу-хау сотиши, ишлаб чиқариш самадорлигини ошириш ва бозорни кенгайтириш орқали ўз фойдасини оширишни назарда тутмоқда. Бунда Канада капиталининг жанубга кўчишининг кучайиши натижасида иш жойлари қисқаради. Бироқ, бошқа томондан қитъя кўламидаги улкан либераллашган бозор маконининг шаклланиши учинчи

мамлакатлардан, асосан ЕИ ва Япониядан бевосита ва портфель инвестицияларининг Канадага оқиб келишини рағбатлантиради.

ЕИда камроқ ривожланган минтақа ва мамлакатларга (Греция, Ирландия, Португалия) кўшма бюджет фондларидан молиявий ёрдам берилса, НАФТА Мексикага бундай ёрдам кўрсатмайди. Унинг янги вазиятларга ёлғиз мослашишига тўғри келади. Шунга қарамай, НАФТА ёрдамида Мексика ўз иқтисодиётини ислоҳотлаштириш ва саноати ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилиш муддатини ярим асрдан 10-15 йилгача қисқартириши тахмин қилинмоқда. Бунинг учун икки шимолий давлат ва Мексика ўртасидаги товар айирбошлини фаол эркинлаштириш жараёни бошланиши зарур, чунки Канада-Америка савдосида савдо тўсиқлари бартараф этиб бўлинган. Айниқса, тайёр маҳсулотлар айирбошлиш чекловлардан қатъий озод қилинган: саноат ва озиқ-овқат товарлари билан ўзаро савдода бож тўловлари 65 %га камайтирилган, қолган тўловларнинг кўпчилиги эса 2003 йилда тугатилади. Энергия ресурслари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, автомобиллар ва тўқимачилик товарлари бозорини аста-секин либераллаштириш мўлжалланган.

Мексика қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича ҳар бир шимолий шерик билан алоҳида икки томонлама шартномалар тузмоқда. Мексика ўз бозорига Канада ва АҚШнинг юқори технологияли товарлари кириб келишини таъминлаш учун Америка ва Канадада ишлаб чиқарилган компьютерларга аввалги 20 %лик бож тўловини бутунлай олиб ташлади, учинчи мамлакатлардан шундай товарларга бож тўлови аста-секин 3,9 %гача пасайтирилади. Шундай қилиб, шимолий шерикларга Мексика бозоридан арzon Япон ва Жанубий Корея техникасини сиқиб чиқариш имконияти берилади. 10 йил мобайнида Мексика автомобиллар импортига кўпгина чеклашларни олиб ташлаши керак, бу эса америка экспортчиларига бозорни кенгайтириш имконини беради.

Бундан ташқари, 90-йиллар ўрталарида Мексикада хорижий инвесторлар имкониятларини кенгайтирувчи қонун киритилган эди. Саноат ва қишлоқ хўжалигининг кўп тармоқларида капитални “ҳар қандай нисбатларда” киритиш рухсат этилди. Хорижий тадбиркорларга энергия ташувчилар ва радиоактив рудаларни излаб топиш ва қазиб чиқаришга транспорт ва коммуникация инфратузилмасига маблағлар инвестициялаш ҳозирча таъқиқланади. Кейинчалик қатнашиш улуши чекланган соҳаларда уни 2001 йилдан бошлаб- 51 % гача, 2004 йилдан бошлаб – 100 % гача кенгайтириш кўзда тутилмоқда.

Мексика банклар ва суғурта компанияларида хорижий фирмаларнинг иштирок этиш чекловларини олиб ташлаш мажбуриятини олган, бу эса Америка ва Канада молиявий капиталининг Мексика суғурта бозорининг 3 дан 1 қисмини эгаллаш имкониятини яратади.


6.4. АСЕАН да халқаро компанияларнинг имкониятлари

1967 йилда ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳамкорликни мувофиқлаштириш мақсадида ташкил қилинган Жануби-Шарқий Осиё ривожланаётган мамлакатлари минтақавий интеграция гурухи 30 йиллик фаолияти давомида иқтисодий ривожланиши, диний эътиқоди, этник хусусиятлари бўйича кескин фарқланувчи мамлакатлар ўртасида келишувларга эришиш қобилиятини намойиш этди ва 90-йиллар охирида АҚШ, ЕИ ва Япониядан сўнг дунёда товар айланиши бўйича тўртинчи ўринни эгаллади. АСЕАН мамлакатлари мураккаб ва илмталаб маҳсулотларни ишлаб чиқаришни тобора ривожлантироқда.

АСЕАН миқёсида миллий ва хорижий компаниялар ҳамкорлиги ривожланишига кўмаклашиш “АСЕАНда ишлаб чиқарилган” белгиси билан маҳсулот ишлаб чиқарувчи компанияларга берилган имтиёзларда намоён бўлади. Бундай белги билан чиқариладиган маҳсулотларда АСЕАН мамлакатларида ишлаб чиқарилган компонентлар улуши 40 % дан кам бўл- маслиги керак.

Япония ТМКлари самарали, замонавий технологияга асосланган япон индустрияси билан боғланган саноат тузилмаларини ўз шериклари сифатида шакллантириш мақсадида Осиё филиаллари ва маҳаллий етказиб берувчилар ишлаб чиқаришини минтақавий кўламда мувофиқлаштиради. Бундай ҳамкорликка мисол қилиб, “TOYOTA” фирмаси автомобилларини АСЕАНнинг тўртта мамлакатида ишлаб чиқарилишини келтириш мумкин (7-чизма).

Халқаро компаниялар билан ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида XXI аср бошида АСЕАН миқёсида ерга ва қатор саноат тармоқларидағи корхоналарга юз фоизлик хорижий мулкчиликка рухсат этиш, эркин инвестициялар ҳудудини (хорижий компаниялар хуқуqlари маҳаллий сармоядорлар хуқуqlарига tenglashтирилади) ташкил қилиш, валюта чайқовчиларига қарши кескин чекловлар киритиш, минтақа миқёсида кўпчилик маҳсулотларга бож тарифларини пасайтириш мўлжалланмоқда.



6.1.расм. АСЕАНнинг тўртта мамлакатида «Тойота» фирмаси автомобилларини ишлаб чиқаришда кооперация

б-чизма. АСЕАНнинг тўрт мамлакатида «Тойота» фирмаси автомобилларини ишлаб чиқариш кооперацияси

6.5. МЕРКОСУРда халқаро компанияларнинг имкониятлари

МЕРКОСУР - Лотин Америкаси мамлакатларининг (Аргентина, Бразилия, Парагвай ва Уругвай) 200 млн. аҳолига ва 1 трлн. доллюдан ортиқ ЯММга эга йирик ва энг динамик ривожланиб бораётган савдо-сиёсий иттифоқидир. Бу мамлакатларга қитъа аҳолисини 45 % дан ортиғи, жами ЯММнинг 50 %дан ортиғи, бевосита хорижий инвестицияларнинг 40 %дан ортиғи, Лотин Америкаси мамлакатлари жами товар айланиш ҳажмининг 60 % дан ортиғи ва ташқи савдо ҳажмининг 33 % дан ортиғи тўғри келади.

1991 йилда МЕРКОСУР ташкил қилиш тўғрисидаги Шартномада истиқболда тўртта мамлакат ўртасида ўзаро савдодаги барча тўловлар ва тариф чекловларини бартараф қилиш, учинчи мамлакатларга нисбатан ягона бож тарифини ўрнатиш, капитал ва ишчи кучининг эркин ҳаракатланиши, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва алоқа соҳаларида сиёсатни мувофиқлаштириш, валюта-молия соҳасида стратегияни келишиш назарда тутилади. МЕРКОСУР Шартномаси, шунингдек 2000 йилгача кўп товарлар учун (қурол ва ҳарбий техника, радиоактив материаллар, нозик металлар, миллий маданий бойлик предметлари билан савдо бундан мустасно) нотариф чекловларни тугатишни кўзда тутади.

Интеграция жараёнини бошқариш учун миллий бошқарув органлари, ташқи ишлар вазирларидан таркиб топган Умумий бозор Кенгаши, ижроия

органи – Монтевидеода доимий фаолият кўрсатувчи штаб-квартирага эга бўлган Умумий бозор гурӯҳи, шунингдек, шу Гурӯҳга бўйсунувчи 10 та техник ҳайъат ташкил этилган. Бу ҳайъатлар ташки савдо, божхона тартиби, ер усти ва сув транспорти, саноат технологиялари, қишлоқ хўжалиги ва энергетика масалалари, шунингдек техник меъёрлар, валюта ва макроиктисодий сиёsat билан шуғулланади. Аъзо мамлакатлар ўртасида савдо низоларини ҳал қилиш учун маҳсус органни тузиш бўйича чоралар амалга оширилмоқда.

МЕРКОСУРнинг амал қилиш натижалари ушбу божхона иттифоқи тузилиши якунланмаганлигига қарамай, интеграция гурӯҳининг маълум ютуқларидан далолат беради. Блок ички экспорт ҳажми 1991-1998 йилларда тўрт баробар ўсди, шу давр ичида интеграция гурӯҳи аъзо мамлакатларининг учинчи мамлакатларга умумий экспорти 30 % дан ортиқроқ ўсди. Шу давр ичида МЕРКОСУРдан товарлар олиб чиқишининг умумий ҳажмида блок ички экспортининг улуши 9 дан 20 % гача ўсди. МЕРКОСУР миқёсида ўзаро ташки иқтисодий алоқалар кенгайиши учинчи мамлакатлардан киритилган хорижий инвестицияларга ҳам тегишли. Масалан, Аргентинада автомобиль заводи қурилишига 100 млн. долл. киритган “Тойота моторс” япон корпорацияси бу мамлакатда ҳар йили 20 минг енгил юк ташувчи-пикаплар ишлаб чиқаришни мўлжаллаган. Бу автомобилларнинг ярмини Бразилия корхоналарида ишлаб чиқилган бутловчи маҳсулотлар эвазига олиб чиқиш кўзда тутилган.

МЕРКОСУРда интеграция жараёнлари аъзо мамлакатлар ўртасидаги қийинчиликлар ва зиддиятлар билан бирга ривожланмоқда. Масалан, учинчи мамлакатлардан импортга ягона ташки тарифлар ўрнатилган муддатларда келишилмади. МЕРКОСУР аъзо мамлакатлари умумий ЯММининг 90 %ига тўғри келадиган Аргентина ва Бразилия яратилаётган юқори технологияли саноат тармоқлари, яъни компьютерлар ва телекоммуникация ускуналари ишлаб чиқаришни хорижий рақобатчилардан ҳимоялашга алоҳида эътибор бермоқда. Хусусан, 90-йиллар ўрталарида Бразилия учинчи мамлакатлар билан электрон, нефт-кимё саноати ва оғир машинасозлик маҳсулотлари билан савдо қилишда импорт божларини 35 % даражасида, Аргентина 12 % даражасида, Бразилия ва Аргентинага технологик боғланиб қолишдан хавфсираётган Уругвай ва Парагвай минимал бож тўловлари киритишни ёқлаб чиқди.

ЕИ, НАФТА, АСЕАН ва МЕРКОСУР миқёсида интеграция жараёнларининг ривожланиши ҳалқаро иқтисодий интеграция ҳалқаро компанияларнинг стратегик имкониятларини қўйидаги йўналишларда кенгайтираётганлигидан далолат бермоқда:

- 1) экспортдан импортни қопловчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини ташкил қилиш билан бевосита хорижий инвестицияларга ўтиш;
- 2) капиталлар ва товарларнинг эркин кўчиши сабабли БХИ самарадорлигини ошириш;

- 3) БХИ ўсишига боғлиқ равища ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажмининг кўпайиши;
- 4) компаниялар бирлашиши учун имкониятларнинг кенгайиши.

Хулоса

Давлатлар халқаро иқтисодий интеграциясини амалга оширишда кейинчалик давлатлараро келишувлар билан расмийлаштирилувчи турли давлатларнинг компаниялари даражасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга интилиш муҳим туртки бўлади. XX аср ниҳоясида 100 дан ортиқ давлатларни қамраб олувчи 30 га яқин интеграция гурухлари фаолият кўрсатмоқда.

Халқаро иқтисодий интеграция миллий ва халқаро тадбиркорлик тузилмалари манфаатларига жавоб беради. Интеграция жараёни динамикасининг асосий кўрсаткичлари:

- мамлакатлараро товар айирбошлишнинг жами ЯММдаги улуши;
- интеграция гурухига аъзо мамлакатларнинг умумий товар айланмаси ҳажмида уларнинг мамлакатлараро айирбошлишининг улуши;
- интеграция гурухига аъзо мамлакатларнинг ўзаро БХИ ҳажмини уларнинг бошқа дунё мамлакатларига БХИ ҳажми билан солишириш;
- интеграция гурухи ичida компаниялар бирлашмалари сонини бошқа давлатлар фирмалари билан қўшма корхоналар ташкил қилиш ва қўшилишлар сони билан таққослаш.

Таянч иборалар

Халқаро иқтисодий интеграция, интеграция жараёни динамикаси кўрсаткичлари, преференцияларнинг умумий тизими, экспортни “ихтиёрий” чеклаш, НАФТА, АСЕАН, МЕРКОСУР.

Назорат саволлари

1. Халқаро иқтисодий интеграцияга таъриф беринг.
2. Тадбиркорлик тузилмаларининг халқаро иқтисодий интеграция аспектидаги манфаатлари қайси омилларда жамланган?
3. Халқаро иқтисодий интеграция жараёнининг кўрсаткичларини айтиб беринг.
4. Иқтисодий интеграция босқичларини изоҳланг.
5. Энг йирик интеграция гурухларини санаб беринг.
6. Ейда халқаро компанияларнинг имкониятларини қандай баҳолаш мумкин?

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Пивоваров С.Э., Тарасевич Л.С., Майзель А.И. Международный менеджмент. -С-Пб, 2005.
2. Внешнеэкономическая деятельность. /Под ред. Б.М.Смитиенко, В.К.Поспелова. -М., 2002.
3. Кузьмина Т.И. Международный менеджмент. Управление в международных компаниях. -М., 2004.

7-боб. КОМПАНИЯ ФАОЛИЯТ ЙОРИТАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРДА МЕНЕЖМЕНТ УСЛУБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

7.1. Менежмент услуби

7.2. Гарбий менежмент услуби

7.3. Осиё менежмент услуби

7.4. Менежмент услубидан қатъий назар ишга доир этикет

7.1. Менежмент услуби

Миллий хусусиятлар, яъни маданият, психология, темперамент, анъаналар ижтимоий-иқтисодий масалаларни тушуниш ва ҳал қилиш, ҳамда корхоналарнинг самарали фаолияти учун зарур ташкилий шароитларни яратиш усули сифатидаги менежмент услугига таъсир кўрсатади. Глобал менежернинг фаолият доирасига турли мамлакатларда мулоқот кўриниши, ишлаб чиқариш муносабатлари, музокараларда хулқ-автор хусусиятларини хисобга олган ҳолда замонавий бошқарув усуллари асосида ишни ташкил қилиш киради. Ҳалқаро менежер қабул қилувчи мамлакатда ўз фаолиятининг дастлабки қадамлариданоқ менежмент услуби хусусиятларига дуч келади. Глобал менежмент бўйича мутахассислар ташқи иқтисодий битимнинг ҳалқаро менежмент фаолиятининг илк даврида қийинчилклар келтириб чиқариши мумкин бўлган етти асосий элментни ажратадилар:

1. Янги хорижий шерик билан музокаралар муҳити. Бу ерда музокаралар ўтказилаётган мамлакатлик шериклар маънавий устунликка эга бўлади. Улар музокаралар даврида кам харажат қиласи ва маҳаллий бозор ҳолати ҳақидаги тезкор ахборот билан яхшироқ таъминланган.

2. Қабул қилувчи мамлакатнинг маданий ва тарихий хусусиятлари. Уларни билиш ишбилармонлик муҳитига тезроқ мослашишга, маҳаллий истеъмолчилар ва етказиб берувчилар билан осон тил топишга ёрдам беради.

3. Қабул қилувчи мамлакатнинг мафкураси (миллатчилик, ислом фундаментализми, хитой патриотизми ва б.) хорижий корхона бизнесини ташкил қилиш ва фаолият юритишига жиддий таъсир кўрсатади.

4. Бюрократик анъаналар қабул қилувчи мамлакатда тадбиркорлик фаолияти ўрнатилишини узоқ муддатга чўзиб юбориши мумкин. Масалан, Россияда “Макдональдс” ресторонларини ташкил қилиш ҳақидаги музокаралар 10 йил атрофида давом этган. Экспертлар баҳолашича, 90-йилларда Хитойда хорижий ва маҳаллий фирма ўртасида қўшма корхона ташкил қилиш тўғрисидаги музокаралар ўртача икки йил атрофида давом этган.

5. Қабул қилувчи мамлакат қонунлари. Улар ҳалқаро менежер томонидан ўрганилган бўлиши ва уларга қатъий риоя қилиниши керак.

6. Турли пул тизимлари қабул қилувчи мамлакатда ҳалқаро компания хорижий филиалининг фаолиятини жиддий қийинлаштиради.

7. Қабул қилувчи мамлакатда сиёсий ва иқтисодий бекарорлик хорижий филиал фаолиятида кутилмаган ва кескин салбий ўзгаришларни келтириб чиқариши мумкин.

Брюсселдаги ЕИ штаб-квартирасида осилган плакатда ЕИга аъзо мамлакатлар корхоналаридағи ишчи ва хизматчиларнинг бир-биридан кескин фарқланувчи миллий хусусиятларига дуч келувчи халқаро менежернинг қийинчиликлари юмор ёрдамида ифода этилган.

Умумевропа менежмент услубини яратишга уриниб кўринг, агар:

- немислар юморни тушунмаса;
- финлар сукут сақласа;
- инглизларнинг овқати англаб бўлмас аралашмалардан иборат бўлса;
- люксембургликлар юлдуз касаллигига дучор бўлса;
- французлар рулда кутилмаган ҳаракатлар содир қилса;
- испанлар мағрур;
- италиянлар ҳиссиёт оғушида;
- голландияликлар зикна;
- белгияликлар иш жойида ўтирумаса;
- португалияликлар кувалдадан мураккаброқ техникани ўзлаштира олмаса;
- шведлар ўта жиддий;
- греклар ташкилий бўлмаса;
- ирландияликлар ичкиликни хуш кўрса;
- австрияликлар сабрсиз бўлса.

Сайёрамизда иккита асосий менежмент услуби: ғарбий ва шарқий менежмент услублари мавжуд.

7.2. Ғарбий менежмент услуби

Ғарбий менежмент услуби хусусиятларига фирма ва бизнеснинг алоҳида йўналишлари раҳбарларининг катта индивидуал масъулияти ва билимдонлиги киради. Ғарбий менежмент услубининг энг ҳарактерли ва намунавий вакиллари Америка менежерлари мисол бўлади. Хусусан, америкалик ишбилармонлар музокараларда умумий қарорни келишиш жараёнида тўғри йўли ва гапини ўtkазишга ҳаракат қилади. Улар иш мақсадига тез эришишга интиладилар, масалаларни бирин-кетин келишиб прагматик туркумлайдилар, музокараларни ўзаро келишув билан якунлашга ҳаракат қиладилар, бунда битим имзолашнинг асосий шарти шериклар ўртасида ўзаро фойда ва келишувга эришиш ютуғи эмас, балки қонунларга риоя қилиш ҳисобланади.

Музокараларда Америка корпорацияси вакиллари таркибига албатта қарор қабул қилиш ваколатига эга раҳбар киради. Шунинг учун улар музокаралар вақтида кам ташкилотчи шериклари мунозараларни тўхтатиб, қарор қабул қилиш учун музокараларга келмаган раҳбарият билан

келишишга чиқиб кетгандаридан ўзларини ишончсиз ва ноқулай ҳис киладилар. Америка менежментига қуйидаги хусусиятлар хос:

- фирма ходимлари ўз компаниясига содиклик фазилатига эга бўлмай, ундан яхшироқ ва фойдалироқ иш топилган заҳоти уни тарк этишга тайёр;
- қарорни бир раҳбар қабул қиласи, унга бўйсунувчилар эса ишлаб чиқариш, сотиш харажатлари ва мумкин бўлган фойдани таҳлил қилиш асосида қарор чиқаришга ёрдам берадилар;
- ишлаб чиқариш муносабатлари ҳеч қачон шахсий, норасмий муносабатларга аралаштирилмайди.

Ғарбий менежмент услубида бир неча қўринишларини ажратиш мумкин. Масалан, Европа мамлакатлари вакиллари орасида менежмент услубида жиддий фарқлар мавжуд. 90-йилларда Германиядан Буюк Британияга сармоялар оқимининг ўсиши у ерда Германияга нисбатан ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари пастлигидан далолат беради ва демак, инглиз менежмент услуби ўз афзалликларига эга. Агар немис менежментининг хусусиятли белгилари сифатида узоқни кўзлаш ва юқори интизом намоён бўлса, инглиз менежменти учун қуйидагилар характерли:

- ишлаб чиқариш харажатларини пасайтишишга кучли эътибор;
- ИТТКИни астойдил ўтказиш ва илмталаб маҳсулотлар ишлаб чиқаришини тез ўзлаштириш (масалан, инглиз компанияларининг телекоммуникация ва фармацевтика соҳасидаги ютуқлари);
- технология жараёнларининг қўлланилишида эгилувчанлик (агар Германияда қабул қилинган технологик инструкциялар ўзгартирилишидан аввал узоқ келишувлар ўтказилса, инглиз фирмаларида технологик жараёнларни замонавийлаштириш ва такомиллаштириш тез амалга оширилади);
- ишлаб чиқариш қисмлари ва нозикликларига эътибор;
- ишчи кучига нисбатан кам ҳақ тўлаш (Германияда ижтимоий таъминотга юқори – 25 % гача даромад солиғи, иш хақининг мунтазам ўсиши ва немис маркасининг ўсиб борувчи курси 90-йиллар охирида иш ҳақи ўртacha даражасининг Буюк Британияга нисбатан салкам 2 марта юқори бўлишига олиб келди).

Бундан ташқари, ГФРга нисбатан инглизларда ишлаб чиқариш жараёнида менежерлар томонидан ишчиларни маънавий қўллаб-куватлаш заруритини назарда тутадиган конструктив ишлаб чиқариш муносабатлари ўрнатилди. Бу Буюк Британияда иш куни ва ускуна эксплуатациясининг машина вақти узунроқ давом этиши сақланишига кўмак берди.

Дунёда япон менежментнинг юқори рейтингига қарамай, япон фирмалари ғарбий менежмент услубидан, хусусан француз маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишни бошқаришини ташкил қилиш услубидан фойдаланиши ҳоллари маълум. Хусусан, Японияда енгил ва юқ автомобиллари ишлаб чиқарувчи иккинчи “Ниссан” компанияси 90-йиллар охирида қийин даврни бошдан кечирди. Унинг раҳбарияти 1999 йилда “Рено” француз

автомобилсозлик фирмаси билан альянс тузиш қарорини қабул килди. Альянс мафкурачиларидан бири бўлиб, охирги уч йил ичида “Рено”ни муваффақиятли қайта ташкил этганлиги учун “Харажатлар қотили” номини олган “Рено” нинг етакчи менежери Карлос Ган хизмат қилди.

Альянс доирасида япон компанияси ўз олдига француз менежменти усулларидан фойдаланиш ҳисобига заарлар, қарзлар, ортиқча ишлаб чиқариш қувватлари ва етарли бўлмаган автомобиль сотиш ҳажми муаммоларини ҳал қилиш ва илмий ишланмаларга харажатларни қисқартириш, ягона стратегияни ишлаб чиқиши, бутловчиларни бирга харид қилиш ва шу кабилар бўйича қучларни бирлаштириш вазифаларини қўйди. Бундан ташқари, стратегик жиҳатдан француз ва япон компаниялари таъсир доирасини кенгайтириш (“Ниссан” ўрни Осиё ва Америкада кучли, “Рено” Европа бозорида етакчилардан бири) ҳисобига бирлашишдан ютадилар.

Шу билан бир вақтда скептиклар истиқболда ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини қисқартиришда гайратли француз менежменти принципларининг ишчиларни бушатиш ва ишлаб чиқариш қувватларини қисқартиришни олқишиламайдиган консерватив корпорация анъаналарига эга япон менежменти принциплари билан тўқнашиш имкониятини кўрмоқдалар.

7.3. Осиё менежмент услуги

Осиё менежмент услуги ғарбий менежментдан фарқ қиласи ва қуйидаги характерли хусусиятларга эга:

- турли “юмшоқ” тузилмаларга ургу бериш, бунда фирмалараро муносабатлар тегишли келишувларни тузиш билан расмий асосда эмас, балки компания раҳбарларининг ишончи, ўзаро тушуниши, қардошлик ва дўстона муносабатлар асосида олиб борилади;
- менежерларнинг юқори таълим даражаси, уларнинг малакасини мунтазам ошириш; бўйсунувчиларнинг раҳбарлар билан муносабатларида ғамхўрлиги;
- компаниялар стратегик режаларининг муваффақиятига ишониш ва шерикларнинг бир-бирига ишончи;
- фирмани ривожлантириш умумий мақсадига қўшма ҳисса қўшиш мухимлигини тушуниш.

Масалан, Япония ва Жанубий Кореяда компаниялар кишиларга фақат бандлик ва даромадни таъминлаб қолмай, балки ўзини намоён этишга имконият яратади, жамиятда маълум ўринни эгаллашга қўмаклашади, яъни меҳнатни мотивлаштиришни ўзгартиради. Япон фирмаларида иқтидорли мутахассисга унинг ғояларини ривожлантириш ва ҳаётга татбиқ этиш учун маҳсус департамент ташкил қилинган, фирма эса мувофиқ тарзда ўз фаолият доирасини ўзгартирган ёки кенгайтирган ҳоллар маълум.

Бу мамлакатларда бошқарув самарадорлиги асосида дўстона ва жипслашган жамоаларни тузиш ётади. Улар меҳнатни ташкил қилиш ва

ишлаб чиқариш муносабатларининг расмий ва норасмий омилларини қўшиш, менежментнинг унумли усулларини Шимолий Америка типидаги индивидуал маданиятдан фарқли ҳолда фақат раҳбарларнинг ишончи ва ўзаро тушунишига асосланган иррационал фирмалараро алоқалар билан кўшиб уйғунлаштириш ёрдамида ташкил қилинади.

Япон менежменти услубининг американнидан тубдан фарқланишига мисол бўлиб, ишга оид масалаларни секин, уларнинг моҳиятига аста-секин яқинлашиб, муҳокама қилувчи япон бизнесменларининг музокаралар ўтказиш одатини келтириш мумкин. Улар аввал шериклар ўртасида ўзаро тушуниш ва ишончга эришишига, сўнгра асосий муаммоларни муҳокама қилишга ҳаракат қиласди. Шу билан бирга муносиб шериклар ўртасидаги музокараларга ҳукуқшунослар жалб қилинмайди.

Меҳнатни ташкил қилиш ва ишлаб чиқариш муносабатлари бўйича ғарбий мутахассислар ўн йиллаб Осиё, хусусан япон менежменти услубини ўрганадилар. Унга бўлган қизиқиш ҳозирда хам сусаймаган. Хусусан, 1999 йил августда “Экономист интилидженс юнит” тадқиқот маркази чоп этган шархга биноан “Ниссан”, “Тойота”, “Хонда” япон автомобилларини ишлаб чиқарувчилар йилига бир ишчига тўғри келадиган автомобиллар сони бўйича биринчи ўнликка кирган. Масалан, Буюк Британиядаги “Ниссан” компанияси заводи йилига бир ишчига 105 автомобил ишлаб чиқарди, Европада ўртача унумдорлик 52 автомобилни ташкил қиласди. Япон менежмент услубини ўрганиш асосида япон менежменти амалиётига қуйидаги намунавий чора-тадбирлар киради деган хуносага келиш мумкин:


- фирманинг барча ходимлари учун эрталабки бадан тарбия;
- иш вақтида маҳсус кийим;
- ҳар куни консенсус усули билан қарор қабул қилувчи раҳбарлар мажлиси;
- компанияга содиқликни унда ишлаш шарти сифатида тарбиялаш;
- ишчи ва хизматчиларнинг иш вақтидан ташқари ишлашга тайёрлиги билан ишдаги мувафақиятлари учун албатта мукофотлаш;
- ишчилар, менежерлар, компания раҳбарларидан иборат “сифат тўгараклари” ва “нол дефектлар” гурухларининг амал қилиши (бу тўгараклар ва гурухларнинг мақсади – фирма нормал фаолияти учун тўсиққа айланган маҳсус муаммони ҳал қилиш);
- раҳбарлар ва ишчилар учун битта ошхона ва компаниянинг барча ходимлари учун “оилавий” норасмий овқатланишлар;
- департамент раҳбарларида кабинет йўқлиги, улар бўйсунувчиларга меҳнатсеварликни намойиш қилиш учун ўз иш жойини улар билан умумий хонада жойлаштиришни истайдилар;
- меҳнатга ҳақ тўлаш ва хизмат мартабасининг кўтарилишида асосий омил фирмадаги иш стажи ҳисобланади;
- ишга умрбод ёллаш;
- раҳбарларнинг бўйсунувчилар билан одобли муомала қилиши;

- катта омборхоналардан қутулиш ва фирма ходимларини интизомга ўргатиш имкониятини берувчи аниқ муддатда етказиб бериш амалиёти;
- ишлаб чиқариш жараёнида танаффусларни иложи борича камайтириш;
- ишчи ва хизматчилар нафақага чиққанидан сўнг уларнинг барча оила аъзоларига пенсия нафақасини тўлаш.

Японияда ишлаб чиқаришни ва маҳсулот сотишни ташкил этиш хусусиятларига “сого шоша” савдо уйлари ва субетказиб берувчиларнинг катта ролини киритиш мумкин. Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг “сого шоша” тизими Японияда саноатнинг тез тикланиши ва унинг дунё етакчиларидан бири даражасигача замонавийлаштирилишига ёрдам берди. Замонавий япон саноатининг барпо этилиши энг ривожланган мамлакатлар тажрибасини кенг жалб этиш ёрдамида амалга оширилган. У вақтда “сого шоша” ривожланган мамлакатлардан самарали технологиялар ва ускуналарни импорт қилиш, сўнгра эса бошланғич материаллар ва Японияда замонавийлаштирилган самарали машина ва ускуналарни экспорт қилиш каналлари бўлиб хизмат қилди.

90-йиллар ўртасида “сого шоша” га япон экспортининг 40 % дан ортиғи ва импортнинг 70 % га яқини тўғри келди. Жаҳон бозорида “сого шоша”дан ташқари япон ТМКларининг фаолияти кенгайиши тенденцияси кузатилмоқда. Улар ўз ташқи иқтисодий алоқалари, халқаро маркетинг ва ўз сотиш тармоқларини ташкил қилмоқдалар. “Сого шоша” устунликларига: жаҳон бозорлари конъюнктураларини ўрганиш, бутун дунё бўйлаб етказиб берувчилар ва истеъмолчилар билан кенг алоқалар, яхши йўлга қўйилган хорижда сотиш тизими, ички ва ташқи бозорларда товарлар, хизматлар, капиталлар оқимини ташкил этиш тажрибаси, нархлар тизими, маҳсулот сифати, мижозларни билиш ва йўлга қўйилган етказиб бериш схемаси, ўрта ва кичик фирмалар учун ички ва ташқи бозорларга чиқиши шароитларини яратиш киради.

Япония саноатида субетказиб берувчилар фаолияти тизимини схематик равища пирамида кўринишида тасвирлаш мумкин (7-чизма). Масалан, япон автомобилсозлигида пирамиданинг юқори қисмида катта тўртлик – Япониянинг энг йирик автомобил ишлаб чиқарувчи компаниялари – “Ниссан”, “Тойота”, “Мицубиси моторс”, “Хонда”, пирамиданинг ўрта даражасида уларнинг 500 та бевосита субетказиб берувчилари, пастки даражада - субетказиб берувчилардан 20 мингта асосан ўрта ва кичик фирмалар жойлашган.



7-чизма. Япон автомобилсозлигига субетказиб бериш чизмаси

Япон менежмент услубининг афзаликлари бошқа мамлакатларда ҳам намоён бўлди. Масалан, 90-йиллар бошида “яхши дидли, ёш қалбли ва етарли даромадли кишилар учун” автомобиллар ишлаб чиқариш, немис “Порше” компанияси сотувларининг кескин камайиши ва фирма раҳбариятининг ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиши устидан назоратни йўқотиши туфайли банкротлик ёқасига ва мустақилликни йўқотишига қелиб қолди. Қарзларга ботган компанияни Германия автогигантлари “Мерседес-Бенц”, “БМВ” ва “Фольксваген” сотиб олишга тайёр эди.

“Порше” мустақиллигини маъмуриятнинг “ўз камчиликларидан нобуд бўлишдан кўра, ўзга тажриба ёрдамида тузалмоқ афзал” деган ғояси ва “Син гидзюцу” (таржима қилинганда – янги технология) япон маслаҳат фирмаси мутахассисларини таклиф қилиш қарори қутқариб қолди. Япон мутахассислари уч йил ичидаги “Порше”ни қайта қурди. Натижада йиғма конвейер қисқартирилди, бир неча участкалар ва ёрдамчи хоналар йўқолди, заводнинг ҳудудий майдони 30 % га камайди, автомобиль йиғиш суръати эса деярли 40 % га ўсди ва ишлаб чиқариш носозлиги камайди.

Ҳал қилувчи моментлардан бири бўлиб немис интизоми ва педантизми ўрнига япон менежменти томонидан яратилган ижодий муҳит ўрнатилиши хизмат қилди. Мехнат аввалги ускуналарда ўша ишчилар ва муҳандислар ёрдамида амалга оширилмоқда. Ишчи ва муҳандислар япон менежменти таъсирида рационаллаштириш жозибадорлигини англаб, ҳар ойда японлар томонидан замонавийлаштирилган меҳнат жараёнини такомиллаштиришга қаратилган икки ярим мингта таклифлар тақдим қилмоқдалар.

Япон новацияларининг киритилиши амалда менежмент ва бутун ишлаб чиқариш даврини ташкил этиш нуқтаи назаридан янги “Порше” компанияси вужудга келишига олиб келди. “Порше” молиявий қийинчиликлардан кутилди, юқори фойда кўрмокда ва бозорга янги модель – маркетинг таҳмини

бўйича 50 минг долл. баҳосида икки ўринли олти цилиндрли “Бокстер” автомобилини чиқармоқда. Бундан ташқари, бутун тарихи мобайнида илк бор спорт автомобиллари ишлаб чиқаришдан ташқари вездеход ва микроавтобуслар чиқаришни мўлжалламоқда.

Бошқа мисол – АҚШда “Тойота” япон фирмаси ва “Дженерал моторс” америка корпорациясининг қўшма корхонасини ташкил қилиши. “Нью юнайтед мотор мэньюфекчуринг инк.” (НЮММИ) номли қўшма корхона Фримонт шаҳридаги (Калифорния штати) заводда жойлашган. Япониядаги “Тойота” фирмасида, АҚШ да “Дженерал моторс” корпорацияси заводларида ва қўшма Америка-Япония “НЮММИ” корхонасида автомобиль ишлаб чиқаришнинг техник-иктисодий кўрсаткичларини таққослаш АҚШда автомобиллар ишлаб чиқаришга япон менежментининг ижобий таъсирини кўрсатди. Дунёда энг кенг тарқалган япон менежменти усусларининг рўйхати 6-жадвалда берилган.

6-жадвал

Автомобил корпорацияларининг техник-иктисодий кўрсаткичлари

№	Кўрсаткич	“Дженерал моторс”	“Тойота”	НЮММИ
1.	Бир автомобилни йиғиш вақти (с)	31	16	19
2.	Йиғища нуқсонлар сони (100 машинага)	135	45	45
3.	Йиғища фойдаланиладиган майдон (1 автомобилга, кв.фут.)	8,1	4,8	7,0
4.	Омборда бутловчилар захираси (кун)	14	2 соат	2

7-жадвал

Япон менежментининг усуслари

Принцип	Изоҳлаш	Рақобатбардошлик даражасининг ошишига хисса қўшилиши
Ишлаб чиқариш соҳасида		
Аниқ муддатда (Just time)	Етказиб берувчилар бошланғич материаллар ва бутловчиларни буюртмачига керакли ҳажмда ва ўз вақтида етказиб берадилар	Омбор харажатлари қисқаради ва етказиб берилаётган маҳсулот синовларининг зарурати йўқолади
Сифат назорат тўгараклари	Маҳсулотни яхшилаш мақсадида сифат назоратида ишчи ва хизматчиларнинг ихтиёрий иштироки	Жамоа янада жипслашади
Эгилувчан ихтисослашув	Бригада ўзаро алмашувчи ишчилар ва тор ихтисослашув билан чекланмаган	Янги маҳсулот ишлаб чиқаришга ишлаб чиқариш линияларини тез қайта йўлга кўйиши учун шароитлар яратилади – ишлаб чиқаришнинг эгилувчанлиги
Экология соҳасида		

Атроф-мухит мухофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича меъёрларга қатъий риоя қилиш	Меъёрлар ва стандартларнинг аниқ ва конкрет аталиши	Атроф-мухит мухофазасига харажатларни қисқартириш
Инсон ресурслари ва ишлаб чиқариш муносабатлари		
Хизмат бўйича кўтарилиш ва меҳнатнинг бригада усули	Хизмат бўйича кўтарилиш фирмадаги иш стажи билан аниқланади; иш хақи индивидум меҳнати сифатига эмас, балки бригада иш натижаларига боғлиқ	Оммавий ишлаб чиқаришни бошқариш соддалиги. Иш хақи ва хизмат бўйича кўтарилиш осон ўрнатилади ва барчага тушунарли. Барқарор ишлаб чиқариш муносабатлари
Бажариш сифатига қараб мукофотлаш	Чиқарилган маҳсулот сифати ва миқдорига тўғри боғлиқликда хақ тўлаш	Маҳсулот чиқариш камаяди ва иш хақи даражасини аниқлаш соддалашади
Ишлаб чиқаришни такомиллаштириш тўгараклари	Ишлаб чиқариш жараёнини узлуксиз такомиллаштириш. Ишлаб чиқариш ва маркетинг сиёсати уларга ишчилар, мухандислар ва менежерларни жалб қилиш йўли билан амалга оширилади	Ишчилар, мухандислар ва менежерлар ўртасида мустахкам барқарор ишлаб чиқариш муносабатлари ўрнатилади
Ташаббускор ходимлар тўгараклари	Фирма ҳар бир ходимининг ҳар қандай ишлаб чиқаришни яхшилаш тўғрисидаги ёзма таклифлари рағбатлантирилади	Ҳар бир иш жойида меҳнат шароитлари яхшиланади; ишлаб чиқариш жараённида ҳар бир ходимнинг иштирок этиш даражаси ошади
Компания департаментлари автономияси	Компания департаментида қарор қабул қилиш автономияси	Қарор қабул қилишда соддароқ координация, локал муаммоларни тез ҳал қилиш, департамент ходимлари бирлиги ҳиссиётининг мустахкамланиши
Қарор қабул қилишнинг зинасимон усули	Муҳим қарорлар варианtlари мухокамасида ишчилар иштирок этади. Мухокаманинг кейинги босқичи – компания раҳбарияти. Қарор консенсус ёрдамида қабул қилинади.	Қарор қабул қилишдан манфаатдор мухокама иштирокчилари кенгайиши, қарор чиқаришнинг объективлик даражаси ошади
Ишчи ва хизматчилар ротацияси	Ишчи, мухандис ва менежерлар ротацияси 2-3 йиллик давр бўйича компания хорижий филиаллари билан бирга турли департаментлари ўртасида амалга оширилади	Компания турли департаментлари ўртасида ўзаро тушуниш ва ҳамкорликнинг кучайиши. Ходимлар дунёкарашининг кенгайиши. Компания доирасида муаммоларни ҳал қилиши тезлаштириш
Ишга умрбод ёллаш	Компанияга содиклик кучаяди	Ходимлар малака даражаси ошади

Юқорироқ лавозимдагилар учун иш хақи юқори	Тажрибалироқ катта стажли ходимлар юқорироқ лавозимларга күйилади ва юқори иш хақи берилади	Ишчи ва хизматчиларда хизмат бўйича кўтарилиш ва компанияга содикликка мотивациялаш кучаяди
Ишлаб чиқариш бригадаси аъзоларининг кенг ихтисослашуви	Кенг ихтисослашган малакали ишчиларнинг ишлаб чиқариш бригадаси тўла ишлаб чиқариш даврини амалга оширади.	Ҳар бир ходимнинг бир турдаги операцияларини кўп вазифали келишилган меҳнатга алмаштириш йўли билан меҳнат унумдорлиги ошади
Корхонада касаба союзлар	Касаба союзлар доирасида ишчиларнинг менежерлар билан даврий маслаҳатлари	Ишлаб чиқариш муносабатлари яхшиланади, зиддият ва саботаж ҳоллари қисқаради, ишчи ва хизматчилар компания мақсадлари билан бирлашадилар
Бошқаришни ташкил қилиш		
Департаментларга бўлиниш	Бош маъмурият компания ягона стратегияси доирасида автоном департаментларни мувофиқлаштиради	Компанияни бошқариш схемаси соддалашади, ишлаб чиқариш департаментларига алоҳида маҳсулот турлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва такомиллаштириш имконияти берилади
Бизнес - бирликлар	Ҳар бир бизнес – бирлик компания доирасида ўзи келтирувчи фойдаси учун жавобгар	Бошқаришни номарказлаштириш компания юкори раҳбарларини департаментлар даражасида қарорлар қабул қилишдан озод қиласи
Субетказиб берувчилар билан муносабатлар		
Етказиб берувчиларда буюртмачи битта эмас	Субетказиб берувчини танлашнинг бош мезони – унинг маҳсулоти баҳоси. Буюртмачи субетказиб берувчилар ўртасида раҳбатланиради	Етказиб берилаётган хомашё материаллари ва бутловчи маҳсулотларнинг нархлари пасаяди
Алоқалар тизими	Акция пакетларини ўзаро эгаллаш, директорлар кенгашининг умумий аъзолари, ишлаб чиқарувчилар ва дистрибуторлар кооперацияси	Ахборот ва билимлар айирбошлишнинг барқарор тизими
Субетказиб берувчилар билан муносабатлар ривожланишида тенденциялар	Ҳамкорлик ва ўзаро ишонч руҳияти, етказиб берилаётган маҳсулот сифатига ва етказиб бериш муддатларига риоя қилишга кучайтирилган эътибор	Етказиб берувчи - қўшимча билимлар манбай

Осиё менежмент услуби хусусиятини шундай моментлар билан ҳам ифодалаш мумкин. Масалан, Хитойда шерикнинг оғирлигига катта эътибор берилади – ориқларни потенциал муттаҳам сифатида ҳисоблаб, шубҳа билан қарайдилар. Тайванда битим тақдири фирма президентининг ҳашаматли

офисида эмас, балки авлод отаси – қари чол яшайдиган оддий камтар уйчада ҳал қилинади. Гонконгда энг аввало маҳаллий ишбилармонлик дунёсидаги муносабатларда яхши ҳаракат қилишга ёрдам берувчи йўлбошли- фирмани танлаб олиш муҳим.

7.4. Менежмент услубидан қатъий назар ишга доир этикет

Ҳар қандай мамлакатда глобал менежерга қабул қилувчи мамлакатнинг турли маданий ва тарихий хусусиятларига тўғри ва мос келувчи ишга доир этикет асосларига риоя қилиш тавсия қилинади. Бундай асосларга:

- белгиланган ишбилармонлик учрашуви вақтига қатъий риоя қилиш;
- музокаралар бошлашдан аввал ташриф карточкалари билан алмашиш зарур ва ташриф карточкасини узата туриб, ўз номингизни аниқ айтинг;
- музокараларни делегация бошлиғи – компаниянинг энг юқори лавозимили вакили бошлаши керак. Музокаралар пайтида у ташаббусни муҳокама қилинаётган муаммони энг яхши биладиган менежерга бериши мумкин;
- музокара қатнашчиларини жойлаштириш қоидаларига (делегация бошлиқлари одатда бир-бирига қарама-қарши ўтиради) амал қилиш муҳим;
- ўз асосларини баён қилишда фақат таржимон ёки тилни биладиган шахсга мурожаат этмаслик керак;
- ишбилармонлик сұхбатида асосларни аниқ ва ихчам изоҳлаш билан сўзлаш керак;
- музокараларни олиб бориш суръати иккала томон фикрларини тўғри қабул қилиш ва зарур бўлганда аниқловчи саволлар бериш имкониятини бериши керак;
- ишбилармонлик сұхбати имкониятидан тўла фойдаланиш учун ҳар бир томоннинг тадбирлар режасини эътибор билан муҳокама қилиш лозим;
- музокаралар якунида доим шерикларга сизга ажратган вақтлари учун миннатдорчилик билдириш керак;
- ўз офисингизга қайтгандан сўнг учрашувда келишилган ҳаракатларни содир қилишдан ташқари, ҳамкорликка қизиқиши сўсаймаганлигини билдириш учун миннатдорчилик хатини юбориш лозим;
- шериклар саволлари ва талабларига дарҳол жавоб бериш керак. Бу шерик хабарини қабул қилганлигингизни англатади.

Хулоса

Миллий хусусиятлар, яъни маданият, психология, темперамент, анъаналар ижтимоий-иқтисодий масалаларни тушуниш ва ҳал қилиш ҳамда корхоналарнинг самарали фаолияти учун зарур ташкилий шароитларни яратиш усули сифатидаги менежмент услубига таъсир кўрсатади.

Глобал менежмент бўйича мутахассислар ташқи иқтисодий битимнинг қабул қилувчи мамлакатда ҳалқаро менежер фаолиятининг дастлабки

даврида қийинчиликлар туғдириши мумкин бўлган етти асосий элементини ажратадилар: 1) янги хорижий шериклар билан музокаралар муҳити; 2) қабул қилувчи мамлакатнинг маданий ва тарихий хусусиятлари; 3) қабул қилувчи мамлакат мафкураси; 4) бюрократик анъаналар; 5) қабул қилувчи мамлакат қонунчилиги; 6) пул тизимларидағи фарқлар; 7) қабул қилувчи мамлакатда сиёсий ва иқтисодий беқарорлик.

Ғарбий менежмент услуби хусусиятларига фирма ва бизнес алоҳида йўналишлари раҳбарларининг юқори индивидуал масъулияти ва ўзига ишончи киради.

Европа мамлакатлари орасида менежмент услубларида жиддий тафовутлар кузатилади. Осиё бошқарув услубида қуидагилар характерли: “юмшоқ” тузилмаларга урғу бериш, менежерларнинг юқори таълим даражасига, компания стратегик режалари муваффақиятига ишониш ва шерикларнинг бир-бирига ишончи, фирма умумий мақсадига хисса қўшиш хиссиети.

Таянч иборалар

Менежмент услуби, ғарбий менежмент услуби, шарқий менежмент услуби “Сифат тўгараклари”, “Сого шоша” (Sogo Shosha), “аниқ муддатда” (Just in time) шартларида етказиб бериш.

Назорат саволлари

1. Қабул қилувчи мамлакатда халқаро менежер фаолиятининг дастлабки даврида қийинчиликлар туғдириши мумкин бўлган ташқи иқтисодий битимнинг асосий элементларини айтиб беринг.
2. Менежмент услуби деганда нимани тушунасиз?
3. Ғарбий менежмент услугини таърифланг.
4. Осиё менежмент услугини таърифланг.
5. Саноат корхоналарига “Сого шоша” қандай имконият беради?
6. Умумқабул қилинган ишбилармонлик этикасининг асосий талаблари нималардан иборат?

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Пивоваров С.Э., Тарасевич Л.С., Майзель А.И. Международный менеджмент. -С-Пб, 2005.
2. Фуломов С.С. Менежмент. -Т., 2002.

8 - боб. ХАЛҚАРО БИЗНЕСДА КАДРЛАР СИЁСАТИ

- 8.1. Халқаро жамоани бошқариш хусусиятлари**
- 8.2. Қабул қилувчи мамлакатда маҳаллий ходимларни халқаро компания менежменти услугига ўқитиш усуллари**
- 8.3. Халқаро компанияларнинг хорижий филиалларида раҳбарларни тайинлаш стратегияси**
- 8.4. Ходимларни хорижда ишлашга тайёрлаш**
- 8.5. Хорижий филиал штатидаги маҳаллий фуқаро ва мухожирлар**

8.1. Халқаро жамоани бошқариш хусусиятлари

Халқаро менежер одатда бош компания жойлашган мамлакатда ўз нуфузидаги раҳбардан кўра кенгроқ доирадаги мажбуриятларни бажаради. Энг аввало у қабул қилувчи мамлакат шароитларида фаолият кўрсатишга мослашиши хамда ўз корпорацияси активларини йўқотиш имкониятини бартараф қилиш учун, шунингдек қабул қилувчи мамлакат хукумати ёки рақобатчилар хатти-ҳаракатлари сабабли бозордаги ўз улушининг кисқаришига қарши чоралар қўриши керак.

Бундан ташқари, у юқори мартабали хукумат аъзолари билан мулоқотлар олиб боради ва демак, сиёсатчилар ва дипломатларга зарур бўлган қобилиятларга эга бўлиши керак. У ўз хорижий фаолияти ва хусусан қарор қабул қилиш жараёнида ким билан иш олиб бораяпман? хорижий шеригимдан нима кутишим мумкин? деган саволларга жавоб топиш учун хорижий шериклар тўғрисида тўла ахборотга эга бўлиши зарур. Бунда шериклар билан тўғридан-тўғри воситачиларсиз ишбилармонлик муносабатлари ўрнатишга ҳаракат қилиши лозим. Шу билан бирга шериклар, рақобатчилар ва истемолчиларни уларнинг миллатидан қатъий назар жиддий ўрганиш ва улар билан мулоқот қилишда уларнинг балки бошқа маданият анъаналарида тарбия топганлигини назарда тутиши керак бўлади.

Халқаро менежер вазифаларини муваффақиятли бажаришни таъминловчи қобилиятларга қўйидагилар киради:

- хорижий давлат шароитларига тез мослаша олиш;
- халқаро тафовутларни эътиборга олиб, фикрлай олиш ва иш манфаати йўлида уларни енгиш;
- яратувчан ташаббус;
- аввалдан қўзланган режа бўйича ҳаракат қилиш;
- хорижий шериклар билан мулоқотда эгилувчанлик ва компания манфаатларини ҳимоя қилишда қатъият;
- соф виждонлилик;
- қабул қилинувчи қарорларнинг тўғрилиги;
- кутилмаган вазиятларга ҳозирлик;
- берилган имкониятлардан энг яхши вариантини танлаш имконияти;

- тадбиркорлик;
- ҳамкорликка интилиш;
- узоқ муддатли лойиҳаларни амалга оширишга интилиш;
- мақсадга интилувчанлик;
- мулоқотга осон киришиш;
- чет тилини билиш;
- жамоада ишлаш ва ишонтира олиш;
- чет элликларнинг урф-одатлари ва маданиятига сабрли бўлиш;
- руҳият мустаҳкамлиги;
- яхши умумий саломатлик;
- оиласда яхши муносабатлар;
- фикрни тез жамлай олиш ва ҳаракатларга тайёр бўлиш;
- иерархик тузилма, яъни ҳар бир бўйсунувчи битта раҳбарга эга тузилма ўрнига келувчи матрициали бошқарув тизими шароитларида ишлай олиш;
- хорижда ишлаш истаги.

Глобал менежер халқаро иқтисодий муносабатларни амалга оширишда икки асосий омил: 1) ташки иқтисодий алоқаларнинг объектив зарурати; 2) турли мамлакатлардан шериклар учун бу алоқаларнинг ўзаро манфаатдорлиги ва иқтисодий самараси билан аниқланишини билиши мухим. Бунда барча вазиятларда шериклар ўртасидаги муносабатлар тенг ҳукуқлилик принципига асосланиши керак.

Хорижда жамоани бошқаришда менежер корхона фаолиятида маҳаллий ходимларнинг малакаси ва узоқ муддатли стратегияни ҳисобга олган ҳолда фирманинг энг унумли тузилмаси фаолият юритиши тизими, меҳнат услуби, штат жадвалини татбиқ қилиш навбатини аниқлаб олиши мухим.

Глобал менежер қабул қилувчи мамлакатларда инсон ресурсларини бошқаришда қўйидаги фарқларга дуч келади:

1) Меҳнат бозорларидағи сифат тафовути – ривожланаётган мамлакатларда паст малакали ишчилар ва индрустриал мамлакатларда юқори малакали ходимлар мавжуд. Юқори даражадаги ишсизликка эга қабул қилувчи мамлакатда халқаро компаниянинг хорижий филиали штатини бутлаш одатда осонроқ.

2) Ишчи кучи кўчишининг муаммолари - ҳукуқий, иқтисодий, жисмоний ва маданий тўсиқлар.

3) Бошқарув усули ва амалиёти – ишчилар ва маъмурият ўртасида ўзаро муносабатларнинг ижтимоий меъёрлари. Ирқи, жинси, дини, келиб чиқишига қараб камситилишига йўл қўйиб бўлмаслик. Шу билан бир вақтда қабул қилувчи мамлакатда жорий қилинган бажарилган иш сифати ва миқдорига кўра ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш принципларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

4) Байналмилал йўналганлик, яъни тор миллий йўналиши персонал тафаккурини кенг кўламда компания фаолиятининг юқори самарадорлигига эришишга қаратган ҳолда шакллантириш.

5) Назорат - қабул қилувчи мамлакат ҳудудий йироқлиги ва шароитлар хусусиятлари бош компаниянинг хорижий филиали персоналини назорат қилишни қийинлаштиради.

6) Касаба уюшмалари билан муносабатлар - барча давлатларда стандартларни унификациялаш тенденцияси тобора яққол намоён бўлиб бораётганлигига қарамай, турли мамлакатларда меҳнат хавфсизлиги меъёрлари бир-биридан фарқ қиласди. ТМК хорижий филиаллари билан жамоа шартномалари муҳокамасида касаба уюшмаларининг ўрни заифлашган, чунки ТМК бўйсуниш механизмларининг мураккаб тизими, ишлаб чиқаришнинг халқаро диверсификацияси ва корхоналарни иш жойлари билан бирга хорижга олиб чиқиш хавфини қўллади. Шу билан бирга ТМК корхоналарида меҳнат шароитлари кўпинча маҳаллий касаба уюшмалари қоидалари назарда тутган даражадан юқори бўлади. Турли мамлакатларда инсон ресурсларини бошқаришнинг барча тафовутларида асосий принципга - ишчи ва хизматчилар онгига компаниянинг самарали фаолиятидан манфаатдорликни тарбиялашга риоя қилиш зарур.

8.2. Қабул қилувчи мамлакатда маҳаллий ходимларни халқаро компания менежменти услугига ўқитиш усуллари

Ҳар бир халқаро компания қабул қилувчи мамлакатда ТМК филиаларида ишлаш учун маҳаллий персонални ўқитиш бўйича ўз дастурлари ва усулларига эга. Халқаро компания ихтисослашувига кўра бу дастурлар ва усуллар қуйидагилардан иборат.

Меҳнат жараёнида иш жойида ўқитиш. Таълим олувчи мутахассис ўз мамлакатида корхона фаолияти шароитларида менежмент услубини ўзлаштириш учун халқаро компаниянинг тажрибали менежери билан бирга меҳнат қиласди.

Хорижда ўқитиш. Халқаро компания хорижий филиалининг маҳаллий мутахассислари бош компания жойлашган мамлакатга ёки бошқа хорижий филиаллар жойлашган қабул қилувчи мамлакатларга ўқишига юборилади. Масалан, “ИБМ” (АҚШ) корпорацияси қабул қилувчи мамлакатлар мутахассисларининг ҳар бирини ўз йўналиши бўйича тайёрлашни таъминлаш учун Европада учта марказ ташкил килган. Туркияда “ИБМ” марказида маркетинг бўйича мутахассислар, Бельгияда – компания ишлаб чиқариш бўлинмалари менежерлари, Буюк Британияда – юқори бошқарув менежерлари тайёрланади.

Менежмент марказларида ўқитиш. ТМК МВАнинг тўлиқ дастури бўйича ўз менежерларини тайёрлаш учун ўқув юртларига маблағ ажратади.

Дастурлар бўйича ўқитиши. ТМК курсларида ўз дастурлари бўйича ўқитиши ташкил қиласди. “ИБМ” корпорациясида, масалан, маркетинг бўйича мутахассис ёки электрон-ҳисоблаш тизимларига кафолатли хизмат кўрсатиш бўйича муҳандисларни ўз дастурлари бўйича ўқитиши бир йил давом этади. Бундан ташқари “ИБМ”да корпорация дастурлари бўйича доимо малака ошириб бориш қабул қилинган. Малака оширишга иш вақтининг 5 % ажратилади, корпорация хорижий филиаларида сотиш бўйича маҳаллий мутахассислар эса маҳсулот ассортиментини мунтазам кенгайтириш ва замонавийлаштиришга боғлиқ ҳолда йилда бир ой мобайнида малака оширишдан ўтади.

Ишдан сўнг кечки ўқитиши. Кўп ТМКлар қабул қилувчи мамлакатда маҳаллий ходимларни халқаро компания менежменти услугуга кечқурун ишдан ташқари соатларда ўқитишини таъминлайди.

ТМК хорижий филиаллар ходимларининг самарали фаолиятини рағбатлантириш мақсадида менежернинг хорижда ходимларга таъсир ўtkазишининг муҳим воситалари қўйидагилар ҳисобланади:

1. Етакчилик – қабул қилувчи мамлакатда менежер хизматчиларининг меҳнат ва турмуш шароитлари - уларнинг иш хақи, яшаш шароитлари, ишлаб чиқариш ва оилавий муносабатларини ҳисобга олишини назарда тутади. Бу қабул қилувчи мамлакатда турмуш даражаси, маданият даражаси ва динга боғлиқ. Турли вазиятларда менежер учун бу мамлакат тарихи ва маданиятини билиш, унга қизиқиш билдириш ва тилини ўрганиш, урфодатлар, қонунларни хурмат қилиш ва ўз қўл остидагилари ҳақида қайғуриши фойдалидир.

Айрим халқаро компаниялар ўз хорижий филиаллари ходимлари билан ижтимоий фикр сўровлари қўринишидаги “тескари алоқа каналлари”дан фойдаланади. Сўровлар йилда 1-2 марта жавобларнинг яширинлиги кафолатланган ҳолда ўтказилади. Филиал ходимларига бериладиган анкетада халқаро компания ва унинг хорижий филиали фаолиятининг барча томонлари, компаниянинг умумий ҳолатидан тортиб, конкрет ходимнинг иш хақи даражаси ва иш жойида меҳнат шароитларидан қониқиши билан боғлиқ саволлар берилади. Охирги саволлар гурӯҳи бевосита бошлиқни баҳолашни таклиф қиласди. Менежер учун сўров натижалари бўйича ишончсизликдан кўра фақат йиллик маҳсулот сотиш режаси бажарилмаслиги ёмон бўлиши мумкин. Сўров натижалари таҳлилидан сўнг юзага чиқсан муаммоларни бартараф қилиш бўйича чоралар ишлаб чиқилади.

2. Мотивация кўп жиҳатдан бўйсунувчиларнинг психологияси ва фикрлашига боғлиқ. Ривожланган давлатларда мотивация манбалари кўпинча ходимларни хурмат қилиш, уларнинг юқори малакасини тан олиш, уларнинг ташаббус кўрсатиши учун шароитлар яратиш ҳисобланади. Масалан, Германияда юздан ортиқ фирмаларда сўров ўтказиш натижалари ходимларни мотивациялашнинг асосий омиллари бўлиб, уларга юқори малакали мутахассисларга хурмат кўрсатишнинг намоён бўлиш шакллари

хизмат қилишини аниқлади. Иш хақи омили бор-йўғи олтинчи ўринни эгаллади. Ривожланаётган давлатларда кўпинча мотивациянинг дастлабки воситалари – бир томондан, моддий рафбатлантириш, иккинчи томондан, интизомий чоралар таъсири кузатилади.

3. Коммуникация ходимлар жамоасида ахборот, ғоявий мазмун, ишонч ва кайфият узатилишини ўз ичига олади. Бунда тил ва психологик тўсиқларни ҳисобга олиш зарур. Айниқса хорижий филиал ва бош компания ўртасида ишончли алоқа ва ўзаро тушуниш ўрнатилиши муҳим. Электрон алоқада замонавий илмий-техник ютуқлар халқаро корпорациялар ходимларининг бир-бирини тушунишига тезроқ эришишда улкан масофа ва соат фарқларини босиб ўтиш имкониятини беради.

4. Назорат ТМК тизими амал қилишида барча хорижий филиаллар харажатлари калькуляциясида, ишлаб чиқариш жараёнлари самарадорлиги ва тижорат фаолияти натижаларининг таҳлилида айниқса муҳим.

8.3. Халқаро компанияларнинг хорижий филиалларида раҳбар лавозимларни тайинлаш стратегияси

Халқаро компанияларнинг хорижий филиалларида раҳбар лавозимларни тайинлаш стратегиясида уч турдаги, яъни этноцентрик, полицентрик ва геоцентрик йўналиш фарқланади.

Этноцентрик йўналиш хорижий филиаллар фаолиятини бошқаришда бош компания устунлигини таъминлашга кучли интилиш мавжуд бўлган халқаро корпорациялар учун характерли. Бундай корпорациялар қабул қилувчи мамлакат иқтисодиётига чуқур кириб боришнинг мақсадга мувофиқлигига шубҳа билан қарайдиган ходимлар ва раҳбарларни хорижий филиалга юборади. Улар хорижий филиалга бош компаниянинг менежмент услугини ва унинг фаолият юритиш тажрибасини кўчирадилар.

Полицентрик йўналиш қабул қилувчи мамлакатнинг шароитлари хусусиятларини максимал даражада ҳисобга олиш ва шу мамлакатда фаолият юритиш шароитларига маҳаллий ходимлар, шу жумладан раҳбар лавозимлардан ҳам кенг фойдаланиш орқали мослашишга интилевчи корпорацияларнинг стратегияси учун характерли.

Геоцентрик йўналиш бир мамлакат манфаатларини бошқаларидан юқори қўймайдиган ва муаммоларга байналмилад ёндашадиган корпорацияларда қўлланилади. Хусусан, хорижий филиал юқори раҳбарияти таркибига ўз мамлакатидан ташқари иш тажрибасига эга турли миллат вакиллари киритилади. Корпорациянинг хорижий филиали раҳбарига қўйиладиган асосий талаб – касбий яроқлилик ва умумий менежментнинг бошқариш компетентлиги кўрсаткичи сифатида юқори даражаси ҳисобланади.

Бу уч йўналишдан раҳбар лавозимларга тайинлаш стратегиясининг иерархия аспектида фойдаланиш мумкин. Масалан, халқаро корпорация

хорижий филиалини бош компаниядан юборилган менежер бошқаради, қуи даражаларда эса қабул қилувчи мамлакатнинг миллий мутахассислари ишлайди. Бундай кенг тарқалган комбинация хорижий филиалнинг бош компания билан мустаҳкам алоқасини таъминлайди ва шу билан бирга хорижий филиал фаолиятида қабул қилувчи мамлакат шароитларини ҳисобга олиш имкониятини беради.

8.4. Ходимларни хорижда ишлашга тайёрлаш

Кўпгина халқаро компанияларда хорижда ишлаш учун ходимларни танлашга катта эътибор берилади. Хорижда ишлаш учун номзодлар ва уларнинг оила аъзолари стресслар, мулоқот қилиш бўйича психологик тестлардан ўтказилади ва қасбий билимлари баҳоланади. Хорижда ишлаш учун барча оила аъзоларининг хоҳиши ва хорижий маданиятни осон қабул қила олиши зарур ҳисобланади. ТМКларнинг кўпчилиги халқаро менежерларни хорижда ишлашга йўналтиришга катта маблағ сарфлайди, яъни қабул қилувчи мамлакатнинг тарихи, анаъаналари, ишбилармон шерикларни баҳолаш, хорижий корхоналар фаолияти ва уларнинг тузилмаларини ташкил қилиш масалаларини чукур ўрганишни ташкил қиласди. Халқаро компаниянинг хорижий филиали менежери хорижда корхона ташкил қилиш лойиҳасини ўрганишга иложи борича тезроқ киришиши зарур бўлиб, бу лойиҳанинг вазифалари, маркетинг хусусиятларини яхши ўзлаштириш ва қабул қилувчи мамлакатда инвестиция иқлими тўғрисида тўпланган ахборотни баҳолаш имконини беради.

Глобал менежернинг қабул қилувчи мамлакатда шериклар билан яхши шахсий муносабатлари ривожланиши учун доимийлик зарур, яхши муносабатлар эса ўз навбатида ишга доир мустаҳкам алоқаларга олиб келади. Халқаро компаниянинг хорижий филиали маҳаллий шериклар билан бевосита боғланган ходимларни алмаштиришдан йироқ бўлиши зарур. Бу принципнинг аҳамиятини географик жойлашув ва маданиятлар фарқланиши кучайтиради.

Хорижий филиал менежерини тайинлашда унинг қабул қилувчи мамлакатда шериклар билан узок муддатли ҳамкорлигини ҳисобга олиш тавсия қилинади. Бундай йўналишдаги харажатлар ўзини оклади, чунки хорижда ишлашга ходимларни танлашда хато қилиш корпорацияга қимматга тушади.

Хорижий филиал менежери лавозимига номзодларни танлашда халқаро ташкилотлар кадрлар департаментлари баъзан бу лавозимга дайвогарларнинг қасбий малакасини баҳолаш, рақобат карталарини тузиш усулидан фойдаланади. Рақобат картасининг ҳар бир пункти балларда баҳоланади; бунда кўп балл тўплаган номзод ғолиб ҳисобланади.

Халқаро менежер лавозимига номзодлар қасбий малакасини баҳолаш рақобат картаси қуйидаги кўринишга эга:

Профессионал қобиляйтлар	Баҳолар балларда
Вазиятни таҳлил қилиш қобиляти	...
Концептуал қобиляйтлар	...
Яратувчан ташаббус	...
Режа бўйича ҳаракат қилиш қобиляти	...
Хорижий шериклар билан муносабатда эгилувчанлик	...
Мақсадга йўналганлик	...
Мулоқотга киришувчанлик	...
Чет тилини билиш	...
Оғзаки нутқ	...
Жамоада (хорижликларни ўз ичига олган) ишлаш қобиляти	...
Ёт анъаналар ва маданиятларга сабрли бўлиш	...
Психологик барқарорлик	...
Умумий саломатлик ҳолати	...
Оиласига ҳолати	...
Оиласига муносабатлар	...
Кутилмаган вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлик	...
Хорижда ишлаш истаги	...
Жами баллар	...

Хорижий компанияларда ишлаш учун юборилаётган ходимларга уларни рағбатлантириш мақсадида бош компанияда мартаба ўсиши кафолати берилади ва зарур бўлганда унинг оиласига ёрдам беришда муаммолар туғилмайди. Кўпгина халқаро компанияларнинг хорижий филиалларида узок муддат ишлашга юборилаётган ходимлар учун қуидаги чора-тадбирлар ўтказилади:

1. Хорижга энг малакали кадрлар юборилади, улар қайтгандан сўнг корпорация департаментларида ишлашга қўйилади.

2. Хорижга юборилувчиларга юқори даражадаги раҳбарлар “химоячилар” сифатида бириткирилади, улар ўз “фарзандлари”нинг бош компаниядаги мартабасини ошириш билан боғлиқ барча манфаатларини химоя қиладилар;

3. Хорижга жўнатилаётган ҳар бир ходимга қайтгандан сўнг ўзи қолдираётган лавозимга teng ёки ундан юқорироқ лавозимни эгаллаш хукуқини берувчи хужжат топширилади;

4. Бош компания хорижга юборилаётган ходимларга молиявий ёрдам беради. Хорижда яхши меҳнат қилиш нисбатан юқори даражада тўловлар олиш имкониятини бериши лозим. Европа ТМКлари масалан, хорижда ишлаётган ходимларга уларнинг оила таркиби, шунингдек иш билан боғлиқ нокулайликларига боғлиқ равишда қўшимча тўловлар таъминланади. Шу билан бир вактда япон ТМКлари тмонидан ҳафтасига 500 долл. маош олувчи хорижий филиал менежерлари учун уларнинг оиласи харажатлари, яшаш

жойи ижараси учун қўшимча тўловлар берилади, уларнинг таътили учун ҳақ тўланади, шунингдек йил охирида улар бошқараётган хорижий филиал фойдасига қараб мукофот берилади.

5. Ходимни хорижга юборишнинг мажбурий шартларидан бири бош компаниянинг мураккаб вазиятларда хорижий филиаллардаги хизматчилариға ёрдам беришга тайёрлиги ҳисобланади. Хорижда тез тиббий ёрдам, табиий оғатлар, урушлар, инқилоблар каби муаммолар айниқса сезиларли.

Одатда хорижга юборилаётганлар билан сұхбатлар ўтказилиб, унда компаниянинг қабул қилувчи мамлакатга нисбатан сиёсати ва у ҳақидаги маълумотлар билан таништирилади. Компания хорижга юборилаётган ходимлар ва уларнинг турмуш ўртоқлари учун қабул қилувчи мамлакат тили бўйича машғулотлар ташкил қиласди. Шу мамлакатдан қайтиб келган ходимлар билан учрашувлар ўтказилиб, уларда қабул қилувчи мамлакатда турмуш шароитлари муҳокама этилади. Масалан, кўпгина корпорацияларнинг Японияда ишлаш учун ходимларни тайёрлаш дастурларида шундай тавсияномалар берилган:

1. Япон тилини билувчи ходимлар япон шерикнинг талаблари ёки истаклари аниқлигига шубҳаланса, дарҳол таржимон хизматларига мурожаат қилиши лозим.

2. Япон фирмалари билан музокараларда ҳуқуқшуносни фақат охирги имконият сифатида жалб қилган маъқул, чунки япон ишбилиармонлик амалиётида музокараларда ҳуқуқшунос иштироқи шерикларнинг бир-бирига ишончсизлигини билдиради.

3. Музокараларда юморни унутиш лозим: японлар бизнесда доимо жиддий.

4. Учрашувларга вақт ажратиш лозим, чунки япон фирмалари бюджетида ишбилиармон шериклар билан тушлик ва кечки овқатланиш учун катта маблағ ажратилади.

Глобал менежерларнинг хорижий фаолияти бош компанияда вақти-вақти билан уларнинг ҳисботларини тинглаш ва ҳисбот натижалари бўйича уларнинг ишини баҳолашни назарда тутади. Хорижий филиаллар менежерлари ҳисботини ташкил қилиш ва улар фаорлиятини баҳолашнинг характерли хусусиятлари қуидагича:

1. Ҳар бир ТМКда хорижий филиаллар менежерлари фаолиятини баҳолаш мақсадлари ва корпорацияда менежер хизмат мартабасининг хорижда ишлаш натижалариға боғлиқлиги кўрсаткичлари аниқланган.

2. Одатда, халқаро компанияларда халқаро менежерлар фаолиятини баҳолашнинг маълум мезонлари қабул қилинган.

3. Хорижий филиаллар менежерлари ҳисботлари даврийлигини аниқлашда бош компанияларнинг кадрлар департаментлари халқаро менежер қобилиятини намоён қила олиши мумкин бўлган етарли вақтни назарда тутади.

4. Халқаро менежерлар ҳисоботларини баҳолаш натижалари бош компанияда одатда етарлича эгилувчан ва менежернинг халқаро компания тизимида хизмат бўйича кейинги кўтарилишига реал таъсир этади.

Хорижга сафар корпорация ходими психологиясига жиддий таъсир кўрсатиши, унинг хулқ-атвори, қарашларини шундай ўзгартириши мумкинки, натижада бош компания фалсафаси унга ёт бўлиб қолади, олинган билимлар ва кўнилмалар эса (тил, мулоқот, интеллектуал даража) хориждан қайтиб келгандан сўнг талаб қилинмай қолади, яъни ходим реинтеграцияси содир бўлади. Бундай менежерлар чет элда узоқ давом этган меҳнатдан сўнг ўз юртида ўзини худди ажнабийдек ҳис қиласди.

Баъзан, реинтеграция оиласи муносабатларга путур етказади, масалан, хорижда ишлаш учун узоқ муддатга юборилган шахс у ерда оила қурган тақдирда, қабул қилувчи мамлакатда туғилган болалар ўз мамлакатига қайтиб келгандан сўнг улар учун умуман нотаниш мухит ва маданиятга дуч келади. Айрим ҳолларда ота-оналар ўз фарзандларини бу мухит билан яхши танишира олмайдилар. Ота-онадан бири (кўпинча рафиқаси) қабул қилувчи мамлакат фуқароси бўлса, бош компания мамлакатига келганда чет элликка айланади ва юқоридаги ҳолатни янада мураккаблаштиради.

Бундай ҳолатлар хорижда узоқ вақт ишлаган менежерлар учун уларни қайта тайёрлаш имкониятини берувчи маҳсус реинтеграция дастурларини ташкил этиш заруратини туғдиради. Байналминал фаолиятга йўналтирилган замонавий менежмент нуқтаи назаридан халқаро компаниялар олдида қайтиб келган ходим ва унинг оиласига ижтимоий қайта мослашишни таъминловчи бундай дастурларни амалга ошириш масаласи туради.

Халқаро компания инсон ресурсларидан кенг кўламда фойдаланганда бу муаммо айниқса мухим аҳамият касб этади.

8.5. Хорижий филиал штатидаги маҳаллий фуқаролар ва мухожирлар

Бош компания у ёки бу концепцияга хайриҳоҳлигига боғлиқ ҳолда ўз хорижий филиаллари штатини факат қабул қилувчи мамлакат маҳаллий фуқаролари ёки кўп миқдордаги мухожир (экспатриант) лар - бош компания жойлашган давлат миллиати ёки учинчи давлатлар миллатига мансуб кишиларни ҳисобга олган ҳолда шакллантиради. 90-йилларда халқаро корпорациялар хорижий филиал штатига ва ҳатто раҳбариятига асосан қабул қилувчи мамлакат фуқароларини жалб қилиш тенденцияси намоён бўлди.

Халқаро корпорациялар хорижий филиаллари раҳбариятини қабул қилувчи мамлакатларнинг маҳаллий фуқароларидан шакллантириш афзалликлар билан бирга камчиликларга ҳам эга. Биринчидан, маҳаллий фуқаролар хизмати халқаро корпорацияларга мухожирлар хизматидан кўра арzonроқ ва уларни командировка қилиш билан боғлиқ бюрократия

тадбирлари ва харажатларни чеклаб ўтиш имконини беради. Бундан ташқари кўпгина қабул қилувчи мамлакатларда хорижда касбий тайёргарликдан ўтган бухгалтерлар ва хуқуқшунослар хизматидан фойдаланиш имконини бермайдиган хуқукий талаблар мавжуд.

Халқаро корпорацияга маҳаллий имиджни ташкил қилиш учун (хорижий компанияларга ёмон муносабатлар ўрнатилганда ёки “маҳаллий маҳсулотларни харид қилинг” фикрини тарқатиш ва х.) фойдали вазиятлар мавжуд. Бундан ташқари маҳаллий раҳбарлар узоқ муддатли лойиҳаларга йўналган бўлади, мухожирлар эса кўпинча корпорациянинг узоқ муддатли лойиҳаларига зид равишда қисқа муддатли мақсадларни кўзлади.

Маҳаллий кадрлар минтақавий ишлаб чиқариш шароитлари, миллий истеъмолчилар талабиларини яхшироқ биладилар ва баъзан ҳукумат доираларида бевосита алоқаларга эга бўладилар. Маҳаллий мутахассислардан фойдаланиш қабул қилувчи мамлакат фуқароларига уларнинг давлат манфаатларига хизмат қилувчи хорижий корпорациялар билан ҳамкорлик қилиш имконияти мавжудлигини кўрсатади. Бундан ташқари маҳаллий фуқароларни ёллаш қабул қилувчи мамлакат ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланади ва рағбатлантирилади.

Мухожирларнинг хизматидан фойдаланиш уларнинг техник билими, бошқарув тажрибасини маҳаллий ходимларга ўргатиш қобилияти ва бош компания томонидан хорижий филиал фаолиятини қатъий назорат қилишга асосланади. Шу билан бирга улардан фойдаланиш компанияга қимматга тушади.

Колумбия университети олимлари ўтказган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, маҳаллий мутахассисларнинг иш ҳаки, уларнинг уй-жой харажатлари, улар маъмурий хоналар ва транспорт харажатлари бош компания мутахассисларига нисбатан камроқ. Масалан, Малайзияда хорижий филиалнинг АҚШдан юборилган бошқарувчисини таъминлаш қиймати америка ТМКси учун йилига 200 минг долл.га teng, маҳаллий бошқарувчи ёлланганда эса 20 минг долл.га teng бўлади.

Хуроса

Халқаро менежер бош компания жойлашган мамлакатда ўз даражасидаги раҳбардан кўра одатда кенгроқ доирадаги мажбуриятларни бажаради. Халқаро менежер ўз вазифаларини муваффақиятли бажариши учун хорижий давлат шароитларига тез мослаша олиши, иш манфаати йўлида халқаро тафовутларни енга олиши, хорижий шериклар билан мулоқотда эгилувчанлик ва компанияси манфаатларини химоя қилишда қатъиятликни кўрсата олиши ва шу каби бир қатор бошқа зарурий қобилиятларга эга бўлиши лозим.

Глобал менежернинг қабул қилувчи мамлакатда инсон ресурсларини бошқариши бош компания жойлашган мамлакатдагига қараганда бир қатор фарқларга эга.

Ҳар бир халқаро компания қабул қилувчи мамлакатда маҳаллий персонални ТМК филиаларида ишлиши учун ўқитиши дастурлари ва усулларига эга. Кўпгина халқаро компаниялар хорижда ишлаш учун ходимларни танлашга катта эътибор беради. Бунинг учун номзодлар ва уларнинг оила аъзолари стресслар, мулоқот қилиш бўйича психологик тестлардан ўтказилади ва касбий билимлари баҳоланади.

Халқаро компаниялар хорижий филиаллар раҳбариятини қабул қилувчи мамлакат фуқароларидан шакллантириш жуда муҳим.

Таянч иборалар

Этноцентрик йўналиш, полицентрик йўналиш, геоцентрик йўналиш, реинтеграция, экспатриантлар, рақобат картаси.

Назорат саволлари

1. Халқаро менежернинг мажбуриятлари доирасига нималар киради?
2. Халқаро менежер қандай қобилиятларга эга бўлиши керак?
3. Қабул қилувчи мамлакатда маҳаллий ходимларни ўқитишида қандай усуллар мавжуд?
4. Хорижда ходимларга таъсир кўрсатиш хусусиятлари нимадан иборат?
5. Халқаро компаниялар кадрларни хорижда ишлаш учун қандай тайёрлайдилар?
6. Рақобат картаси нима?
7. Ходимлар хорижда ишлаш учун қандай рағбатлантирилади?
8. Халқаро компания хорижий филиали штатини қабул қилувчи мамлакат маҳаллий фуқароларидан шакллантиришнинг афзалликлари ва камчиликлари нимада?

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Пивоваров С.Э., Тарасевич Л.С., Майзель А.И. Международный менеджмент. -С-Пб, 2005.
2. Внешнеэкономическая деятельность: Учебник. /Под ред. Б.М. Смитиенко, В.К.Поспелова. -М., 2002. – 304 с.
3. Кузьмина Т.И. Международный менеджмент. Управление в международных компаниях. -М., 2004.

9-боб. ХАЛҚАРО МЕНЕЖМЕНТ ТИЗИМИДА ИНСОН РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ

9.1. Халқаро фирмада инсон ресурсларини бошқариш хусусиятлари

9.2. Хорижий корхоналарни бошқариш шакллари

9.3. Хорижга ишга юбориладиган ходимларнинг баъзи шахсий тавсифлари

9.4. Мехнат бозоридаги фарқлар

9.1. Халқаро фирмада инсон ресурсларини бошқариш хусусиятлари

Хорижий филиалларга эга кўпгина фирмалар кадрлар сиёсати билан боғлиқ бир қатор муаммоларга дуч келади. Халқаро корпорацияларда инсон ресурсларини бошқариш бўйича турли ёндашувларнинг мавжудлигига қарамай, уларнинг аксарият қисми белгиланган мақсадларга эришиш ҳамда хорижда корхонанинг иқтисодий ривожланиши учун юқори малакали ходимлар мухим аҳамиятга эга лигини эътироф этади. “Саноат конференцияси кенгаши” номли тадқиқот ташкилоти корпорациялар президентлари ўртасида дунёдаги ўзгаришлар жараёни ва уларни бошқариш муаммоларига бағишланган ўзаро мулоқот ўтказди. Мулоқотда “Юнилевер” корпорациясининг раиси: “Биз учун ягона ва энг асосий масала ташкилот ва инсонлардир”, - деди.

Ташкилот штатини тўлдириш жараёнида малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олиш лозим. Ҳар бир фирма фаолиятини юқори малакали кадрлар ва ёлланма ходимларга бўлган эҳтиёжни аниқлашдан бошлиши зарур. Куйида мамлакатдаги халқаро операциялар миқёсида инсон ресурсларини бошқариш фарқларини кўрсатувчи омиллар келтирилган.

1. Мехнат бозорининг хилма-хиллиги. Ҳар бир мамлакатда ишчи кучи таркиби ва унга қилинадиган харажатлар ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, трансмиллий компаниялар турли мамлакатлар ишчи кучи бозорига эркин кира олиши туфайли бундан фойда кўриши мумкин. Масалан, АҚШнинг “Дженерал моторс” корпорациясининг Мексикада жойлашган ёрдамчи корхонасида асосан малакаси кам ишчилар ишлайди, “АЙ-Би-Эм” корпорациясининг Швейцариядаги илмий тадқиқот бўлимида, аксинча, юқори малакали физик мутахассислар ишлайди. Компаниялар хорижий ресурс ва бозорларга кирганида, улар ишлаб чиқаётган бир турдаги маҳсулот меҳнат бозорларида мавжуд тафовутлар таъсирида турлича бўлиши мумкин.

2. Ишчи кучи ҳаракатининг муаммолари. Ишчи кучининг бошқа мамлакатга кўчиши жараёнида инсонлар олдида ҳуқуқий, иқтисодий, жисмоний ва маданий тўсиқлар вужудга келади. Трансмиллий компаниялар,

аксинча, бу жараёндан, айниқса, меңнат бозоридаги тафовутлар зарур мутахассисликтар етишмөвчилигини олиб келганды катта фойда оладилар. Бундай вазиятларда кўпинча компанияларда кадрларни танлаш ва тайёрлаш, иш ҳаки тўлаш ва ходимларни рағбатлантириш, уларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш бўйича ўз услугиятларини ишлаб чиқишига тўғри келади.

3. Бошқариш услуби ва тажрибаси. Бошқариш услубига турли мамлакатларда турлича ёндашилади. Ишчилар ва маъмурият ўртасидаги муносабатларнинг амалдаги ижтимоий меъёрларини бунинг тасдиғи сифатида кўрсатиш мумкин. Шунга ўхшаш тафовутлар бош фирма ва унинг филиаллари ходимлари ўртасидаги муносабатларда кескинлик туғдириши ёки бошқарувчи ишининг мамлакатдаги меңнат унумдорлигига нисбатан хориждаги фаолияти самарасини пасайтириши мумкин. Айни вақтда ходимларни бошқаришнинг миллий хусусиятлари билан танишиб чиқиш бир мамлакат доирасидан иккинчи мамлакатга ижобий тажрибаларнинг ўтишига имкон беради.

4. Миллий ўёналиш. Гарчи компаниялар мақсадлари қаторида кенг микёсда юқори самара ва рақобатга эришиш вазифаси кўрсатиб ўтилган бўлса-да, аслида унинг ходимлари (ишчилар ҳам, бошқарувчилар ҳам) глобал эмас, балки миллий манфаатларга кўпроқ урғу беришлари мумкин. Ходимлар билан ишлашнинг айрим усуллари тор миллий мослашувни четлаб ўтишга ёрдам бериши мумкин.

5. Назорат. Худудий жиҳатдан олислик ва хорижий фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари каби омиллар назорат олиб боришда қийинчилик туғдиради. Шу боис хорижий ишлаб чиқариш бошқарувини таъминлаш учун компанияларнинг айрим ҳолатларда кадрлар сиёсатининг аниқ белгиланган тамойилларига риоя қилиши талаб қилинади. Лекин масофавий олислик ва мамлакат хусусиятлари компания маъкул топган кадрлар сиёсатини олиб бориши мураккаблаштириши мумкин. Бу ўз навбатида турлича сиёсат олиб боришга мажбур қиласи.

9.2. Хорижий корхоналарни бошқариш шакллари

Инглиз тилида сўзлашадиган инсон халқаро бизнесда муваффақият қозонмоқчи бўлса, қайси хорижий тилни ўрганиши лозим? Бу кўпроқ иш берувчининг қайси мамлакатда бизнес билан шуғулланаётгани ҳамда инсон қаерда фаолият олиб бормоқчи эканлигига боғлиқдир. Шунга қарамай, Америка фирмалари ходимларининг 1990-2010 йиллар оралиғида қайси хорижий тил энг муҳим бўлиши тўғрисидаги фикрлари ўрганилганда, респондентларнинг 44 %и испан тили, 33 %и эса япон тили энг асосий тил бўлади, деб жавоб берган. 1 %дан кам фоиз олмаган бошқа тиллар орасида француз тили (8 %), хитой тили (6 %), немис тили (5 %) ва рус тили (1 %) мавжуд.

Компаниянинг хориждаги филиалининг раҳбари мустакил ишлай олиш

қобилиятига эга бўлиши керак, чунки хорижда кўпгина вазифалар харажатларни қисқартириш мақсадида бекор қилинган. Менежер фирманинг штаб-квартирасида мутахассислардан зарур маслаҳат олиш учун бошқа хонага ўтиши ёки телефонда кўнғироқ қилиши мумкин, филиалнинг раҳбари эса кўпроқ ўз фикри ва шиҷоатига суюниши лозим.

Бош фирма ходимлари хорижий хизмат сафарларида филиал раҳбарлари сингари вақтинча оилаларидан узоклашишлари билан бир қаторда турли муаммоларга дуч келишлари мумкин. Гарчи бош фирманинг кўпгина лавозимларида хизмат сафарларига, шу жумладан, хорижий хизмат сафарларига чиқиш кўзда тутилган бўлса-да, , шанба ва якшанба кунлари ўз оиласига келиб кетиш имконияти мавжудлиги туфайли маҳаллий хизмат сафарлари учун узок туюлмайди. Халқаро бизнес билан шугулланувчи бир тадбиркор бу вазиятни ҳазил билан шундай тасвирлаб берган:

“Қачон хизмат сафарига боришини ва қачон қайтишини олдиндан режалаштира олмайсан. Туғилган кунларда иштирок этиш, томошалар, юбилей маросимлари ёки оилавий байрамлар ва бошқа тадбирларга бориши сенинг ҳаётингда қоида эмас, балки камдан-кам содир бўладиган воқеага айланиб қолади. Сен сафарда бўлган чоғингда, қарзларни қайтариш муддати яқинлашиб қолиши, кредит карточкаси бўйича ҳисобларни олиб келишлари, уйдаги ускуналар ишдан чиқиши, фарзандинг касал бўлиб қолиши, солиқ назоратчиси текшириш учун келиши, турмуш ўртоғинг эса сен билан ажрашиш тўғрисида ариза бериши мумкин”.

Хорижий операцияларда кадрлар жойини ўзгартириш. Халқаро фирмалар бошқарув ходимларини одатда маҳаллий фуқаролар ва экспатриантлар (хориждан келган кадрлар)га бўлишади. Экспатриантлар ўз навбатида келиб чиқиш мамлакати фуқароларига ва учинчи давлат фуқароларига бўлинади. Хорижий филиалларда бош компаниядаги сингари бошқариш лавозимларининг катта қисмини хориждан кўчиб келганлар эмас, балки маҳаллий фуқаролар эгаллайди. Юқори малакали маҳаллий кадрлар этишмовчилиги сезилганда мухожир(экспатриант)лар таклиф этилади. Масалан, Саудия Арабистони каби мамлакатларда шундай ҳол кузатилади.

Ҳаракатчанлик. Миллатидан қатъий назар кўпгина кишилар, айниқса, улар доимий ёки жуда узок муддатга тайинланган бўлса, бегона давлатга бориб ишлашни истамайдилар. Кўпгина ҳолатларда компаниялар хорижга боришини ҳоҳламайдиганлар учун шароит яратиш мақсадида иш жойларида янги бўлинмалар барпо қилишга мажбур бўлади. Масалан, маҳаллий кадрларнинг бош штаб-квартира жойлашган давлатга боришини рад этиши, корпорацияларнинг илмий текшириш лабораторияси ва худудий идораларни хорижда қуришига сабаб бўлади. Раҳбарлар бошқариш лавозимига ходим танлаганда экспатриант меҳнатидан фойдаланиш қийматини ҳам ҳисобга олиши лозим. Одатда фирмаларга экспатриантларнинг хизмати, маҳаллий бошқариш ходимларирига нисбатан қимматга тушади. Мамлакат ташқарисида профессионал тайёргарликни олганлар учун юрист ва бухгалтерлик

хизматларидан фойдаланишга йўл қўймайдиган лицензия талаблари каби хукуқий тўсиқлар, шунингдек иммиграция чекловлари ҳам мавжуд. Хукуматнинг йўриқномалари фавқулодда ва тез-тез ўзгариб туриши туфайли фирмалар етарлича аниқ бўлмаган шароитда ишлайди.

Маҳаллий рақобатбардошлиқ. Маҳаллий шароитларга мослашиш қанча қийин бўлса, фирмалар учун маҳаллий кадрлардан фойдаланиш шунча самарали бўлади, чунки улар маҳаллий шароитларни яхшироқ тушунадилар. Бу заруратнинг келиб чиқишига атроф-муҳитнинг ноёб характери, божхона тўсиқлари, кучли маҳаллий рақобатчилар ёки манфаатли буюртмачиларнинг мавжудлиги сабаб бўлиши мумкин.

Маҳаллий имидж. Хорижликлар назорат қилаётган нарсаларга рақиблик муносабатлари мавжуд бўлса, баъзан фирма учун маҳаллий имиджни яратиш фойдалидир. Маҳаллий раҳбарлар «жонкуяр ватанпарварлар» сифатида қабул қилинади, бунда улар маҳаллий манфаатларни компаниянинг глобал мақсадларидан устун қўядилар, деган тахминга асосланади.

Маҳаллий ходимларни рағбатлантириш. Маҳаллий кадрларни ёллаш тарафдорлари маҳаллий кадрларнинг хизмат поғоналаридан тез кўтарилиш имкониятларини самарали меҳнатни рағбатлантирувчи омил деб ҳисоблайдилар. Бу кадрлар етарлича рағбатлантирилмаса, бошқа фирмаларга мурожаат қилишлари мумкин деб ҳисоблашади. Қарши бўлганларнинг фикрича эса, юқори малакали кадрларнинг хизмат лавозими ўсишини уларнинг миллатидан қатъий назар чеклаш. хизматчилар мотивациясига салбий таъсир кўрсатади.

Узоқ муддатли мақсадлар. Филиалга ишга ўтказилган хизматчилар, одатда у ерда бир неча йил бўлишни тахмин қилиб, маҳаллий раҳбарларга нисбатан хорижий филиалдаги хизмат даври ичидаги амалга ошира олиш учун қисқа муддатли лойиҳаларга интиладилар. Шу сабабдан, корпорациянинг филиалида узоқроқ муддатда ишлайдиган маҳаллий раҳбарлар кўпроқ узок муддатли мақсадларга эришиш эҳтиёжига эга бўлишлари мумкин.

Экспатриантлар хизматидан фойдаланишга сабаблар. Экспатриант-раҳбарлар халқаро фирмалар раҳбарларининг камчилик қисмини ташкил этишига қарамасдан, дунёда уларни кўплаб учратиш мумкин. Экспатриантлар хизматидан фойдаланишга асосий сабаб баъзида техник тайёргарликни талаб қилувчи лавозимларга маҳаллий номзодларни топишнинг қийинлигидан иборат. Одатда, бу шу давлатнинг ривожланганлик даражаси билан боғлиқ, шунинг учун саноати ривожланган давлатларда экспатриантлар камчиликни, ривожланаётган давлатларда эса кўпчиликни ташкил этади. Бундан ташқари, бош фирма жойлашган мамлакатда ишлаб чиқилган технологияни хорижий филиалларда жорий этишда юқори малакали кадрлар керак бўлади.

Бошқарув ходимлари малакасини ошириш. Кўп миллатли корпорациялар барча ходимларда корпоратив тизим тушунчасини ҳосил

қилиш учун хорижликларни ўз мамлакатидаги бош компанияга ёки унинг худудий бўлимларига жўнатади, маҳаллий кадрларни эса хорижга юборади. Ихтисослашган фаолият мамлакатлар бўйича тақсимланган баъзи фирмаларда, бошқарувчида бирлашган ёндашувни ривожлантиришнинг ягона йўли хорижга узоқ муддатга хизмат сафарига жўнатишdir. Хорижга жўнатиш бошқарувчида турли ижтимоий тизимларда ишлаш қобилиятини ривожлантириши мумкин ва шунинг учун бош фирма ёки унинг хорижий филиалларида юқори лавозимларни эгаллаш учун яхши тайёргарлик бўлади.

Назорат. Кўп миллатли компаниянинг ташкилий ривожланишини мувофиқлаштириш ва филиалларда ишлаб чиқариш фаолиятини назорат қилиш учун ходимларни қисқа муддатли хизмат сафариларига жўнатиш ва бир ишдан бошқа ишга қўчириш кўлланади. Бу мақсадларга бош фирмадан хизмат сафарига юборилгандарнинг барча нарсаларни умумфирма ҳолати билан баҳолашга одатланишига лавозимларни тез-тез ўзгартириш ва тизим ҳақида билим олиш имкониятини бериш орқали эришилади. Бош фирма ва филиаллар ўртасида тажриба ва кадрлар алмашиши йўли билан янги корпоратив маданият вужудга келади. Бу фирма олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишини назорат қилиш воситаси бўлиши мумкин.

Келиб чиқиши ва учинчи мамлакатларнинг кадрлари. Технология, маҳсулот ва жараёнларни амалга оширишдаги янгиликларнинг кўпчилиги бош фирмада вужудга келади ва кейинчалик хориждаги филиалга юборилади. Экспатриантларни хорижий филиалларда ишлатиш кўпинча уларнинг янги услубларни жорий этиш истаги билан характерланар экан, бош фирмада ишлаш тажрибасига эга ходимлар (одатда бош фирма жойлашган мамлакат фуқаролари) шу талабларга жавоб беради. Бироқ, учинчи мамлакат кадрлари экспатриантларга қараганда баъзан юқорироқ техник ва шахсий кўнималарга эга. Масалан, АҚШ компанияларидан бири Перудаги заводни бошқариш ва лойиҳалаштириш учун маҳаллий бошқарувчилар тайёр бўлгунга қадар америкалик мутахассислардан фойдаланган. Бир неча йилдан кейин компания Мексикада ўлчами, маҳсулот кўрсаткичлари ва бошқарув базаси бўйича Перудаги заводга ўхшаш заводни куришга қарор қилди ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда режалаштириш учун Мексикага мослашувчан ва испан тилида сўзлашадиган перулик мутахассисларни жўнатди.

9.3. Хорижга ишга юбориладиган ходимларнинг баъзи шахсий тавсифлари

Техник билим. Маҳаллий кадрлар хорижликларга кўпинча салбий муносабатда бўлади. Уларнинг фикрича, хорижликлар уларга қараганда паст малакали ҳамда юқори иш ҳақи оладилар. Бошқарувчилар, экспатриант-менежерлар ва маҳаллий менежерларнинг фикрича, хорижий филиалга хизмат сафарига юборилганда яхши меҳнат қилиш қобилияти асосий

муваффақият омили ҳисобланади. Аммо хорижда муваффақиятли ишлаш учун бошқа қобилиятлар ҳам муҳим. Экспатриант, энг аввало, бош фирма томонидан бериладиган техник талабларни яхши билиши лозим.

Бундан ташқари у хорижий хусусиятларга, масалан, эскирган ускуна ва иншоотлар, меҳнат унумдорлигининг бошқа меъёрлари, фирмада ресурсларнинг самарали тақсимланмаслиги, кредитлар олишдаги қийинчилик ва оммавий алоқа воситаларидан фойдаланишининг чекланганлиги кабиларга мослаша олиши зарур. Экспатриант филиалда қабул қилинадиган қарорларни корпорациянинг глобал меъёрларига мос келиши учун корпорациянинг глобал сиёсатини яхши билиши лозим. Шу сабаблар туфайли бошқарувчилар филиални бошқаришга юборилишдан аввал бош фирмада бир неча йиллик иш тажрибасига эга бўлиши керак.

Мослашувчанлик. Фирмалар экспатриантларни танлаб олишда факат техник билим мезонига эътибор бермасдан, янги маданиятга мослашувчанлик қобилиятининг уч томонини ҳам ҳисобга олиши зарур:

1. Ўзини тутиш қобилияти, масалан, кескин вазиятни енгиллаштириш қобилияти, ўзига ишонч бўлиши зарур.

2. Маҳаллий кадрлар билан қониқарли муносабатларни ташкил қилиш қобилияти.

3. Экспатриантларнинг барча нарсани тўғри қабул қилишларига ёрдам берувчи билим олиш қобилияти.

Агар менежерда ушбу қобилиятлардан бири бўлмаса, у вазифасини яхши бажара олмаслиги мумкин.

Хорижга юборилган оиласалар атроф-муҳитга мослаша олмаганлиги туфайли уйга қайтишга мажбурлиги ёки турмуши ёмонлиги тўғрисида турли фикрлар мавжуд. Фирманинг байналмиллашуви хизмат сафари бўйича бевосита сарфлар ва натижаларга эришиш мақсадидаги харажатларнинг юқори бўлишини назарда тутади. Хорижий хизмат сафарлари ходим ёки унинг оиласи шароитга мослаша олмаслиги сабабли оилавий ҳаёт тарзини бузади. Айниқса ривожланаётган мамлакатларда менежерларга катта эҳтиёж мавжудлиги шароитида оиланинг янги шарт-шароитларга мослаша олмаслиги кўп учрайди.

Хизмат сафари туфайли оила ўз турмуш тарзини, одатларини ўзгартириши, янги ижтимоий тизим ва иш юритишнинг нотаниш усулларига кўниши лозим. Бундан ташқари инсонни қўллаб-қувватлайдиган яқин дўст ва қариндошлари ватанида қолади. Лекин бошқа давлатдаги ҳаётга осон мослашувчи инсонлар ҳам мавжуд. Шу сабабли хизмат сафарига юбориш зарурати туғилганда худди шундай инсонларни танлаш мақсадга мувофиқ. Баъзи фирмаларда хорижда ишлаш тажрибасига эга маҳсус гурухлар мавжуд бўлиб, улар хорижга юборилади.

Аниқ муддатли ва муддати кўрсатилмаган хизмат сафари инсонларга турлича таъсири кўрсатади. Ходимлар хизмат сафарининг тугаш муддатини билсалар, ишни тезроқ уddyалайдилар.

Маҳаллий мухитнинг таъсири. Экспатриант шахсий хусусиятларидан қатъий назар маҳаллий мухитнинг салбий таъсирига учраши мумкин. Масалан, менежернинг обрўси тан олиниши учун муддат зарур, экспатриантга эса хизмат сафари муддати етмаслиги мумкин. Кўпинча маҳаллий ходимлар хорижликларга яхши лавозим берилган ва кўпроқ иш ҳақи тўланади деб ўйлайдилар. Хорижий бошқарувчи фирманинг умумий мақсадларига эришиш учун нотаниш қарорни қабул қилиши мумкин. Агар бунга хорижликларга нисбатан салбий муносабатлар қўшилса, экспатриантнинг ишни муваффақиятли бажариши қийинлашади. Шунинг учун айрим номзодлар хорижга юборишда умуман иштирок этмайди. Масалан: Жанубий Африкада қора танли менежер, Ливияда – яхудий, Японияда – жуда ёш аёл, Саудия Арабистонида – бошқарувчи аёл, чунки улар иш олиб боришда жиддий муаммоларга учраши мумкин.

Компаниялар ходимларни хорижга юборишда маҳаллий шартшароитларни кўзда тутади, деб хисоблаш мумкин. Масалан, аёлларга бўлган муносабатлар қуидагича характерланиши мумкин:

- аёллар эркакларга буйруқ бермаслиги керак;
- аёллар ўта ҳиссиётларга берилган, уларнинг ўрни уйда;
- буюртмачилар улар билан ишлашни хуш кўрмайдилар;
- қўл остидагилар уларни жиддий қабул қилишмайди;
- улар оғир соҳаларда ишлай олмайдилар;
- улар турмуш ўртоғининг хизмат мартабасини бузишни истамайдилар.

Шуларга асосланиб, фирмалар баъзи ҳолатларда хорижий филиаллар бошқарувига аёлларни тайинлайди. Лекин ўз мамлакатидан ташқарида ҳамма ишни уddaрайдиган аёллар ҳам мавжуд. Аммо, улар саноат ишлаб чиқариши соҳасида эмас, балки Япония, Таиланд ва Ҳиндистон каби давлатларда хизматлар кўрсатиш соҳасида кўп учрайди. Чунки бу давлатларда уларни, аввало, хорижий фуқаро, кейин эса аёл сифатида қабул қилишади. Хорижда аёл бошқарувчилар маҳаллий аҳоли томонидан ижобий қабул қилиниши учун баъзи тавсияномалар ишлаб чиқилган. Унга кўра ёши катта, олий тоифали, хизмат поғонасида бир неча марта кўтарилиган ва шулар натижасида катта мавқега эга бўлган аёлларни танлаш маслаҳат берилади. Маҳаллий раҳбариятга аёл номзоднинг юқори малакаси тўғрисида олдиндан ахборот бериш ва бошқарувда маҳаллий аёллар ишлаб турган жойга тайинлаш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари унинг ташқи мухитга мослашиб олиши учун хизмат сафари узоқ муддатга эга бўлиши керак.

Хизмат сафаридан сўнг юзага келиши мумкин бўлган (репатриация) муаммолар. Узок муддатли хизмат сафаридан қайтгандан сўнг асосан уч хил муаммо пайдо бўлади: шахсий молиявий ҳолат, корпорациядаги ўзгарган шароитларга қайта мослашиш, ўз мамлакатидаги ҳаётга мослашиш.

Хизмат сафарига жўнатилган экспатриантлар хорижда қатор молиявий

имтиёзларга эга бўлишади, улар энг яхши районларда яшashi, уларнинг болалари энг яхши хусусий мактабларда таълим олишлари мумкин, улар юқори табақа ҳисобланиб, аввалгидан кўпроқ пул жамғаришлари мумкин. Лекин ўз мамлакатига қайтиши билан юқори ҳаёт тарзи йўқолади. Баҳолашларга кўра хориждагидек ҳаёт тарзини таъминлаш учун уларнинг меҳнат ҳақини 1,5 баробар кўпайтириш лозим. Қайтиб келгандан сўнг кўпгина ходимлар ҳамкаслари юқорироқ мансабга эришганинг гувоҳи бўладилар. Бундан ташқари ижтимоий мавқенинг тушиши натижасида унинг оила аъзолари мактаблар ва бошқа ижтимоий соҳаларга қайта мослашиши анча оғир бўлади.

Хорижда бошқарув ишига тайинлаш ходимнинг лавозим бўйича кўтарилишига турлича таъсир кўрсатиши мумкин. Хорижий хизмат сафарида бўлганларнинг фикри ва юқори мавқега эга бошқарувчиларнинг хизмат бўйича кўтарилишига қараганда хорижда ишлаш узоқ истиқболда ходимнинг хизмат бўйича кўтарилишига жиддий таъсир кўрсатмайди. Лекин хорижий хизмат сафарининг мансаб кўтарилишига салбий ва ижобий таъсирига оид кўпгина мисоллар келтириш мумкин. Шахсий фарқлардан ташқари компаниялар бўйича ҳам фарқлар мавжуд бўлиб, улар фирманинг умумий фаолиятида хорижий бизнеснинг роли, ички ва халқаро фаолиятнинг ўзаро таъсири, бош фирма ва филиаллар ходимлари ўртасидаги алоқа каби омилларга боғлиқ бўлади.

“Дженерал Моторс” (ДМ) компаниясида халқаро меҳнат тажрибаси мансаб бўйича силжишга қандай таъсир қилишини қўйидагиларда кўриш мумкин. ДМ компаниясининг фақат учта юқори бошқарувчиси АҚШдан ташқаридаги корхоналарда узоқ муддатли хизмат сафарида бўлган. Бошқарув ходимларининг 83 % и ҳеч қандай халқаро меҳнат тажрибасига эга бўлмаган ҳолда хизмат поғонасидан кўтарилиши эса бу тажрибанинг мансаб бўйича силжишга таъсир этмаслигидан далолат беради.

Шунга қарамасдан, бу ҳолат ДМ хорижда муваффақиятга эришишига тўсқинлик қилмади. Бу корпорация АҚШнинг энг катта экспортчиларидан бири бўлиб, унинг маҳсулотлари хорижда, айниқса Буюк Британияда ва Германияда етарли даражада рақобатбардош. Унинг ички ишлаб чиқаришни диверсификациялашга қаратилган ташкилий ва кадрлар сиёсати умумкорпоратция стратегияга тўлалигича мос келади. Шундай бўлса-да, 1989 йилда ДМ ҳар йили ўртacha мавқедаги америкалик менежерларни 3-12 ойлик муддатга хорижга жўнатиш тўғрисида қарор қабул қилди. 1990 йилда эса бу муддат 20 ойгача етди.

Лекин жуда кам менежерлар хорижий меҳнат тажрибасига эга эканлигидан қатъий назар йирик компаниялар бошқарувида юқори поғонага чиқадилар. Хорижий бўлимларига эга бўлган компаниялар фаолияти хорижий филиалларда ишлайдиган ва иш фаолиятининг катта қисмини хорижда ўтказадиган халқаро тоифадаги менежерларнинг малакасига боғлиқ. Улар одатда бош компанияда юқори бошқарув мансабига эга бўлмайдилар,

лекин кўпгина ҳолларда улардан кўпроқ масъулият ва иш ҳақига эга бўладилар.

Бошқа компанияларда эса компания раҳбариятининг кафиллигига қарамай, хорижга ишчиларни хизмат сафарига жўнатиш юқори қалтисликка эга. Ушбу муаммоларга холисона баҳо бериб “Форд” компаниясининг вице-президентларидан бири шундай деган эди: “Форд” компаниясининг кўпгина ходимлари учун (бошқарувнинг ўрта ва ундан юқори поғонасида) чет элга ишга юбориш уларнинг иш фаолияти учун салбий оқибатларга олиб келади”. Бу ҳолатга икки нарса сабаб бўлиши мумкин. Биринчидан, хизмат сафаридан қайтган ходимнинг фирма бўлимларида яхши лавозимда ишлаши ҳақида ҳеч ким қайғурмайди. Хорижда ишлаётганида унинг ўрни бўш қолмайди, қайтганидан сўнг унинг ўрнини эгаллаган ходимни ишдан бўшатиб бўлмайди. Иккинчидан, у юқори мансабларга эга бўлиш имкониятлари ҳақидаги маълумотлар билан таништириб борилмайди.

Чет элдаги филиаллардан қайтган ходимларнинг иш фаолияти билан боғлиқ муаммолар юзага келганида, шу ходимларни хорижда ишлашга ун DAGАНЛАР учун қўшимча қийинчиликлар келтириб чиқаради. Баъзи компаниялар ходимларнинг иш фаолияти учун хавф-хатар мавжудлигини тан олади ва ходимнинг хорижга ишга кетишини жуда юқори моддий рағбатлантиришга тайёр. Бу муаммони ечиш учун кўпгина компаниялар ходим иш фаолиятини режалаштираётганда хорижга хизмат сафарларини олдиндан қўриб чиқади ва бош компанияда ходимнинг ҳуқуқларини ҳимоя қиласиган раҳбарлар (кураторлар) муассасасини ташкил қиласидар. Баъзи фирмалар ходим хизмат сафаридан қайтганда аввалги лавозимидан паст бўлмаган ишга эга бўлиши ҳақида ёзма кафолат ҳам (“Доу Кемикл” компанияси) беришади. Компаниялар хорижда ишга тайинланмаган ходимларнинг келажакда маълум лавозимга эга бўлишларига кафолат бермайди.

Бош компанияга ишга жўнатиладиган маҳаллий кадрлар бошқа муаммога дуч келишади. Агар бу ходимнинг филиалдаги лавозимини кўтариш деб қаралса, у ҳолда бош оғисга ишга ўтиш доимий бўлиши ҳам мумкин.

Экспатриант (эмигрант)ларга ҳақ тўлаш. Агар Американинг бирор компанияси Буюк Британиядаги филиалидаги йилига 50 минг АҚШ долл. иш ҳақи оладиган молия бўлими бошлигини Италияга ишга жўнатса (у ерда валюта курси бўйича унинг иш ҳақи йилига 60 минг АҚШ долл.га тўғри келади), унга Италияда қанча ойлик белгилаши керак бўлади? Ёки италиялик ходим Англияга жўнатилса, унга қанча иш ҳақи бериш керак? Қайси валютада: доллар, фунт-стерлинг ёки лирадами? Қайси давлатнинг меҳнат қонунчилиги бу ҳолларда амал қиласиди? Қандай қўшимча имтиёзлар кўлланилади? Бу ходимларни хорижга ишга юборишдаги муаммолардан айримлари ҳисобланади. Фирма бир томондан харажатларни ошириб юбормаслиги, иккинчи томондан эса ходимни рағбатлантириб туриши лозим.

Ходимнинг хорижда ишлаши учун зарур компенсациянинг шакли ва миқдори ходимнинг шахси ва аниқ давлат орқали аниқланади. Хорижга фақат битта ходимни юборадиган компаниялар ҳар бир ҳолат учун алоҳида компенсация миқдорини белгилашлари керак. Компания ишлаб чиқариш фаолиятини хорижда кенгайтиришда ҳар бир иш ҳақини алоҳида белгилай олмайди. У ҳолда бир турдаги ишга турлича иш ҳақи оладиган иккита ходим тўғри келиб қолиши мумкин, бу эса тенгсизликка олиб келади. Хизмат сафарига юборишнинг келишилган шакли ишлаб чиқилмас экан, баъзи ходимларга уларни чет элга жўнатишга кўндириш учун кўпроқ ҳақ тўланаверади.

Яшаш харажатлари. Хорижга кетадиган кишилар учун яшаш харажатлари кўпайиб кетади. Бу асосан уларнинг маълум бир ҳаёт тарзига ўрганганлигидан келиб чиқади, яъни янгича шароитда бундай ҳаёт тарзи қимматга тушиб кетади ва уни ўзгартириш осон бўлмайди. Бошқа сабаблар эса спорт билан шуғулланмаслик, баъзи озиқ-овқатларни харид қилишни тўхтатиш, баъзи байрамларни нишонламаслик, ўз она тилидаги теледастурлардан маҳрум бўлиш ёки фарзандларининг хорижда ўқишига мажбур бўлишидан иборат. Янги маданиятга кўнишиш каби руҳий муаммолар ҳам мавжуд. Бу каби ўзгаришларга кўнишиш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда компаниялар кўпгина ходимларнинг иш ҳақига устамалар тўлашади.

Баъзи жойларда яшаш шароитлари оғир бўлиб, масалан, иқлимининг ёмонлиги ёки атроф-муҳитнинг соғлиққа заарарлиги, сиёсий ҳолатнинг бекарорлиги ходим ва унинг оиласига хавф түғдиради. Охириги вақтларда баъзи гуруҳлар турли давлатларда хизмат сафаридаги ходимларнинг болаларини ўғирлаши ва пул талаб қилиши кўп учрамоқда. Пул талаб қилиш мақсадида болаларни ўғирлаш ва терроризм каби иллатлар компанияларни нафақат ноқулай яшаш шароитлари учун устама ҳақ тўлаш, балки ходимлар болаларининг ўғирланишидан суғурталашга ҳам мажбур қилиб қўйди. Бундан ташқари компаниялар ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини бу тарздаги хавф-хатарларга тайёр туришини маълум қилди. Жабрланган оилалар компанияларнинг пул тўлаб, кутқариб олиш пайтидаги музокараларда нотўғри йўл тутганларидан арз қилишди, акциядорлар эса пулни тўламасликни талаб қилишди.

Валютани танлаш. Одатда экспатриантларга иш ҳақи маҳаллий ва маълум миқдорда ўз давлати валютасида тўланади. Бу унга ўз миллий валютасида жамғаришга имкон беради, ҳамда иш ҳақининг шу қисмидан солиқ тўлашдан озод бўлади.

Узоқ ҳудудлар. Кўпгина йирик халқаро лойиҳалар шунчалик узоқ ҳудудларда амалга ошириладики, КМК у ерда қулай шароитларни яратмасдан ёки бошқа рағбатлантиришларсиз ишлашга тайёр ходимларни топиши қийин. Масалан “Локхид Эйркрофт” компанияси америкалик ишчилари учун Саудия Арабистонида шахсий телерадиостанция яратган.

“ИНКО” фирмаси эса АҚШлик мутахассислари учун Индонезияда мактаблар, касалхоналар, черковлар, супермаркетлар, гольф ўйини учун майдонлар, яхта клуби, мотеллар ва ресторанлар қуриб берган.

КМКнинг бошқа жойларга қараганда узок худудлардаги экспатриант-ходимларга нисбатан муносабати бирмунча бошқачароқ бўлади. Курилишга ва обеъктларни ишга туширишга кўпроқ ишчиларни жалб қилиш учун КМК одатда қисқа муддатли шартномаларни юқори ҳақ эвазига таклиф этади ва зарур бўлган ишчи кучининг кўп қисмини четдан жалб қиласди. Кўпчилик кишилар бу таклифларга улар учун нокулай шароитлар мавжуд бўлса ҳам рози бўладилар, чунки бу таклиф улар учун қисқа муддатда пул жамғаришга имконият яратади.

Коллеж битирувчиларининг танлови. Халқаро компаниялар хорижий корхоналар жойлашган мамлакатда қобилиятили кишиларни танлаш мақсадида АҚШ ва бошқа мамлакатлар университетларининг битирувчилари билан танишиб чиқадилар. Лекин бундай ёндашув ўз камчиликларига эга, чунки бундай корхоналарда етарли иш малакасига эга кадрлар етишмайди. Ёш ходимларнинг малакаси ошган сари уларни юқори лавозимларга кўйишади. Бу ҳолат корхоналарнинг экспатриантларга бўлган эҳтиёжини камайтиради. Ушбу компаниялар ўз юртдошларини керакли техник малакага эга бўлмагунча АҚШда жойлашган корхоналарига ишга ёллайдилар.

Бир қанча компаниялар кадрларни хисобга олиш тизимини марказлаштиради, бу тизим ҳам маҳаллий, ҳам хориждаги кадрларни ўз ичига олади. Улар ҳақида нафақат техник ва демографик маълумотлар, балки чет тилларни билиш қобилияти, чет элда ишлашга тайёрлиги ва мослашиш қобилияти бўйича тестларнинг натижалари мавжуд.

Мослашувчанлик қобилиятини баҳолаш. Компаниялар ходимларнинг мослашувчанлик қобилиятига қараганда техник қобилиятларига кўпроқ эътибор берадилар. Узок муддатли хорижий хизмат сафарлари бўйича мослашувчанлик қобилиятини баҳолашга ахамиятни кучайтириш зарур. Масалан, мамлакат ичидаги лавозимларининг ўзгариши оқибатида кўчишларга яхши мослашган ёки халқаро ташкилотларда иш малакасига эга бўлган ходимлар хориждаги иш шароитларига ҳам яхши мослашадилар.

Бундан ташқари айрим компаниялар тест усулларидан бири бўлган “Бошланғич идентификация дастури”дан фойдаланиш орқали у ёки бу шахснинг маълум шароитга мослашиш қобилиятини баҳолайди. Бошқа тестлар ёрдамида кишининг ўз хулқ-атворини ўзгартиришга тайёрлигини кўрсатувчи шахсий хусусиятлари баҳоланади. Бундай тестларга «Миннесота кўп марталик шахсни баҳолаш», «характер қирраларини Жуилфорд-Циммерман бўйича аниқлаш” ва “Элл-Порт-Вернон қимматликларни аниқлаш тизими”ни мисол сифатида келтириш мумкин. Жуда кам компаниялар хизмат сафарига кетаётган ходимларнинг турмуш ўртоқлари билан тестлар ва сухбатлар ўтказади. Чунки хизмат сафарига кетаётган

ходимга нисбатан унинг оила аъзолари учун янги шароитларга ва мұхитга мослашиши қийин кечади. Ходимнинг бошқа давлатга ишга юборилиши лавозим күтарилишидир, лекин унинг аёли учун у ерда меҳнат фаолиятини янгидан бошлиши керак бўлади. Ўз дугоналари ва оила аъзоларидан ажралиш аёли учун ёлғизликни олиб келади. Айрим компаниялар хорижда меҳнат фаолиятини юритиш учун ходимларни танлаш ва тайёрлашнинг мураккаб тартибидан фойдаланадилар. Бу жиҳатларнинг таҳлили танлов тартибининг мураккаблиги ва мослашувчанлик ўртасидаги ижобий боғлиқликни кўрсатади.

Ёллашдан кейинги тайёргарлик. Кўпгина ходимлар компаниянинг айрим мамлакатдаги мақсадларини унинг глобал мақсадларидан устун қўяди, ёки халқаро операцияларни амалга ошириш борасида етарли тайёргарликка эга бўлмайди. Ёндашувлардан бири ходимларни хорижда ишлаш, хусусан тил ва давлатни ўрганиш учун маҳсус тайёрлашни ўз ичига олади. Бошқа ёндашув эса халқаро бизнес курсларини университетларда менежерларни тайёрлаш жараёнига киритишни назарда тутади.

9.4. Меҳнат бозоридаги фарқлар

Чет давлатларда ишлаб чиқаришни йўлга қўяётган компаниялар маълум қоидалар асосида шу давлатда кечаётган жараёнга қараб маҳсулотларнинг иккиласи турларини ҳам ишлаб чиқаради. Компанияга зарур бўлган мутахассислар аввалги тажрибалардан аниқланади. Ушбу тажрибадан келиб чиқиб, компания ҳар бир ходим қайси мансабни эгаллаши лозимлиги ҳақида тасаввур ҳосил қиласди.

Оптимал технологиялар. Хориждаги филиалларда, айниқса ривожланаётган давлатларда ташкилий тузилишдан нусха қўчириш борасидаги уринишлар хавф-хатарлар келтириб чиқаради. Биринчидан, иш ҳақи юқори даражада бўлган давлатда кўл меҳнатини ускуналар билан алмаштиришнинг иқтисодга ижобий таъсири ишчи кучи ортиқча бўлган мамлакатда заар келтириши мумкин. Ишлаб чиқаришнинг меҳнат талаб усули юқори ишсизлик муаммосини ва оддий халқ норозилигини юмшатишига хизмат қиласди.

Кўпгина мунозарачилар тасдиқлашича, кўп миллатли компаниялар кўп ҳолларда меҳнат сифимли эмас, капитал сифимли ишлаб чиқаришни ташкил қиласди, бу эса ривожланаётган мамлакатлардаги ишсизлик муаммосини ҳал этишга ёрдам бермайди. “Оптимал технологиялар” атамаси маълум мұхитда фойдаланиш учун мақсадга мувофиқ бўлган технологияни англатади. Бу тушунча саноати ривожланган мамлакатларда рентабел ҳисобланган технологияга нисбатан ривожланаётган мамлакатларда меҳнатталаб технологияни англатади. Шубҳасиз, саноати ривожланган давлатларда ишлаб чиқариш базасини ташкил этиш тенденцияси инсонлар меҳнатини тежашга қаратилган.

Иичи кучининг халқаро ҳаракатчанлиги даражаси. Кўпгина саноати ривожланган давлатларда ишчи кучи етишмовчилиги муаммоси мавжуд бўйиб, у четдан иммигрантлар оқими ҳисобига ҳал этилади. Биз халқаро миграция билан боғлиқ аниқ ахборотларга эга эмасмиз, чунки кўп сонли иммигрантлар ноқонуний йўллар билан кириб келади. Бироқ айрим маълумотларга кўра Иордания, Яман, Покистон ва Миср каби мамлакатлар ишчиларининг ўз уйига юбораётган пулларининг миқдори бу мамлакатлар экспортидан ортиқдир.

Кўп мамлакатларда, масалан Янги Зелландияда Фиджи ва Тонго оролларидан келган ишчиларга қисқа муддат, яъни 3-6 ой ишлашга рухсат берилган. Бошқа кўп ҳолларда эса ишчилар оиласини узоқ муддатга ташлаб кетадилар ва ўзга мамлакатларда қўп пул топгандан сўнг уйга қайтиш мақсадида қолиб кетадилар. Уларнинг уйга қайтиши баъзи ривожланган мамлакатларда муаммо туғдиради. Масалан, 70-йиллар ўрталарида испаниялик ишчилар ўз уйларига қайтгани учун Франция сезиларли равишда ишчи кучи етишмаслигига дуч келган. АҚШ эса 80-йиллар охирида корейс олимлари ва мұхандисларидан маҳрум бўлди. Яна бир муаммо чет эллик иммигрантлар сонини чеклаш билан боғлиқ давлат чораларининг қабул қилинишидир. Бундан ташқари саноати ривожланган давлатларда маҳаллий ишчилар учун иш ўринларини сақлаб қолиш мақсадида чет эллик ишчиларни мамлакатдан чиқариб юборишига қаратилган фаолият олиб борувчи гурухлар мавжуд.

Бандликдаги ўзгаришлар. Кўп миллатли компаниянинг капитал, технология ва бошқарувчи ходимларни сафарбар этиш қобилияти дунёning турли чеккаларида ишчи-мигрантларга талабни қондириш имкониятини беради. Йирик фойдали қазилмалар конларига эга ёки илгари ўзлаштирилмаган худудларда завод, фабрикалар ташкил қилиш учун компаниялар четдан катта миқдорда ишчи кучи олиб кириши, уй-жой куриши, ахолига ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини ташкил этиши зарур. Ҳатто ахоли яшайдиган жойларда уй-жой муаммоси мавсумий ишчиларни жалб қилишда қийинчилик туғдиради.

Ишчи кучи оқими ва турли мамлакатлар ишчи кучидан фойдаланиш меҳнат соҳасида қўшимча муаммолар келтириб чиқаради. Масалан, XX аср бошида АҚШда кўп сонли чет эллик ишчилар саноат корхоналарида, темир йўл ва қурилишда ишлаган. Бир миллатга мансуб ишчилар гурухларга бирлашиб, ўз таржимонлари билан меҳнат қилганлар. Одатда ҳар бир гуруҳ маълум бир ишни бажарган. Уй-жой ва ошхоналар ҳар бир гурухга алоҳида берилган, бу сепаратистик қарашларнинг чуқурлашишига олиб келган. Бундай қарашлар ҳозирги кунда ҳам Ғарбий Европа мамлакатларида мавжуд.

Меҳнатга ҳақ тўлаши. Меҳнатга ҳақ тўлаш сиёсати ва амалиёти компаниянинг бевосита рақобатбардошлигини белгилаб беради, ходимларни жалб қилиш, асраш ва рағбатлантиришга олиб келади. Турли давлатлардаги иш ҳақи ўртасидаги фарқлар ракобат устунликлари пайдо бўлишига ва кўп

компанияларни хорижда ишлаб чиқаришнинг ташкил қилишига ундаиди.

Мехнатга ҳақ тўлаш миқдори бизнесга жалб қилинган капиталга, муайян ҳудудда айрим касбларга талаб ва таклифга, ҳаёт қийматига, мамлакат қонунчилигига ва касаба уюшмаларининг ишчилар манфаатларини ҳимоя қила олиш қобилиятига боғлиқ. Ҳақ тўлаш тури асосан анъаналар, ҳимояланганлик ҳисси, солиқлар ва давлат олдидаги мажбуриятлар билан боғлиқ. Халқаро компаниялар арzon ишчи кучи мавжуд бўлган мамлакатда миллий фирмаларга нисбатан иш ҳақини кўпроқ тўлади.

Қўшимча имтиёзлар. Бир мамлакатдаги қўшимча имтиёзлар бошқа мамлакатдагидан анча фарқ қиласди. Турли давлатларда муайян меҳнат учун тўланадиган ҳақ фақат иш ҳақи миқдори билан белгиланмайди. Ҳар доим бериладиган ёки сўраб олинадиган қўшимча имтиёзларнинг тури кўп. Масалан, Японияда қўшимча имтиёзларга йирик фирмалар ходимларига оила нафақаси, уй-жой олиш учун субсидия ва қарз бериш, ҳақи тўланган тушликлар, фарзандларни ўқитиш ва байрамларни нишонлаш учун тўловлар киради. Буюк Британияда 70 % автомобиллар компанияга тегишли, чунки шахсий мулкка солинадиган солиқлар юқорилиги сабабли компанияга тегишли автомобилдан фойдаланган афзал. Кўпгина давлатларда қуйидаги қўшимча тўловлар турлари мавжуд: йил охирида бериладиган мукофот, болаларга бериладиган қўшимча пуллар, узун таътил, фойдада қатнашиш мукофоти.

Кафолатланган иш ўрни. Кўпгина мамлакатларда ходимларни бўшатиш қийин ёки компанияга кутилмаган катта заарларни келтиради. Масалан, Германияда бўшатилган ходим 18 ойлик иш ҳақига тенг компенсация беришларини талаб қилиши мумкин. Мамлакатда ишлаб чиқаришни тўхтатиш учун компания ўз касаба уюшмаси ва хукumatнинг қўшимча имтиёзларни бериш ва ишчиларни қайта тайёрлаш масалалари бўйича розилигини олиши керак.

Келтирилган зарар учун жавобгарлик. Компания, ходим ёки учинчи томоннинг ёмон ишлаши компанияга ёки ходимларга заар келтириши мумкин. Масалан, жисмоний заар транспорт воситасида йўл ҳаракати қоидаларига риоя қиласлиқ, ускуналардан нотўғри фойдаланиш ва техника хавфсизлигига риоя этмаслик натижасида келиб чиқади. Фирма нақд пул билан нотўғри ишлаш, фондларни ишлатиб юбориш, асбоб-ускуналарни синдириш оқибатида моддий заар кўриши мумкин. Келтирилган заар учун компания ёки ходимнинг жавобгарлик чоралари кенг турланади.

Хунос

Халқаро фирмада инсон ресурсларини бошқариш хусусиятлари хорижий филиалларнинг кадрлар сиёсати билан боғлиқ. Халқаро корпорацияларда инсон ресурсларини бошқариш бўйича турли хил ёндашувларнинг мавжуд бўлишига қарамай, уларнинг аксарият қисми

белгиланган мақсадларга эришиш ҳамда хорижда корхонанинг иқтисодий ривожланиши учун юқори малакали ходимлар муҳим аҳамиятга эгалигини эътироф этади. Компания штатини тўлдириш жараёнида малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олиш лозим. Ҳар бир фирма фаолиятини малакали кадрлар ва ёлланма ходимларга бўлган эҳтиёжни аниқлашдан бошлаши зарур.

Халқаро миқёсда инсон ресурсларини бошқариш мамлакат ичкарисида инсон ресурсларини бошқаришдан фарқланади. Хорижий корхоналарни бошқариш шакллари кўпроқ иш берувчининг қайси мамлакатда бизнес билан шуғуланаётганлиги ҳамда қаерда фаолият олиб боршига боғлик. Компаниянинг хориждаги филиалининг раҳбари мустақил ишлай олиш қобилиятига эга бўлиши керак, чунки хорижда кўпгина вазифалар харажатларни қисқартириш мақсадида бекор қилинган.

Фирмалар экспатриантлар танлаб олишда факат техник билим мезонига эътибор бермасдан, янги маданиятга мослашувчанлик қобилиятининг уч томони, яъни ўзини тутиш, маҳаллий кадрлар билан қониқарли муносабатларни ташкил қилиш, билим олиш қобилиятини ҳисобга олиши зарур.

Таянч иборалар

Репатриация муаммолари, меҳнат бозоридаги тафовутлар, оптимал технологиялар, халқаро компанияда меҳнатга ҳақ тўлаш, экспатриантлар меҳнати.

Назорат саволлари

1. Ходимлар хизмат сафаридан қайтганидан сўнг қандай муаммолар келиб чиқиши мумкин?
2. Халқаро компанияда меҳнатга ҳақ тўлаш қандай хусусиятларга эга?
3. Нима учун меҳнат бозоридаги тафовутларни ҳисобга олиш зарур?
4. Миллий ва халқаро даражаларда инсон ресурсларини бошқариш хусусиятлари қандай фарқларга эга?
5. Хорижий филиал бошқарувчисини тайинлашда қандай қийинчиликлар мавжуд?
6. Маҳаллий бошқариш ходимларидан фойдаланиш қандай ижобий ва салбий томонларга эга?
7. Экспатриантлар деганда кимлар назарда тутилади?

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Пивоваров С.Э., Тарасевич Л.С., Майзель А.И. Международный менеджмент. -С-Пб., 2005.

2. Внешнеэкономическая деятельность: Учебник. /Под ред. Б.М. Смитиенко, В.К.Поспелова. -М., 2002. – 304 с.
3. Кузьмина Т.И. Международный менеджмент. Управление в международных компаниях. -М., 2004.

10 - боб. ХАЛҚАРО БИЗНЕС ЭТИКАСИ ВА ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР МЕНЕЖЕРИГА ҚҰЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

- 10.1. Глобал менежер учун этиканинг аҳамияти**
- 10.2. Халқаро бизнесни ахлоқий юритишининг асосий белгилари**
- 10.3. Менежернинг уч тоифадаги шахслар талабларини хисобга олиши зарурати**

10.1. Глобал менежер учун этиканинг аҳамияти

Глобал менежер учун турли мамлакатлар ва қитъалар шароитида меңнат қилиш билан боғлик ахлоқ, маънавий талаблар ва меъёрларнинг умуминсоний характерини тушуниш ички миллий ва халқаро низоларнинг олдини олишга ёрдам беради. Бундай зиддиятлар эҳтимоли компания бошқарувчисига нисбатан халқаро менежер учун юқорироқ ҳисобланади.

Халқаро менежернинг ўз кундалик фаолиятида дуч келадиган давлатлар ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий тафовутлар күпинча сайёрамизда яшовчи этник гурухларнинг ижтимоий-маданий ривожланишидаги фарқларнинг натижаси эканлигига ишонч ҳосил қиласи. Бу тафовутлар менежмент услугига, ишлаб чиқариш ва сотишни ташкил этишга, маҳаллий мутахассислар билан ишлаб чиқариш муносабатларига ва пировардида қабул қилувчи мамлакатда меңнат унумдорлиги ва халқаро компания хорижий филиали ҳақидаги оммавий фикрга бевосита таъсир этади.

Зиддиятлар халқаро менежернинг бир томондан қабул қилувчи мамлакат ижтимоий фикрини инкор этиб, фақат иқтисодий ютуқса эришишга қаратилган фаолият юритганда, бошқа томондан эса, кўп сонли шахслар гурухларини ўз фаолиятининг тўғрилиги, фойдалилиги ёки ҳеч бўлмаганда заарсиз эканлигига ишонтира олмаганда вужудга келади. Бундай гурухларга масалан, қабул қилувчи мамлакатда халқаро компаниянинг филиали ишчи ва хизматчилари, маҳаллий ҳиссадорлар, ҳукумат мансабдорлари, тегишли касаба уюшмалар раҳбарияти ва ҳоказолар киради. Менежер ва улар ўртасида баъзан маҳсус маҳаллий қонунчилик ёрдамида ҳал қилиш мумкин бўлмаган баҳсли зиддиятлар вужудга келади.

Бу ҳолда глобал менежер жамият олдидағи ўз масъулиягини англаши ва ҳар қандай йўл билан фойда олиш принципини чеклаш йўли билан ўз хатти-харакатларини ахлоқий жиҳатдан қораланишига йўл қўймаслиги зарур. Бу фойда олиш принципини умуман инкор этишни эмас, балки қабул қилувчи мамлакатдаги мавжуд ижтимоий меъёрларни бузишга олиб келганда, иқтисодий самараадорлик мантиқи билан ривожланаётган тараққиёт кишилар учун хавф-хатар манбаига айланган

холда уни чеклашни назарда тутади.

Ахлоқий меъёрлар корхона раҳбарининг хатти-ҳаракатларини маълум даражада, жумладан, ҳалқаро менежер нуқтаи назаридан иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлган тадбирлар кишилар, атроф-муҳит учун хавф-хатар туғдириши мумкин бўлган вазиятларда ҳам чеклайди. Бу қарашларга глобал менежер фаолиятида устунлик берилиши керак, чунки қабул қилувчи мамлакатларда хорижий ва қўшма корхоналар тобора кўп даражада жамоатчиликнинг кучли эътибори остида амал қилмоқда.

Ҳалқаро менежернинг ахлоқий жиҳатдан қўпол хатоларига куйидагиларни киритиш мумкин:

- қабул қилувчи мамлакатларда ишбилармонлик муҳити ва маданий ҳаёт хусусиятларини ўрганишни инкор этиш;
- хорижий фаолият натижаларини ошириб кутиш;
- хорижий шериклар билан ўзаро тушунишга интилмаслик;
- хорижий шериклар билан мунтазам мулоқот қилмаслик, шу жумладан, улар билан илиқ шахсий муносабатлар аҳамиятини етарли баҳоламаслик;
- вужудга келган муаммолар ва келишмовчиликларнинг сабабларини яхши ўрганмасдан туриб, хорижий шериклар билан муносабатни узиш.

Жаҳон иқтисодиётининг замонавий босқичида глобал менежер малакаси иқтисодий ва техник билимлардан ташқари ижтимоий соҳадаги билимлар ва мулоқотга киришувчанлигини ҳам ўз ичига олиши керак. Зиддиятлар вужудга келганда тинчлик ўрнатилишини кифоя деб билувчи анъаналар эскириб қолди. Ҳозирги вақтда ҳалқаро менежер дуч келадиган муаммоларнинг ҳал қилиниши бундан манфаатдор бўлган барча шахслар ва хуқуқий субъектлар ўртасида келишувга, яъни **консенсусга** эришиш билан боғлиқ.

Унумли консенсусга эришиш воситаси сифатида муаммо ҳал қилинишидан барча манфаатдорларни қатъий исботлаш асосида соғлом тафаккур овозига мурожаат қилиш назарда тутилади. Бунда глобал менежер ўз фаолиятининг ижтимоий оқибатларини ҳисобга олиши шарт. Бунга ҳалқаро компания хорижий филиалининг бошқариш лойиҳаси ва қарорлар қабул қилиш қалтислиги билан боғлиқ мунозаралар уларнинг амалга оширилиш даражаси нуқтаи назаридан ёрдам бериши мумкин. Қарорлар қабул қилиш усулига бундай ёндашув қарорларнинг бошқа манфаатдор шахслар учун келтириб чиқариши мумкин бўлган қалтислик даражасини жиддий пасайтиради.

Бир вақтнинг ўзида консенсус муҳим қарорлар қабул қилинишида тадбиркорлик омадини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшади, чунки у маълум даражада нотўғри қарорлар қабул қилинишидан, унумсиз капитал қўйилмаларни амалга оширишдан, хавфли вазиятлар туғилишидан

кафолатлайди. Халқаро менежерларда қабул қилинаётган қарорларни ахлоқий баҳолаш ва исботлаш қобилиятларини ривожлантириш мақсадида ривожланган давлатларнинг кўпгина ўқув юртларида бизнес-этика мажбурий фан сифатида ўқитилади.

10.2. Халқаро бизнесни ахлоқий юритишнинг асосий белгилари

Халқаро бизнес – турли давлатлардаги шерикларнинг ўзаро ишончи бўлиб, бусиз ҳамкорликни амалга ошириш мушкул.

Бизнесни ахлоқий юритишнинг 3 асосий белгиси мавжуд:

1. Бизнеснинг ўз мақсадларига мувофиқлиги.
2. Соғлом тафаккурга бўйсуниш.
3. Оддий маданий принциплар асосида ҳаракатланиш.

Хорижий шароитларга мослашишнинг асосий омили маҳаллий аҳоли билан оғзаки, ёзма ва сўзсиз воситалар (гавда тутилиши, мимика ва ҳаракатлар) ёрдамида мулоқот ўрнатилиши ҳисобланади. Бунда эстетика меъёрлари - ранг, дизайн, рамзлар, дидлар бўйича миллатлар тафовутларини ҳисобга олиш зарур. Дин хусусиятлари ҳатто янги технологияларнинг ишлаб чиқаришга татбиқ қилинишига таъсир этиши мумкин. Катта оиласлар ва кардош гуруҳлар кўп бўлган мамлакатларда фирмалар одатда ходимларни яхши уй-жойлар билан таъминлаш, ходимлар фарзандининг таълим олиши, соғлиқни сақлаши ва дам олиши учун шароитлар яратишга масъул. Бундай хусусиятларни ҳисобга олмай, хорижий корпорация қабул қилувчи мамлакатларда зиддиятлардан халос бўла олмайди.

Қабул қилувчи мамлакатларда урф-одатлар, дин, хукумат сиёсати омилларини ҳисобга олиш муҳим, чунки улар байрам кунлари, ишдаги танаффуслар, жинс камситилиши, хизмат кўтарилиши, пенсияга чиқиш ёши, инсонпарварлик мақсадларига тўловлар миқдори, даромадлар тақсимланиши, маҳаллий персонални танлашни аниқлади. Масалан, Исломда жума диний байрам деб эътироф этилади, беш вақт намозни, йилда бир ой рўза тутишни, камбағалларга даромаднинг бир қисмини беришни назарда тутади. Индуизм айрим тоифа (каста) вакилларининг хизмат бўйича кўтарилишига қаршилик билдиради. Конфуцийлар ходим сифатларини баҳолашда уларнинг малакасига эмас, балки ёшига кўпроқ эътибор берадилар.

Шу билан бирга халқаро бизнес этикаси соғлом фикр ва оддий инсонийлик тушунчалари билан барча мамлакатлар ва қитъаларга бир хил даражада тарқалган. Бир давлатда талабга эга бўлмаган, бошқа мамлакатда истеъмолчиларнинг даромадлари ва дидига мос келувчи товарларни сотиш ахлоқийdir. Масалан, ҳозирги вақтда паст аҳоли турмуш даражасига эга давлатларда оқ-қора телевизорларни экспорт қилиш ахлоқан мумкиндири. Шу билан бирга бирор мамлакатда инсон саломатлиги ва атроф-муҳит учун заарли деб ҳисобланган товарларни ҳеч қайси бир мамлакатда сотиш

мумкин эмас.

Бизнесда рақобат мумкин ва ахлоқий жиҳатдан қораланмайди. Бироқ у ҳар доим соғлом фикр ва оддий инсонийликнинг жиддий меъёрлари билан чекланган бўлиши ҳамда обрў тушишига олиб келмаслиги керак. Вужудга келган шароитлар ишлаб чиқарувчини нисбатан юқори сифатли товарни ишлаб чиқариб пастроқ баҳода сотишга мажбур қилиши мумкин. Лекин ҳеч бир вазият ёлғон, тухмат, ўғрилик, жисмоний зўрлаш ва қонунбузарликни оқлай олмайди. Хусусан, истеъмолчиларни алдашга йўл қўйилмайди, чунки улар билан муносабатлар реклама сингари узоқ муддатли етказиб беришлар ва сотувларга йўналтирилган ҳолда олиб борилиши керак.

Юқори баҳо натижасида доимий ёки потенциал истеъмолчилар етказиб берувчилардан узоқлашса ёки беморлар маблағ етишмаслиги сабабли дориларнинг йўқлигидан вафот этсалар, фойдани кўпайтиришга интилиш оқланмайди. Бундай воситалар бўлғуси сотувлар учун шароитларни ёмонлаштириши мумкин. Шунингдек, жуда юқори даромадлар бу тармоққа янги рақобатчиларни жалб қилишини эътиборга олиши зарур.

Молиявий фаолият этикаси барча ишбилармонлик, шу жумладан, бухгалтерлик ҳисоб-китобларининг ҳам ҳаққоний бўлишини англатади. Молия-бизнес тили, шу сабабли менежернинг молиявий ҳисоботи ҳаққоний, оқилона, ишончли бўлиши керак, унинг маъноси ҳам шунда. Қуйидаги 3 та талаб ишбилармонлик бўйича молиявий ҳисоботни тузиш шартлари ҳисобланади:

1. Молиявий ҳисобот тузилаётган қоидалар тўғри ва реал вазиятларга жавоб бериши керак.
2. Бу қоидалар корпорациянинг барча бўлимлари учун бир кўринишида бўлиши керак.
3. Ҳисоботларда фақат ишончли, текширилган маълумотлардан фойдаланиш зарур.

Лотин Америкаси ва Осиё давлатларида тадбиркорлик фаолияти учун порахўрликнинг зарурлиги тўғрисидаги кенг тарқалган фикр йирик ишбилармонлар томонидан рад этилиши керак. Порахўрлик маънавиятсизлик ва ахлоқсизликдир. Пора олувчилар ва пора берувчилар охир-оқибатда доим фош этилади ва ўз обрўсини йўқотади.

Шунга қарамай, афсуски, ҳозирги вақтда фақат ривожланаётган мамлакатларда эмас, бутун дунёда порахўрлик тарқалган. Жаҳон бизнесида порахўрлик одатда катта бўлмаган жорий шартномаларни бажариш шароитларига қараганда порахўр ва пора берувчиларнинг фош этилишига камроқ имконият яратувчи йирик кўламли лойиҳаларни бажариш вақтида авж олади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, сўнгги йилларда автомобилсозлик саноатида халқаро бизнес биринчи навбатда Америка компаниялари битимлари очиқлигининг амалиётда қўлланиши, шунингдек япон ишлаб чиқарувчиларининг Европа етказиб берувчиларига қўяётган қатъий талаблари натижасида порахўрлик ва таъмагирликдан анча тозаланди.

Шу билан бир вақтда 90-йиллар охирида халқаро иқтисодий муносабатлардаги порахўрликлар билан боғлиқ жанжаллар ҳақидаги маълумотлар мавжуд. Америка экспертлари халқаро порахўрлик ҳажмини улкан микдорлар билан баҳолайдилар: фақат 1997 йилнинг ўзидаёк 60 та йирик халқаро битимларда порахўрлик аниқланган. Пораларнинг умумий микдори 30 млрд. долл.ни ташкил этган. «Шпигель» журнали чоп этган мақолада «Фольксваген» ва «Дженерал моторс» автогигантларининг харидлар бўйича бўлимлари вакиллари фойдали шартномалар имзолашдан манфаатдор етказиб берувчилардан мунтазам пора талаб қилишда айбланадилар.

Хусусан, «Шкода» фирмаси (немис компаниясининг чех бўлими) учун бўяш заводини қуриш лойиҳасида иштирок этувчи «Фольксваген» компанияси харидлар бўлимининг Зта менежерига айб қўйилган эди. Маълум мукофот учун бу менежерлар «Эй-Би-Би» швейцария-швед фирмасига фойдали шартнома ташкил этишни таклиф қилдилар. «Фольксваген» компаниясининг раҳбарияти уларни ишдан четлаштири ва бу иш терговини немис прокуратурасига топширди.

Порахўрлик бозор иқтисодиётiga ўтаётган айрим давлатларда ҳам намоён бўлмоқда. Масалан, Монголияда 80-йилларда ҳатто “порахўрлик” сўзи ҳам йўқ эди. 90-йиллар охирида бу иллат айниқса, хукмон табақалар орасида кенг тарқалди. Мутахассислар Монголияда пора бериш ва олишнинг 48 сабабини келтирадилар. Улар орасида - юқори лавозимга тайинлаш, божхона ва чегара хизматини сотиб олиш. Мамлакатда порахўрликка қарши кураш бўйича йирик хорижий мутахассисларнинг иштироқида семинарлар ўtkazilmokda.

Вазирлар ва парламент вакиллари бу иллатга қарши курашища тажриба алмашиш учун хорижга чиқмоқдалар. Монголия бош вазири Ринчиниямўн Амаржаргал коррупцияни, шу жумладан, порахўрликни мамлакат хавфсизлигига таҳдид, деб ҳисоблади. У: “Коррупцияни тўхтата олмасак, бозор ислоҳотларини ўтказа олмаймиз”, - деб эътироф этди.

Хорижий шартномалар тақдирини ҳал қилувчи расмий шахсларни сотиб олиш амалиётига барҳам бериш учун ўз таркибига 29 та энг ривожланган мамлакат, шунингдек, Аргентина, Бразилия, Болгария, Чили ва Словакия кирувчи Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ)га аъзо мамлакатлар 1997 йилда халқаро бизнес соҳасида хорижий мансабдорларни сотиб олиш билан курашиш ҳақидаги Конвенцияни имзолади. Конвенция пора берувчиларга қарши курашишга қаратилган бўлиб, аъзо мамлакатлар уларни жиноий тартибда жазолаши, шунингдек бундай ҳолатларни аниқлаш бўйича ҳамкорлик қилиши зарур.

Ҳатто порахўрлик авж олган Лотин Америкаси ҳам бундай номаъқул обрўсига чек қўйишга қарор қилди. Америка давлатлари

ташкилотига (АДТ) аъзо 21 та мамлакат етакчилари битим имзолаш учунгина амалга оширилаётган ва жиноят деб ҳисобланган порахўрликни тугатиш бўйича ҳамкорлик қилиш ҳақида шартнома имзоладилар. Ушбу халқаро қонун бўйича айбланаётган шахслар жиноят содир этган мамлакатга қайтарилиши мумкин. Шунингдек, Лотин Америкаси вакиллари халқаро терговчилар учун зарурий ахборот хусусида банк сирлари ҳақидаги қонунга риоя этмасликка розилик бердилар.

Битим тўғрисидаги АДТ шартномасида “ўз расмий вазифаларини бажариш чоғида қонуний даромадларидан келиб чиқиб, тўғри тушунтириб бўлмайдиган” тарзда вужудга келган маблағлар эгасига айланган расмий шахсни жиноятчи деб ҳисоблаш тўғрисидаги банд мавжуд. Бу ҳужжат жуда долзарб бўлиб қолди. 90-йиллар охирида Мексика ва Колумбияда юқори мансабдор шахсларни порахўрликда айблаш бўйича суд жараёнлари ўтди. Аргентинада шу даврда “ИБМ” корпорациясининг Аргентина филиалининг собиқ раҳбарига қарши айловлар қўйилди. У 250 млн. долл.лик шартнома имзолаш учун йирик пора берган.

АДТ конгрессида АҚШ делегацияси “шубҳаланувчи ўз айбизлигини исботлашга мажбур эмас”, деган АҚШ конституция принципига зид бандга эга бўлган АДТ шартномасини имзолаш ваколатига эга эмаслигини маълум қилди. Шунга қарамай, АҚШ 1977 йилдаёқ хорижий коррупция амалиёти ҳақидаги қонунни қабул килган. Ушбу қонунга биноан АҚШ фуқаролари ҳар қандай чет эл шахсларига ишбилармонлик битимини амалга ошириш учун пора бериш жиноят ҳисобланади.

10.3. Менежернинг уч тоифадаги шахслар талабларини ҳисобга олиши зарурати

Харидорлар, маъмурий органлар, бўйсунувчилар талабларига юқори эътибор билан қараш ва тўғри, адолатли ва қонуний бўлганда имконият борича уларни бажариш зарур. Бунда қабул қилувчи мамлакатларда глобал менежер қарор қабул қилишдан аввал қўйидаги саволларга жавобларни таҳлил қилиб, муаммони аниқлаб олиши керак:

- талаб мазмуни нимада?
- ким сўраяпти?
- уни бу талабга нима ундади?
- талаб бажарилганда кимга зарар етиши мумкин?
- қандай қарорни кўтишмоқда?
- ушбу қарор бўйича қандай фикрлар ва қаршиликлар мавжуд?
- ушбу қарор канчалик тезкор бўлиши зарур?
- уни қанчалик тез бажариш керак?
- у нима беради?

Бунда қўйилаётган талаблардан қатъий назар қўйидагиларни яшириш одобсизликдир:

а) акциядорлардан – акциядорлик жамиятининг қўшилиши ёки ютилишининг ҳақиқий сабаблари;

б) бўшатилаётган ходимлардан – штатнинг қисқартирилиши сабаблари.

Охирги ҳолатда масалан, фирмани қайта ташкил этишнинг истиқболли режасига мувофик, штатни қисқартириш заруратини ишончли тушунтириш ахлоқийдир.

Кўрсатилган уч тоифа шахслари талаблари бўйича қарор қабул қилинаётган ҳар қандай вазиятда халқаро менежер компаниянинг ижтимоий масъулиятидан келиб чиқиши керак. У эса бир томондан хўжалик самарасига эришиш, бошқа томондан эса қабул қилувчи мамлакатда компания учун қулай ижтимоий фикрни яратиш заруратига асосланади. Қабул қилувчи мамлакатда хорижий компания фаолияти билан боғлик шахсларнинг барча тоифалари учун менежер томонидан қабул қилинган бизнес самарадорлиги меъёрларига мос келувчи қарор тушунарлидир. Бизнес самарадорлигининг меъёрлари эса қўйидаги асосий омиллар билан аниқланади:

- мавжуд ресурслардан максимал фойдаланиш;
- ҳар бир кишининг ўз иши учун масъулияти;
- билимдонлиги;
- эркин бозор ахборотини ўз вақтида қўллаш.

Тартибли бизнесменлар учун “Ахлоқ кодекси”. XXI асрда халқаро бизнес учун улкан истиқболлар очилмоқда. Самарали тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмокчи бўлганлар учун ишбилармонларнинг миллий ассоциацияси хулқ-атвор қоидаларини ишлаб чиқадилар. Улар эса эркин бозор ва умумқабул қилинган тадбиркорлик амалиётининг “таянч - ҳаракат тизими” ни ташкил этади. Кўпинча бу қоидаларнинг услубий негизини “ахлоқ кодекси” ташкил этиб, уларни ишлаб чиқиш бўйича Халқаро савдо палатаси (ХСП) 80 йиллик тажрибага эга. Уларга ҳуқуқий қуролларнинг умумий тўплами, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш усуллари, таъмагирлик ва порахўрликка қарши кураш усуллари, самарали солиқقا тортиш механизмларини яратиш, божхона режимини такомиллаштириш бўйича тавсиялар, тижорат баҳсларини арбитраж орқали ҳал қилиш тажрибаси киради.

Кўпчилик тадбиркорларнинг ахлоқ кодексларига қўшилишидан манфаатдорлиги сабабларига уларнинг халқаро кўламда тадбиркорлик билан шуғулланишини енгиллаштирувчи шароитларни яратиш ва доимий ўзгариб турувчи жаҳон товар ва хизматлар бозори конъюнктураси шароитларида ўз корхонасининг хавфсизлигига

интилиши киради.

Хулоса

Глобал менежерга этика ички миллий ва халқаро зиддиятларнинг олдини олиш имкониятини беради. Глобал менежер малакаси иқтисодий ва техник билимлардан ташқари ижтимоий соҳа ҳақидаги билимлар ва мулоқотга киришувчанликни ҳам ўз ичига олиши керак. У ўз фаолиятининг ижтимоий оқибатларини ҳисобга олиши шарт.

Халқаро менежер фаолиятини факат хўжалик муваффақиятига эришишга йўналтирганда, қабул қилувчи мамлакатда жамоатчилик фикрини инкор этганда ёки қабул қилувчи мамлакатда кишиларнинг асосий гурӯҳлари - халқаро компанияларнинг хорижий филиали ишчи ва хизматчилари, маҳаллий акционерлар, ҳукумат мансабдорлари, касаба уюшмаси раҳбарларини фаолиятининг фойдалилиги, тўғрилиги ва безараrlигига ишонтира олмагандан зиддиятлар туғилади.

Ахлоқий жиҳатдан халқаро менежернинг жиддий хатоси қабул қилувчи мамлакатда ишбилармонлик муҳити ва маданий хаёт хусусиятларини ўрганишни инкор этиш, хорижий фаолиятдан кутилаётган натижаларнинг реал эмаслиги, хорижий шериклар билан ўзаро тушунишга интилмаслик, муаммолар ва зиддиятларнинг сабабларини яхши ўрганмай туриб хорижий шериклар билан муносабатларни узиш ҳисобланади.

Молиявий фаолият этикаси барча ишга доир, шу жумладан, бухгалтерлик ҳисоб-китобларининг ҳаққонийлигидан иборатдир.

Порахўрлик доим маънавий қораланади ва ахлоқсизликка киради.

Халқаро тадбиркорлик фаолиятида муваффақиятларга эришишни истовчилар учун ишбилармонларнинг миллий ва халқаро ассоциациялари хулқ-автор қоидалари ва “ахлоқ кодекс”ларини ишлаб чиқадилар.

Таянч иборалар

Халқаро бизнес этикаси, бизнес самарадорлиги меъёрлари, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ), Халқаро савдо палатаси (ХСП)

Назорат учун саволлар

1. Халқаро менежер учун этика қандай аҳамиятга эга?
2. Қабул қилувчи мамлакатда халқаро менежер зиддиятларининг асосий сабаблари нимада?
3. Ахлоқий жиҳатдан халқаро менежер йўл қўйиши мумкин

бўлган асосий хатоларга нималар киради?

4. Ахлоқий бизнес юритишнинг асосий принципларини айтиб беринг.
5. Рақобат ахлоқсизликка кирадими?
6. Молиявий фаолият этикаси нимадан иборат?
7. Халқаро бизнесда порахўрлик қандай баҳоланади?
8. Миллий ва халқаро миқёсда коррупцияга қарши қандай кураш олиб борилмоқда?

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Пивоваров С.Э., Тарасевич Л.С., Майзель А.И. Международный менеджмент. -С-Пб., 2005.
2. Ғуломов С.С. Менежмент. -Т., 2002.
3. Йўлдошев Н.Қ., Қозоков О.С. Менежмент. -Т.: Фан, 2004.

АТАМАЛАР ЛУГАТИ

«Аник вақтда» (Just in time) – товарларни йўқотишсиз ва тайёр маҳсулотни омборда сақлаш харажатларини камайтиришга қаратилган операция фалсафаси.

Байналмилаллашув (Internationalization) – компаниянинг миллий чегаралардан ташқариға ўсиши.

Бевосита хорижий инвестициялар – бевосита сармоядор компания ва қабул қилувчи фирма ўртасида узоқ муддатли ишга оид муносабатларга мўлжалланган капитал қўйилмалар.

Бостон консалтинг гуруҳи матрицаси (BCG matrix – Boston Consaltung Group matrix) – маркетинг улуши ва маркетинг ўсиши асосида маҳсулотлар ва фирмалар классификацияси.

Вертикал интеграция – халқаро компаниянинг турли мамлакатларда ишлаб чиқариш жараёнининг айрим босқичларини жорий этиши.

Глобаллашув – компаниянинг энг юқори экстенсив ривожланиш босқичи бўлиб, бунда компания манфаатлари бутун дунё бўйлаб ёйилади.

Горизонтал интеграция (Horizontal integration) – рақобатчи билан қўшилиш ёки уни ютиб юбориш.

Диверсификация – компаниянинг янги бозорлар учун янги маҳсулотлар ишлаб чиқариши ҳисобига ўсиши.

Интеграциялашув – компанияларнинг қўшилишлар ва сингишлар ҳисобига бирлашуви.

Ишбилармонлик этикаси – фирмаларнинг бир-бири ва жамият билан ўзаро муносабатлар олиб боришининг турли маънавий жиҳатларини ўрганувчи изланиш соҳаси.

Кўлам самараси, яъни ишлаб чиқариш кўлами ўсиши орқали иқтисод қилиш. (Economies of scale) – маҳсулот бирлигича узоқ муддатли ўртача ишлаб чиқариш харажатлари билан характерланувчи самара.

Лицензиат – лицензияни харид қилувчи.

Лицензиар – лицензияни сотувчи.

Маданият – компанияда хулқ-атвор меъёрлари, характеристи ва алоқаларининг мажмуаси.

Мутлақ устунликлар – бошқа давлатларга нисбатан меҳнат унумдорлиги юқори ва ишлаб чиқариш харажатлари паст бўлган мамлакатда товар ва хизматларни ишлаб чиқаришни ташкил этишни назарда тутувчи тамойил.

Нисбий афзалликлар – мамлакатда бир неча хил товарлар орасидан энг кўп фойда келтирувчи товар ва хизматлар ишлаб чиқаришга ихтисослашувни назарда тутувчи концепция.

Оператив (жорий) мақсадлар - қисқа муддатли (стратегик мақсадлардан фарқли ўлароқ) мақсадлар.

ПЭСТ – таҳлил (PEST analysis) – макроиқтисодий таҳлилнинг асосий қисми бўлиб, у сиёсий (р), иқтисодий (э), ижтимоий-демографик (с) ва технологик (т) омилни ўз ичига олади.

Самарасиз ишлаб чиқариш – компания учун фойда ва даромад келтирмайдиган нарсаларнинг барчаси (машина ва ускуналардаги камчиликлар, ёмон сифат ва б.)

Стратегик альянслар (Strategic alliances) – одатда иккита компаниянинг ўзаро манфаатли стратегик мақсадларни амалга ошириши учун бирлашиши.

Синергизм (Synergy) – компаниялар йириклишувидан кузатилувчи самара. Бунда умумий натижа алоҳида компаниялар натижасидан юқори бўлади ва баъзан $2+2=5$ формула билан ифодаланади.

Тадбиркорлик(entrepreneurship) – инглизча ёки французчадан таржима қилинганда “имкониятларни амалга ошириш, қўллаш ёки новаторлик фаолияти ёхуд корхона тузиш йўли билан эҳтиёжлар ва истакларни қондириш” маъноларини англатади.

Ташқи муҳит таҳлили – ташқи макроиқтисодий ва микроиқтисодий кўрсаткичларнинг таҳлили.

Ташқи муҳит таҳлили тузилмаси – ташқи иқтисодий, хуқуқий, маданий ва сиёсий муҳитлар таҳлилиниң мажмуаси.

Фискал сиёsat (Fiscal policy) – миллий иқтисодиётни давлатнинг даромадлари ва харажатлари тизими орқали тартибга солиши.

Франчайзинг (Franchising) компания томонидан унинг маркаси билан маҳсулот ишлаб чиқариш ёки сотиш учун хужжат (франшиза) берилиши.

Халқаро менежмент – хорижда ташқи иқтисодий алоқаларнинг барча шаклларида жамоа фаолияти шароитларида корхоналарни тўғри бошқариш назарияси ва амалиётидир.

Халқаро горизонтал интеграция даражаси – таҳминан ТМК филиалларининг бошқа ундан мустақил фирмаларга экспорт ҳажми.

Хорижда атроф-муҳитга мослашишнинг объектив омиллари – фирма таъсир эта олмайдиган ва фақат мослашишга мажбур бўлувчи ташқи муҳит омиллари.

Ютиш, ўзлаштириш (поглоение) – бир компаниянинг жами акцияларини бошқа компания томонидан сотиб олиниши. Ютилган бизнес ўзлаштирувчи компаниянинг шуъба корхонасига айланади.

Қўшимча қиймат(Added value) – маҳсулотнинг тўла ва жорий бозор қиймати ўртасидаги фарқ.

Қўшилишлар (слияния – Mergers) одатда иккита бир хил ҳажмли компанияларнинг қўшилиши орқали битта йирик компаниянинг ташкил этилиши, яъни компанияни ташқи ўсиши усувларидан бири.

Қўшма корхоналар (Joint ventures) – одатда қисқа муддат ёки бир лойиҳа учун икки ёки бир нечта компанияларнинг бирлашиви.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. -Т., 1991 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуни. -Т., 1991 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни. -Т., 1994 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари

1. «Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги ПФ—3618-сон Фармони.

2. «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон Фармони.

3. «Экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 мартағи ПҚ—26-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.05.2003й. 205-сонли «Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни хуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.12.2000 й. 473-сонли «Халқаро шартномалар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар бўйича мажбуриятларини бажариш тартиби тўғрисида» Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. “Халқ сўзи” газетаси, 2006 йил 11 февраль.

2. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. -Т.: Ўзбекистон, 2005.

Дарсликлар

1. Волкогонова О.Д., Зуб А.Т. Стратегический менеджмент: – М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2006. – 256 с.
2. Резник С.Д. Персональный менеджмент. – М.:ИНФРА-М, 2006. - 622 с.
3. Ламбен Жан-Жак Менеджмент, ориентированный на рынок. -СПб.: Питер, 2006. – 800 с.
4. Маркова В.Д., Кузнецова С.А. Стратегический менеджмент: – М.: ИНФРА-М; Новосибирск, 2006. – 288 с.
5. Пивоваров С.Э., Таравич Л.С., Майзель А.И. Международный менеджмент: Учебник. 3-изд. – СПб., 2005. – 656 с.
6. Кемпбел Д., Стоунхаус Дж., Хьюстон Б. Стратегический менеджмент: Учебник. -М.: ООО «Издательство Проспект», 2003 - 336с.
7. Кругман П.Р., Обстфельд М. Международная экономика: Учебник. 5-е международное издание. –СПб.: Питер, 2003 -832 с.
8. Семенов К.А. Международные экономические отношения: Учебник. -М.: ЮНИТИ, 2003 – 544с.
9. Евдокимов А.И. и др. Международные экономические отношения: Учебник. -М.: 2003 – 552 с.
10. Гуломов С.С. Менеджмент. – Т., 2002. – 318 б.
11. Кузнецова Н.Г. Менеджмент организаций: современные технологии. – Ростов на Дону, 2002. – 480 с.
12. Международный менеджмент: Учебник. /Под ред. С.Э.Пивоварова, Д.И.Баркана и др. 2-изд. –СПб.: Пите», 2002.
13. Внешнеэкономическая деятельность: Учебник. /Под ред. Б.М. Смитиенко, В.К.Поспелова. -М., 2002. – 304 с.
14. Финансовый менеджмент: Учебник. Под ред. А.М. Ковалевой. -М.: ИНФРА-М, 2002-284 с.
15. Введение в теорию международных отношений: Учебник. Отв. ред. А.С. Манькин. М.: 2001. -320с.
16. Аакер Д.А. Стратегическое рыночное управление: Учебник. -СПб.: Питер – 2002. –544 с.
17. Блэкуэлл Р.Д., Миниард П.У., Энджел Д.Ф. Поведение потребителей. -СПб.: Питер, 2002. – 644с.

Ўқув қўлланмалар

1. Кузьмина Т.И. Международный менеджмент. Управление в международных компаниях. – М., 2004. – 240 с.
2. Попов С.Г. Основы менеджмента: Учебное пособие. -М.: Ось-89, 2003.-256 с.
3. Михалева Е.П. Менеджмент: Учебное пособие. -М.: ЮРАЙТ, 2003. -

176 с.

4. Қўчкоров А ва бошқалар. Менежмент стратегияси. – Т., 2003. – 184 б.
5. Йўлдошев Н.Қ ва бошқалар. Стратегик менежмент. – Т., 2003. – 102 б.
6. Черенков В.И. Международный маркетинг: Учебное пособие. - СПб.: ИВЭСЭП, Знание, 2003.
7. Мировая экономика: введение во внешнеэкономическую деятельность: Учебное пособие. /Под ред. А.К. Шуркалина, Н.С. Цыпиной. - М.: Логос, 2002.
8. Акопова Е.С., Воронкова О.Н. Мировая экономика и международные экономические отношения: Учебное пособие. –Ростов на Дону: Феникс, 2000.

Монографиялар

1. Бекмурадов А. ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида. – Т.: ТДИУ, 2005.
2. Назарова Г.Г., Назарова Р.Р., Юсупов А.С., Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув: тажриба ва амалиёт – Т. ТДИУ, 2005. - 178 б.
3. Контуры инновационного развития мировой экономики. Прогноз на 2000-2015 гг. /Под ред. А.А.Дынкина. М.: Наука.-2000-143 с.
4. Лобанова Е.И., Лимитовский М.А. Финансовый менеджер. -М.: ДeКА, 2000. –396 с.
5. Ленский Е.В., Цветков В.А. Транснациональные финансово-промышленные группы и межгосударственная экономическая интеграция: реальность и перспективы. – М.: АФПИ еженедельника “Экономика и жизнь”, 1998.
6. Журавлёв П.В. и др. Мировой опыт в управлении персоналом. – М.: 1998.

Газета ва журналлар

1. “Халқ сўзи” газетаси.
2. “Деловой партнер Узбекистана” газетаси.
3. “Экономическое обозрение” журнали.
4. “Бизнес вестник Востока”.

Интернет сайтлар:

1. www.uk.ru
2. www.aport.ru
3. http://ino.uzpak.uz/rus/econom_0210.html
4. <http://www.fera.uz/modules>.
5. <http://www.cer.uz/Reports/9914>

6. <http://www.ecoaccord.cks.lead.org/trade/countries/uzb>.
7. [www. review.uz](http://www.review.uz)
8. ЎзА Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги - <http://www.aza.uz./business>

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
1-боб. ХАЛҚАРО МЕНЕЖМЕНТ ФАНИГА КИРИШ	6
1.1. “Халқаро менежмент” курсини глобал менежмент сифатида ўрганиш асослари	6
1.2. “Халқаро менежмент” категорияси	8
1.3. Хорижий тадбиркорлик шароитларида юқори қалтислик	9
1.4. Жаҳон бозорида рақобатбардошликка эришишда халқаро менежментнинг ўрни	11
2-боб. ҚАБУЛ ҚИЛУВЧИ МАМЛАКАТДА ХОРИЖИЙ ФИРМАЛАРНИНГ ФАОЛИЯТ ЮРИТИШ ШАРОИТИГА МОСЛАШУВИ	16
2.1. Хўжалик фаолиятини байналмилаллаштиришни мотивациялаш	16
2.2. Хорижда атроф-муҳитга мослашиш омиллари	17
2.3.Хорижий технологиялар ва ускуналарни қабул қилувчи мамлакатнинг шароитларига мослаштириш бўйича чора-тадбирлар	22
3-боб. ХАЛҚАРО ВА ТРАНСМИЛЛИЙ КОМПАНИЯЛАР ҲАМДА УЛАРНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ	29
3.1. Миллий компаниянинг халқаро компания даражасига ўтиш эволюцияси	29
3.2. ТМК – халқаро тадбиркорликнинг энг самарали шакли	33
3.3. ТМК миллатини аниқлаш.	38
4-боб. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ СОҲАСИГА ЧИҚИШ ШАРОИТЛАРИНИ ТАНЛАШ УСЛУБИЯТИ	44
4.1. Ташқи бозорда фаолият соҳасини танлаш	44
4.2. Қабул қилувчи мамлакатни танлаш	46
4.3. Хорижий шерикни танлаш	51
5-боб. ХАЛҚАРО КОМПАНИЯЛАРНИНГ ДАВЛАТ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ	56
5.1. Давлатнинг ўз ҳудудида халқаро компаниялар фаолиятига ёндашиш принциплари	56
5.2. Халқаро компаниялар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиниши	58
5.3. Миллий капитал экспортини рағбатлантириш	61
6-боб. ХОРИЖИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖЛАНИШИГА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯНИНГ ТАЪСИРИ	66
6.1. Халқаро иқтисодий интеграция ёрдамида ТМК имкониятларини кенгайтириш	66
6.2. Европа Иттифоқи шароитларида халқаро компанияларнинг имкониятлари	68
6.3. НАФТАда халқаро компанияларнинг имкониятлари	70
6.4. АСЕАН да халқаро компанияларнинг имкониятлари	72

6.5. МЕРКОСУРда халқаро компанияларнинг имкониятлари	73
7-боб. КОМПАНИЯ ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН МАМЛАКАТ-ЛАРДА МЕНЕЖМЕНТ УСЛУБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ	76
7.1. Менежмент услуги	76
7.2. Гарбий менежмент услуги	77
7.3. Осиё менежмент услуги	79
7.4. Менежмент услугидан қатъий назар ишга доир этикет	85
8 - боб. ХАЛҚАРО БИЗНЕСДА КАДРЛАР СИЁСАТИ	87
8.1. Халқаро жамоани бошқариш хусусиятлари	87
8.2. Қабул қилувчи мамлакатда маҳаллий ходимларни халқаро компания менежмент услугига ўқитиш усуллари	89
8.3. Халқаро компанияларнинг хорижий филиалларида раҳбарларни тайинлаш стратегияси ва ходимларни хорижда ишлашга тайёрлаш	90
8.4. Хорижий филиал штатида маҳаллий фуқаролар ва муҳожирлар (экспатриантлар)	94
9-боб. ХАЛҚАРО МЕНЕЖМЕНТ ТИЗИМИДА ИНСОН РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ	97
9.1. Халқаро фирмада инсон ресурсларини бошқариш хусусиятлари	97
9.2. Хорижий корхоналарни бошқариш шакллари	98
9.3. Хорижга ишга юбориладиган ходимларнинг баъзи шахсий тавсифлари	101
9.4. Мехнат бозоридаги фарқлар	107
10 - боб. ХАЛҚАРО БИЗНЕС ЭТИКАСИВА ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР МЕНЕЖЕРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР	111
10.1. Глобал менежер учун этиканинг аҳамияти	111
10.2. Халқаро бизнесни ахлоқий юритишнинг асосий белгилари	112
10.3. Менежернинг уч тоифадаги шахслар талабларини ҳисобга олиши зарурати	116
АТАМАЛАР	119
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	121

СОДЕРЖАНИЕ

ВВЕДЕНИЕ	4
Глава 1. ВВЕДЕНИЕ В ПРЕДМЕТ МЕЖДУНАРОДНЫЙ МЕНЕДЖМЕНТ	6
1.1. Изучение предмета «Международный менеджмент» как глобальный менеджмент	6
1.2. Категория «Международный менеджмент»	8
1.3. Повышенные риски в условиях зарубежного предпринимательства	9
1.4. Место международного менеджмента в достижении конкурентоспособности на мировом рынке	11
Глава 2. АДАПТАЦИЯ ИНОСТРАННОЙ ФИРМЫ К УСЛОВИЯМ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В ПРИНИМАЮЩЕЙ СТРАНЕ	16
2.1. Мотивация интернационализации хозяйственной жизни	16
2.2. Факторы адаптации к окружающей среде за границей	17
2.3. Мероприятия по адаптации импортных технологий и оборудования к условиям в принимающей стране	22
Глава 3. МЕЖДУНАРОДНЫЕ И ТРАНСНАЦИОНАЛЬНЫЕ КОМПАНИИ, СИСТЕМА ИХ УПРАВЛЕНИЯ	29
3.1. Эволюция перехода национальной компании в статус международной	29
3.2. ТМК – наиболее эффективная форма международного предпринимательства	33
3.3. Определение национальности ТНК	38
Глава 4. МЕТОДОЛОГИЯ ВЫБОРА УСЛОВИЙ ВЫХОДА В СФЕРУ ВНЕШНЕЭКОНОМИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ	44
4.1. Выбор сферы деятельности на внешнем рынке	44
4.2. Выбор принимающей страны	46
4.3. Выбор иностранного партнера	51
Глава 5. ОТНОШЕНИЯ МЕЖДУНАРОДНЫХ КОМПАНИЙ С ГОСУДАРСТВОМ	56
5.1. Принципы подхода государства к деятельности международных компаний на его территории	56
5.2. Государственное регулирование деятельности международных компаний	58
5.3. Поощрение экспорта национального капитала	61
Глава 6. ВЛИЯНИЕ МЕЖДУНАРОДНОЙ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ИНТЕГРАЦИИ НА РАЗВИТИЕ ЗАРУБЕЖНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА	66
6.1. Расширение возможностей ТНК путем международной экономической интеграции государств	66
6.2. Возможности международных компаний в условиях	68

Европейского Союза	
6.3. Возможности международных компаний в НАФТА	70
6.4. Возможности международных компаний в АСЕАН	72
6.5. Возможности международных компаний в МЕРКОСУР	73
Глава 7. ОСОБЕННОСТИ СТИЛЯ МЕНЕДЖМЕНТА В СТРАНАХ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КОМПАНИИ	
7.1. Стиль менеджмента	76
7.2. Западный стиль менеджмента	77
7.3. Азиатский стиль менеджмента	79
7.4. Этикет по работе кроме методологии менеджмента	85
Глава 8. КАДРОВАЯ ПОЛИТИКА В МЕЖДУНАРОДНОМ БИЗНЕСЕ	
8.1. Специфика управления международным коллективом	87
8.2. Способы обучения местного персонала в принимающей стране стилю менеджмента международной компании	89
8.3. Стратегия выдвижения на руководящие должности в зарубежных филиалах международных компаний и подготовка персонала для работы за границей	90
8.4. Местные граждане и экспатрианты в штате зарубежного филиала	94
Глава 9. УПРАВЛЕНИЕ ЛЮДСКИМИ РЕСУРСАМИ В СИСТЕМЕ МЕЖДУНАРОДНОГО МЕНЕДЖМЕНТА	
9.1. Особенности управления людскими ресурсами в международной фирме	97
9.2. Формы управления зарубежными предприятиями	98
9.3. Некоторые личные характеристики персонала командируемого за границу	101
9.4. Различия в рынках труда	107
Глава 10. ЭТИКА МЕЖДУНАРОДНОГО БИЗНЕСА И ТРЕБОВА- НИЯ К МЕЖДУНАРОДНОМУ МЕНЕДЖЕРУ	
10.1. Значение этики для глобального менеджера	111
10.2. Основные черты этичного ведения международного бизнеса	112
10.3. Необходимость учета менеджером требований лиц трех категорий	116
ГЛОССАРИЙ	119
СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ	121

CONTENTS

Introduction	4
Chapter 1. International management: introduction	6
1.1 Hearing subject “International management” as the global management	6
1.2 Category of “International management”	8
1.3 High risks in conditions of foreign business	9
1.4 International management is as a weapon of achieving competence in world market	11
Chapter 2. Adaptation of foreign firms to the activity conditions of receipting countries	16
2.1 Motivation of internationalizing activity of economy	16
2.2 Adaptation factors to environment in foreign country	17
2.3 Arrangements for adaptations to the conditions of countries receiving foreign technology and equipments	22
Chapter 3. International and transnational company, their operating system	29
3.1 Evolution of national company getting the status of international company	29
3.2 Transnational companies is effective form of international business	33
3.3 Defining the nationality of transnational company	38
Chapter 4. Methodology of choosing the conditions of entering sphere of foreign economic activity	44
4.1 Choosing sphere of activity in foreign market	44
4.2 Choosing the receiving country	46
4.3 Choosing the foreign partner	51
Chapter 5. Relations of international companies with the government	56
5.1 Approaching principles of the government to the activity of international companies in its territory	56
5.2 Regulation the international companies’ activity by the government	58
5.3 Taking interests in export of national capital	61
Chapter 6. Effects of the international economic integration to the development of foreign business	66
6.1 Expanding the opportunities of the transnational companies by the help countries’ international economic integration	66
6.2 Opportunities of the international companies in conditions European Union	68
6.3 Opportunities of international companies in NAFTA	70
6.4 Opportunities of international companies in ACEAN	72
6.5 Opportunities of international companies in MERCOSUR	73
Chapter 7. Features of management styles according to the country in which the company is working	76

7.1 Management style	76
7.2 Western management styles	77
7.3 Asian management styles	79
7.4 Etiquette concerning the work irrespective of management style	85
Chapter 8. Personnel policy in international business and kitting external branch staff of international company	87
8.1 Peculiarity of managing international community	87
8.2 Teaching the local personal to the styles of international management styles in receiving country	89
8.3 Strategy of setting managers offices in foreign branches of international companies and preparing the personal to work abroad	90
8.4 Local citizens and emigrants (expatriates) in staff of foreign branch	94
Chapter 9. Managing human resources in the system of international management	97
9.1 Features of managing human resources in international firm	97
9.2 Forms of managing foreign enterprises	98
9.3 Some personal characteristics of human sending on a business abroad	101
9.4 Differences in labor trades	107
Chapter 10. International business ethics and requests to the manager of international relations	111
10.1 Importances of ethics for global manager	111
10.2 Main indicators of moral managing international business	112
10.3 Necessity of registering demands of three kinds of personals of the manager	116
Explanatory words	119
Recommended literatures	121